

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

Т.Г. ГИЁСОВ

**Ҳиндистоннинг  
ўрта асрлар тариҳи**

Тошкент – 2004

Ўрта асрларда Ўинди斯顿да кўплаб мамлакатларга намуна бўладиган илғор ва мукаммал иқтисодий, ижтимоий ва давлат тузуми вужудга келди. Ўинди斯顿 ўзининг қадимий ва бой маданияти боис жаҳон цивилизациясига улкан ғисса қўшди. Мазкур дарсликда ўрта асрлардаги Ўинди斯顿нинг сиёсий тарихи, иқтисодий – ижтимоий тараққиёти, ислом маданиятини Ўинди斯顿га тарқалиши ва унинг бу мамлакатга барқали таъсири, Европа мустамлакачиларини Ўинди斯顿га босқини ва унинг аянчли оқибатлари, бобурийлар империясини вужудга келиши ва равнақ топиши, ўрта асрлардаги ғинд фани ва маданиятининг ривожи ва Ўинди斯顿ни Ўрта Осиё халқлари билан иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий алоқалари ўз аксини топган.

Дарслик ТошДШИ тарих–филология факультетининг ғинд бўлимни ҳамда хорижий мамлакатлар тарихи бўлимининг тала-баларига мўлжалланган.

**ГИЁСОВ Т.Г. Ўинди斯顿нинг ўрта асрлар тарихи.** –Т.:  
ТошДШИ нашриёти, 2004. –Б. 124.

---

Масъул муҳаррир: т.ф.д., проф. **М.М. ИСҲОҚОҚОВ**

## КИРИШ

Ҳиндистон ўзининг кўйна ва қадими тарихи ҳамда маданияти билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса кўшди. У азалдан илм-фани, маданияти ривожланган, миллий санъати тарақкий этган мамлакатлардир. Аниқ фанлар: математика, астрономия, кимё, медицина, фармацевтика соҳасида Ҳинд олимлар ажойиб кашфиётлар яратдилар. Ҳинд олимлари ноль тушунчаси билан бирга сонларнинг ўнли тизимини ишлаб чиқишиди. Қадимги ва ўрта асрлардаги Ҳинд математиклар ва астрономлари – Аръябхата, Варахамихира, Брахмагупта, Бхаскара, кимёгар Нагаржуна, шифокор-ҳакимлар Чарака ва Сушрутага ўз соҳаларида дунё аҳамиятига молик ихтиrolар қилдилар. Машҳур француз математиги Лаплас Ҳинд математикларига тан бериб, буюк Архимед ҳам Ҳинд математикасидан фойдаланган дейди.

XIV–XV асрларда ёк Ҳиндистонда катта-катта расадхоналар қурилиб, осмон жисмларини кузатишган. Мамлакатда ажойиб меъморчилик обидалари бунёд этилган. Архитектура, миниатюра соҳасида яратилган бетакрор, афсункор асарлар ҳамон кишиларни ҳайратга солади. Ҳиндистоннинг адабиёт ва санъат бобида эришган ютуқлари минг йиллар давомида яқин ва узоқ мамлакатлар халқларининг ижодий тафаккурига катта илҳом баҳш этди. Ҳиндистон жаҳоннинг энг қадими тарихи ва юксак маданий марказларидан бири саналади.

Бу ерда яратилган бетакрор санъат намуналари ўзига хос ёрқинлиги ва ноёблиги билан мафтун этади. Ҳиндистоннинг ана шундай бой ва серқирра маданияти, илм-фани, санъати, адабиёти, айниқса ўрта асрлар даврида янада равшан намоён бўлди.

Буюк Ҳинд халқининг кўп минг йиллик тарихи, ижтимоий-иктисодий тузими, қадими маданияти, миллий анъана ва урфодатлари кўшни мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқининг ўтмиш тарихи билан ҳам чамбарчас боғланган.

Миллий истиқололга эришган ўзбек халқи Ҳинд халқи ҳаёти, адабиёти, санъатига, унинг миллий-озодлик курашига катта қизиқиши ва хайрихоёллик билан қараб, кўшни Ҳиндистонни яқиндан чуқур англашга интилган. Айниқса Ҳинд ва ўзбек

халқининг һаёт тарзи, тили, адабиёти, санъати һамда тарихи ўртасидаги муштараклик икки халқнинг бир-бирига яқин, һамнафас бўлишида катта аҳамият касб этади.

Ҳиндистон тарихини ўрганишга бағишлаб Ўзбекистон, Россия, Хорижий Шарқ мамлакатларида һамда Ҳиндистоннинг ўзида, Гарбий Европа ва Америкада бир қанча илмий асарлар, йирик тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ўзбек тилида Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихини қамраб олувчи дарслик ёки ўқув қўлланмаси шу вактгача ёзилмаган эди. Ушбу дарслик ўзбек тилида Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихини акс эттириш йўлидаги илк уринишдир. Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида Осиё ва Африка мамлакатлари тарихи, хусусан Ҳиндистон тарихини ўрганаётган талабаларга маълум даражада фойда келтиради деган умиддамиз.

Ҳиндистоннинг ўрта асрлар тарихи тахминан VI–XVII асрларни ўз ичига олган катта даврни ташкил этади. Дарслик муалифнинг қарийб 50 йил давомида аввал Тошкент Миллий университетининг шарқ факультетида сўнгра Тошкент Давлат шарқшунослик институтида шарқшунос-ҳиндшунос талабаларига Ҳиндистон тарихи фанидан ўқиган маъruzалар асосида тузилган.

## **Ҳиндистонда феодал муносабатларнинг вужудга келиши**

**Ҳинд феодализмининг тавсифи.** VII–XVIII асрлар Ҳиндистонда феодал тузуми ҳукмронлик қилган даврdir. Ҳинд феодализми ўзига хос хусусиятларига эга. Зеро, Ҳиндистоннинг ўрта асрларда ижтимоий-иқтисодий тузуми Европа мамлакатларида бу даврда ривож топган феодализмдан бироз фарқ қиласи. Ҳиндистонда ҳукмрон синфнинг иерархик<sup>1</sup> тизими уччалик тарақкӣӣ этмаган, айрим ҳолларда эса, феодализм жамиятининг асосий белгилари, аломатларидан ҳисобланган бу иерархик тизим ўзини тӯла-тӯкис намоён қилмаган эди. Ҳинд деҳқони ўз хусусий хўжалигига эга эмасди. Мажбурий меҳнат (бегар) аксарият пайтларда истеҳком, қальъаларни қуришда, сурориш иншотларини барпо этишда ва бошқа юмушларда қўлланилар эди. Деҳқонлар рентани аввалдан белгиланган давлат солиғи шаклида тўлашарди. Деҳқонлар рентани аввалдан белгиланган давлат солиғи шаклида тўлашарда. Ҳукмдор ер ишловчига маълум бир ерни эмас, балки шартли ҳудудни инъом қиласи ва шу ҳудуддан давлат солиғи сифатида маълум миқдорда маблағundiради. Ер кимга инъом этилган бўлса, ўша шахс рента солиғини ўзи йиғарди ва бунин г эвазига ҳукмдорнинг кўшини учун ёлланган ҳарбийларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқалар билан таъминлашни ўз зиммасига оларди. Уруш бўлган тақдирда у ўз кўшини билан ана шу ҳукмдорнинг армасига қўшиларди. Бундай ерга эгалик ҳам, ер эгаларига бериладиган унвонлар ҳам ворисий эмас эди. Ҳиндистонда деҳқонлар феодалга шахсан ҳукукий жиҳатдан қарам ёки тобе бўлган эмас.

Феодализмнинг ҳиндча шакли Европа феодализмидан яна бир жиҳати билан фарқ қиласи, яъни бу мамлакатда давлатнинг ерга эгалиги хусусий ер эгасига нисбатан устувор бўлган. Ўрта асрлардаги Европа мамлакатлари ижтимоий тузуми билан Ҳиндистон ижтимоий ҳаёти ўртасида муҳим ўхшашликлар ҳам бор. Ев-

---

<sup>1</sup> Иерархия – даражаси ва тоифаси аниқ белгиланган тартибга биноан пастроқ мавқеда бўлган шахсларнинг юқорироқ мақомда бўлган амалдорга бўйсуниши.

ропадаги сингари Ўиндистонда һам иқтисод майда деңқон ва һунармандларнинг кўйл мөһнатига асосланар, улар анчагина мустакил бўлиб, аксари һолларда ўз натурал хўжалигига һам эга эдилар.

Ўинд тарихчи олим Д. Косамби Ўиндистон феодализмининг фақат ўзига хос хусусиятлари сифатида қулдорлик тузуми қолдиқлари һамда черков ташкилоти билан цехларнинг йўқлигини, давлатнинг ерга эгаларига нисбатан барқарор эканлигини, һунармандчилик билан деңқончиликни ўзида бирлаштирган қишлоқ жамоаси мавжудлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Шунинг-дек, муаллиф һам Ўиндистон, һам Европа феодализмига хос бўлган қанча хусусиятларни таъкидлайди. Булар – иккала минтиқада һам техниканинг нисбатан паст даражада эканлиги, меҳнат қуролларининг жўнлиги, натурал хўжаликнинг устуворлиги, баршчина меҳнатининг мавжудлиги, феодализмнинг бошлангич даврларида мамлакатни сиёсий жиҳатдан марказлашгани, феодалларнинг ерга эгалиги шартли эканлиги, ер эгасининг ўзига тобе аҳолига нисбатан һақ-хўкулари мавжудлигидир.

Россиянинг йирик тарихчи-Ўиндшуноси К.З. Ашрафян ёзганидек, Ўиндистонда феодализмнинг тараққиёти моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар натижасидир. У натурал хўжалик ва маълум даражада аграр муносабатларнинг устуворлигидан иборатdir<sup>1</sup>.

Ўиндистонда давлатнинг ерга эгалиги хусусида һиндунос олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Расмий жиҳатдан қараганда һинд тарихий манбаларида давлатнинг ерга эгалиги қайд этилган эмас, аммо ер учун олинадиган рента давлат солиғи кўринишида бўлган маълум. Давлатнинг ерга эгалиги у бу ерни тўла-тўқис бошқаради деган маънони билдирамасди. Илк ўрта асрларда ер деңқон учун экин-тикин билан шуғулланадиган маълум бир замин бўлиб, деңқон уни ўз авлодига мерос қолдириши, жамоадаги анъана-қонунларга риоя этган һолда уни сотиши һам мумкин эди. Шу ер майдон учун деңқон давлат томонидан белгиланган рента солиғини һукмдор тайинланган

---

<sup>1</sup> Ашрафян К.З. Феодализм в Индии: особенности и этапы развития. –М.: Наука, 1977. –С. 12.

шахсга тўлар эди. Бундай шартли ерлар олдиндан белгиланган солиқ миқдори ҳисобига инъом этилар ва давлат амалдорлари қайси ердан қанча солиқ йиғилишини чамалаб кўрар эди. Ҳинди斯顿да ривожланган феодализм даврида аксар инъом этилган ерлар ворисий бўлмаган. Ер солиғи фақат экинзор ерлардан олингани учун феодал ҳамиша экин майдонини кенгайтиришга интилган, бўш ва ўз ерларни ўзлаштирган деҳқонларга солиқ тўлашда имтиёзлар яратган ёки ердан унумли ҳосил этиштирган деҳқонларни рағбатлантирган.

**Илк феодализм.** Ҳинди斯顿да феодал зулмнинг айрим кўринишлари қадимдан мавжуд эди. Чунончи, асоратга солинган деҳқонлар мейннатидан кенг фойдаланиш ва давлат олдидаги хизматлари учун амалдорларга ер инъом этиш одат тусига кирган эди. VI–VII асрларда ерларни инъом қилиш ҳакидаги мисликопчаларга ёзилган ёрлиқлар анчагина кўпайди. Бу ҳужжатлар ўлкада феодал муносабатларнинг ривожланишидан далолат беради. Ёрлиқларда ўлпон ва солиқ тўлашдан озод қилинган тоифалар ва одамларнинг номлари зикр этилган. Ўша даврда ишлаб чиқилган қонун-қоидаларга биноан феодал қўл остидаги деҳқонларни суд қилиш ҳукуқига эга эди. Кўпинча вилоят ноиблари бўлган йирик феодаллар кейинчалик ҳукмдорнинг рухсатисиз ўзлари ҳам ер инъом қила бошладилар.

Ижтимоий-сиёсий жиҳатдан Ҳинди斯顿 Европада Рим империяси қулаганидан кейин рўй берган алғов-далғовларни бошидан кечирмади. Тўгри, Ҳинди斯顿нинг Ўрта денгиз мамлакатлари билан ташқи савдosi тобора қисқарди, аммо ҳинд моллари аввалидек Мисрдан тортиб Хитойгача бўлган шарқ бозорларига кириб борди. Ҳинди斯顿 бу ўлкаларга асосан ип-газлама, матолар ва ҳинд ҳунармандлари тайёрлаган нафис буюмларни, шунингдек, дориворлар, фил суюги, қимматбаҳо тошларни чиқарар эди. Ўз навбатида бу мамлакат хориждан ипак, тилла, зеб-зийнат буюмлари ҳамда ўзининг юқори сифати ва ранги билан ажralиб турадиган баъзи қимматбаҳо матоларни, шунингдек кўплаб отларни харид қиласарди. Чунки Ҳинди斯顿 иёклими отларнинг кўпайиши учун қулай эмас эди, бу ерда яйловлар ҳам камроқ эди.

Милодий II асрдан бошлаб қатор шарқ мамлакатлари, айниқса ҳозирги Малайзия, Индонезия, Ҳиндишитой ҳинд сав-

догарларининг масканлари пайдо бўлди. Мамлакатнинг соҳиллари бўйлаб кўплаб йирик порт шаҳарлари – Бхригукачча (ћозирги Бхаруч), Сураха (ћозирги Сурат), Шурпарака, Ураюр, Мадурам, Канчишурим ва бошқа шаҳарлар жойлашган эди. Шунингдек, асосий карвон йўлларида ћам йирик шаҳарлар мавжуд эди. Жумладан, Панжобда Такшашила, Шакала, Пурушапура, Шимолий Ћинди斯顿да – Конякубжа (ћозирги Кануж) ва Стханешвара (ћозирги Тханесар), Марказий Ћинди斯顿да – Ужайани, Жанубий Ћинди斯顿 – Ватапи, Тагара, Пайтхан ва бошқалар. Шаҳарларнинг аксари аћолиси ўша ваќтларда хўжалиги билан шуѓулланиб, шаҳар атрофида кўплаб йилкига эга бўлган, дећончилик билан тирикчилик ќилган. Айни ваќтда шаҳарлар йирик савдо-ћунарманчилик марказлари ћам ћисобланган.

XIII аср охирига ќадар, ћатто XIV асрда шаҳарлар, айниќса Жанубий Ћинди斯顿нинг порт шаҳарлари нисбатан эркин эдилар. Шаҳарни юқори касталарга мансуб шахслар, одатда, савдогарлар, оз сонли ќисман ћунармандлар (жумладан, мисгарлар), мой-ёғ етиштираиган ва бошқалардан иборат кенгашлар бошкарган. Шаҳар кенгашида тартиби сақлаш, шунингдек ўзаро можаро-жанжаллик масалалар мућокама этилар, савдо-сотиќдан тушадиган тўловларга доир масалалар, ћунармандлардан олинадиган соликлар ва шу каби муаммолар ћал ќилинар эди.

Ћинд жамиятидаги ижтимоий ћаёт негизини асрлардан буён сақланиб келаётган каста тузуми ташкил ќиласди. Каста – бу ћинд жамиятидаги аћолининг касб-кори, ћунарига ќараб табақаланишидир. Шунингдек, ќадимги даврдаёқ бу мамлакатда шаклланган 4 варна (табаќа, тоифа) мавжуд эди. Ћар бир варна ўз навбатида кўп хилма-хил кастларга бўлинган, уларнинг сони айрим ваќтларда минг ћам ошиб кетган.

Энг юқори варнага мансуб брахманлар жамоада ва подшо саройида диний амалларни, маросимларни бошкаганлар, ёлгандари айни ваќтда ер эгаси, мансабдор шахс ћисобланган. Улар ћатто ћарбий бошлиқ вазифасини ћам адо этганлар. Иккинчи варна – кшатрийлар асосан ћарбийлардан иборат бўлса-да, дећончилик билан ћам шуѓулланганлар. Учинчи варна-вайшийлар – савдогар ва бадавлат ћунармандлардан иборат эди. Нићоят, энг

паст варна–шудраларга қуллар киради. Улар табиийки, эркинликка, ўзларининг һақ-һукуқларига эга бўлишга интилардилар.

Варналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг жамиятдаги мавкеи, вазияти кохин-брахманлар томонидан муқаддаслаштирилган. Брахманлар табакасининг мақоми эса қонунлаштирилган ва ҳатто илоҳийлаштирилган. Қадимги Ведалардаги варналар рўйхатида биринчи галда брахманлар қайд этилиши ҳам, албатта, бежиз эмас. Диний маросимларда брахманлар зўр бериб ўз имтиёзларини ҳимоя қилганлар, маъбудаларни мадҳ этишда бошчилик қилишга интилганлар. Аммо қадимги ва илк ўрта асрлардаги Ҳиндистонда ҳокимиятнинг жилови ҳарбийлар варнаси қўлида эди. Одатда ҳинд подшолари кшатрийлар варнасидан тайинланар ёки сайланардилар, давлатни бошқариш ҳам кшатрийларнинг ихтиёрида эди. Шунингдек, кшатрийлар ҳокимиятни муҳим таянчи бўлмиш армияни назорат қилардилар, асосий ҳарбий лавозимларни ҳам улар эгалаган эдилар.

Брахманлар ва кшатрийлар мавқеларида бир қанча тафовутлар мавжуд бўлса-да, улар имтиёзли ва бадавлат гуруҳ сифатида меҳнаткаш ва қарам аҳоли ҳисобига ҳаёт кечирганлар.

Сон жиҳатдан энг кўп аҳолини ўз ичига олган варнавайшийлар таркибиға эркин жамоа аъзолари, ер ишловчилар, савдогарлар кирадилар. Вайшийлар солик тўлайдиган асосий табака эдилар. Ведалар даврида вайшийлар айrim сиёсий һукуқларга эга эдилар ва ҳатто баъзи бир давлат ишларини ҳал этишида иштирок этардилар. Энг паст варна ҳисобланган шудраларга диний маросимларда иштирок этиш ман қилинган. Бирорта һукуққа эга бўлмаган шудраларнинг давлат аппаратида ишлашга ҳаққи йўқ эди. Улар ижтимоий оғир аїволда яшар ва иқтисодий жиҳатдан мустақил эмас эди. Шудралар одатда камбағал, паст даражадаги косиблар, малайлар, хизматкорлардан иборат.

Жамоалар ўртасидаги ижтимоий бўлиниш аста-секин кучлироқ ва нуфузлироқ қатламларнинг ажралишига олиб келди. Бошқариш вазифалари, диний маросимларга бошчилик қилиш жамоанинг айrim аъзолари қўлига ўтади. Вақт ўтмиши билан кучли уруғ-қавмлар ўз мавқеларини мустаҳкамладилар ва бу устунлик уларга жамоани бошқариш имконини берди. Жа-

моадан бадавлат зодагонларнинг ажралиб чиқиши бошқариш тизимида, ћарбий соћада уларнинг мавќелари кучайиши, шиддатли ички курашлар натижасида юз берган.

## **Ҷиндистанда VI–XII феодал муносабатларнинг ривожланиши**

XI–XII асрларда ћинд жамиятининг ижтимоий-иќтисодий ћаётида узоќ давом йўналишда рўй берди. Бир томондан рента солиѓи олинадиган ерлар кўплаб инъом ќилинадиган бўлди. Шундай ерларга эга бўлганлар ћам марказий ћукуматга нисбатан, ћам ўзларига тобе бўлган аћолига нисбатан янада кўпроќ ћукуўларни ола бошладилар. Иккинчи томондан дећонлар ичидан жамоа оќсоқоллари ажралиб чиќиб, ќишлоќдаги солик тўловларини таќсимлашда маълум имтиёзларни кўлга киритдилар. Илгари уларнинг асосий вазифаси ќишлок жамоаси манфаатини ћимоя ќилиш бўлса, эндиликда давлат идораси таркибига киравчи ќишлок маъмурлари ролини ўйнай бошладилар. Жамоа оѓир ишларни бажаришга, янги ерларни ўзлаштиришга мажбур ќилиш, жамоанинг текин хизматидан фойдаланиши туфайли жамоа оќсоқоллари ћам аста-секин майдага феодалларга айлана бордилар. Кейинчалик уларнинг имтиёзли мавќелари маҳсус фармойишлар билан қонунлаштирилди. Ер эгаларининг яна бир тоифасини брахманлар ташкил ќиласди. Ҷукмдор дин ћомийси сифатида брахманларни таќдирлаб, уларга ер инъом ќиласди. Бу ћаќда XI–XII асрларга мансуб ёрлиќлар етиб келган. Бундай ёрлиќлар одатда мис тахтачаларга ёки ликопчаларга ёзилиб, унда ер брахманга доимий муддатга, “абадул-абад берилгани” ќайд этилган. Ерга эга бўлганлар ўз ћудудидаги аћолига нисбатан маъмурий ва суд ќилиш ћукуўларини кўлга киритардилар. Шу жумладан улар ўн турдаги жиноий ишлар бўйича жазолаш ћукуўига эга эдилар. Шу йўсинда инъом ќилинган ерлардаги аћоли борган сари феодал ер эгаларига муте бўлиб ќолардилар. Феодалга тўланадиган соликлар тури эса ваќт ўтган сари кўпайиб борарди. Жумладан, рента солигидан ташқари никоћ солиѓи, боласизлик учун тўланадиган солик ва бошқа тўловлар

пайдо бўлди. Жамоадаги деҳқонлар шахсан озод-эркин бўлсаларда, соликлар асратига туша бошладилар.

Шунингдек, жамоада мажбурий меҳнат – ўзига хос баршичина юзага келди. Деҳқонлар турли қурилишларда ишлар ва кўп-рик йўлларнинг соз бўлишига жавобгар эдилар. Улар қишлоқ ташриф буюрган амалдорларга хизмат қилардилар, уларнинг озиқ-овқат билан таъминлаб турардилар.

Феодализм тизимида энг бадавлат кишилар (ћукмдорни мустано этган) һинду әҳромлари ва монастирлари роҳиблари һисобланарди. Ерга тегишли ёрликларнинг далолат беришича, аввал фақат экин экилмайдиган, бўз ва қўриқ ерлар инъомга бериладиган бўлган. Ерни әҳромга инъом этиш учун ћукмдор ёки нуфузли феодал аввал у ерни сотиб олиши керак эди: ўрта асрларда Ҳиндистонда ер, айни́кса бўз ерлар кўпинча сотиларди ва сотиб олинарди. Бунда жамоанинг розилиги талаб қилинарди. Ерни сотиш ва сотиб олишдаги чеклашлар XIII–XIV асрларга келиб кўпайди. Инъом қилинган қўриқ ерларда роҳиб (монах)лар корандалар, ёлланма хизматчилар кучига таяниб, хусусий хўжаликни бошқаардилар. VI–XIII асрлардан бошлаб әҳромларга бутун-бутун қишлоқлар инъом қилинадиган бўлди. Ўша даврларда әҳром хўжалигига натурал рента устунлик қилар эди. Ердан тушадиган һосилдан ташқари деҳқонлар әҳромларга диний маросимларни бажариш учун барча зарур нарсалар: ёғ, хушбўй ашёлар, гулчамбарлар кийим-кечаклар етказиб берардилар.

Эҳром хўжалигига одатда брахманлар ва ю́кори касталарнинг о́ко́соллари, гоҳо деҳқонлар, савдогарлар ёки ћунармандлардан ташкил топган кенгаш раҳбарлик қиларди. Эҳромларда котиб (мирза), ћунарманд, ћофиз, машшоқ, ракқоса ва бошқалардан иборат талайгина хизматкору ходимлар кун ке-чиради. Ю́кори савияда ташкил қилинган эҳром хўжалиги айни́кса Жанубий Ҳиндистонда кенг тарқалган эди. Гарчанд ер эҳромларга “токи қуёш ва ой ўз нурини сочиб тургунча” муддатга инъом этилгани ва ёрликларда таъкидланганидек “бу ерга тажовуз қилган кимса лаънатга учрайди” деб ёзилган бўлса-да, тарихдан маълумки, кўпинча, айни́кса нотинч, алғов-далғов дамларда, сулолар ўртасидаги кураш ва жангу жадаллар пайтида

феодалларнинг ер мулклари билан бирга брахманлар ҳамда эћромларнинг ерлари ҳам истилочилар томонидан мусодара қилинарди. Ҳиндистонда жамоа аъзолари фаќат шахсий озодликларини эмас, балки айрим ћуќук ва имтиёзларни ҳам ўз ихтиёларида саќлаб ќолганлар. Жамоадаги эътиборли шахслар, шу жумладан, оќсоќоллар ва котиблар алобида мавќега эга бўлганлар. Оќсоќоллар ўрта асрларга мансуб адабий асарларда ёзилишича, жамоа аъзоларидан пора олганлар, турли совѓалар талаб ќилганлар. Ҳинд жамоаси ўрта асрларда нуфузли куч ћисобланган ва турмушда фаќат ижтимоий-иќтисодий мавќе эгаллаб ќолмасдан, сиёсий ћаётда ҳам катта аћамият касб этгандар. Уларнинг ћинд жамиятида тутган ўрни айниќса Жанубий Ҳиндистонда салмоќли бўлган.

## VI–XII асрларда Ҳиндистоннинг сиёсий тарихи

Ҳиндистонда феодал муносабатларнинг ривожланиши йирик давлат бирлашмаларининг барќарор бўлишига ёрдам бермади. Зотан, майда феодал ћукмдорлар ўртасида раќобат ва шиддатли кураш ќизиб, бу ћол мамлакатнинг парчаланишига олиб келди.

В аср охиридан бошлаб аста-секин сусая бошланган гупталар империяси эфталит ќабилалари уюшмасининг кетма-кет босқини натижасида батамом парчаланиб кетди. 510 йилда эфталитлар йўлбошчиси Тормана энг сўнгги гупталар ћукмдори Бханагупта томонидан тор-мор этилди. Лекин 530 йил атрофида Михиракула бошчилигида эфталитлар шимолий-ѓарбий Ҳиндистон, Малва ва Гвалиоргача бўлган ћудудда ҳамда Жамна-Ганга водийсида ћукмдорлик ќилдилар. Михиракула ниҳоятда шавкатсиз истилочи бўлган. Шимолий Ҳиндистондаги и Ҳинд рожалари бирлашиб, тахминан 533 йилда унга ќаќшатгич зарба бердилар. Бу ќабилаларнинг Ҳиндистонга бостириб кириб, бу ўлкада ўrnaшиши мамлакат тарихида катта из ќолдирди. Эфталит ќабилаларининг бир ќисми Шимолий-ѓарбий Ҳиндистонда жойлашиб, маћаллий халќ билан ќоришиб кетдилар. Эфталитлар билан бирга Ҳиндистонда гуржарлар пайдо бўлиб, улар Панжоб, Синд ва Ражпутанда жойлашдилар, уларнинг бир ќисми эса кейинчалик малвага кириб бордилар. Эфталитлар билан гуржарларнинг маћаллий аћоли би-

лан бирлашиши натижасида Ражпут деган этник умумийлик пайдо бўлди (“Ражпут” тушунчаси кўп маънони, жумладан “халқ”, “қабила” ва “каста” маъносини ҳам англатади).

VII асрда Ражпутларнинг Ганга водийси ва марказий Ўиндинстоннинг серунум вилоятларига хуружлари рўй берди. Ражпутлар кўп асрлар мобайнида Ўиндинстон тарихида жипслашган этник гуруҳ сифатида ўзларини намоён этдилар.

VI аср охирида Шимолий Ўиндинстондан энг йирик давлатлардан Гауда (Шимолий ва Гарбий Бенгалия), Мауқхарийлар давлати (пойтахт Канауж), Дуоб ва Ганганинг ўрта оқимида Дуобнинг юқори қисми, ҳозирги Деъли ва Сирхиндда Пушнабхути давлатлари мавжуд эди. Бу давлатлар ҳамиша бир-бирлари билан курашар эдилар. Аввал Гауданинг ҳукмрони Шашшанка (VI асрнинг охири VII асрнинг 30-йиллари) Магадха ва ғарбда Праяга шаҳригача ҳамда шарқда ҳозирги Ориссагача бўлган ерларни қўлга киритди. Шунингдек, у Мауқхарийларга қарши Малва ҳукмдори билан иттифоқ тузди. Мауқхарийлар Пушнабхути ҳукмрони ёрдамига таянса-да, жангда мағлуб бўлди. Охироқибат таҳти Пушнабхутининг укаси Харша эгаллади.

Тарихий ривоятларга кўра, Харша 20 минг отлиқ, 50 минг пиёда ва 5 минг жанговор фидан иборат кучли кўшин тўплаган. Сарой шоири ва тарихчиси Бананинг ёзишича, Харша 6 йил узулуксиз уруш қилиб, деярли бутун Шимолий Ўиндинстонни ўзига бўйсундирди.

Харшанинг Деканга юриши, чамаси, Нарбада дарёси яқинида Гарбий Чалукийлар ҳукмрони Пулакешин II томонидан берилган зарба натижасида мағлубият билан тугади. Гауда ҳукмдори Шашшанака вафотидан сўнг VII асрнинг 30-йиллари Харша Маргадха ва Бенгалияни забт этди. Ҳаётининг сўнгги йилларида у истило қилган ҳудудларда ободончилик ишларига катта эътибор берди. Харша давлатидаги вилоятлар бир-бири билан унчалик жипслашмаган эди. Вилоятларнинг кўпини вассал хонликлар бошқарганлар. Харшанинг ички ва ташки сиёсати асосан Бана томонидан ёзилган «Харшачарита» (“Харшанома”) деб номланган бадиий ва тарихий асарда ҳамда хитой сайёни Сюань Цзанинг хотираларида ўз аксини топган. Харша давлатининг кўплаб шаҳарларини кезиб чиққан Сюань Цзанинг да-

лолат беришича, бу ўлкада ер солиғи һосилнинг 1/6 қисмига тўғри келган. Бундан ташқари давлат хазинасига божлар һам даромад тушарди.

Харша буддавийликни қабул қилган, буддавий монастирларни қуришга кўп куч ва маблағ сарфлаган. Унинг даврида Ўиндинистонда ва қўшини мамлакатларда маълум ва машҳур бўлган Наландада (ҳозирги Патна шаҳри яқинида) йирик университет мавжуд бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида мингта талаба таҳсил оларди. Харша империяси 30 йилча ҳукм сурди. Унинг вафотидан сўнг империя парчаланиб, бир неча майда давлатларга бўйлиниб кетди. Бу давлатлар доимо бир-бирлари билан адватда эдилар. Жанубий Ўиндинистонда ўша даврда ўзаро кураш олиб борган Чалукийлар давлати һамда Паллавий ва Пандий давлатлари мавжуд эди. Чалукийлар ҳукмдори Пулакешин II (609/10-642) императори унвонини олгач, Гужарат ва Шарқий Деканда ҳукмронлик қилган укалари унинг сюзеренлигини тан олишибди. Аммо чалукийларга қарши паллавийлар (пойтахти Канчиپурам) ва Пандийлар (марказ Мадураи) бош кўтардилар. Пандийлар йирик ҳарбий флотни ва айрим пайтларда Цейлонни һам ўзларига бўйсундирдилар. Паллавийлар 640 йилда Чалукийларга катта зарба бердилар, Пулакашин II уларнинг пойтахтини қамал қилиш вақтида ҳалок бўлди. Аммо Пулакашин II ворислари бир неча бор жанубга юриш қилиб, Янги ерларни бошиб олдилар.

Палавийлар Ўиндинистон маданиятининг ривожига катта таъсир кўрсатдилар. Денгиз соҳилидаги Махабалипурамда монолит қоялардан кўплаб эҳромлар бунёд қилинди. Бу эҳромлар диний мавзулардаги обидалар, ҳайкаллар ва барельефлар билан безатилиб, кейинчалик бундай меъморчилик ёдгорликлари бутун Деканда бунёд этилди. Мазкур меъморчилик йўналиши Шарқий –Жанубий Осиё санъатига һам катта таъсир кўрсатди, зоро паллавийлар давлатининг денгиз савдоси туфайли ҳозирги Камбожа ва Индонезияда Жанубий һиндинистонлик савдогарларнинг масканлари барпо этилган. Чалукийлар давлати VII асрнинг ўрталари гача яшади. Ўша даврда чалукийларнинг ҳукмрони Кирти Варман II Раштракутлар (Махараштра) томонидан бўйсундирildi. Раштракутлар Деканда қарийб икки аср

ћукмронлик ќилдилар. Улар Эллорадаги (ћозирги Аврангобод яќинида) ќояда машћур Кайлас эћромини бунёд ќилдилар.

Раштракутлар ўз ћукмронликлари даврида бир неча бор Џинди斯顿га бостириб кирдилар. Шимолда уларнинг асосий ракобатчилар Бихор ва Бенгалия бўлган. Бу учта давлат ўртасидаги курашдан асосий маќсад Дуоб водийси (Ганга-Жамна икки дарё оралиғи)га эгалик қилиш эди. V асрда Шимолий Џинди斯顿даги бу уччала давлат тушкунликка учради. Бу ћудудда мустақил Чорамарлар, Чанделлар, Гухинматлар, Чауханлар (Чахаманлар) ва Чаулуклар (Саланки) давлатлари вужудга келди. Паллар давлати бир неча майда хонликларга бўлиниб, улардан энг нуфузлиси Сенлар хонлиги эди. Чауханлар (Чахаманлар) Шарќий ва Марказий Ражастон ва Гужаратнинг бир ќисмида ћукмронлик ќилдилар. Ражастон, Гужарат ва Деканга бир неча бор юриш ќилган Парамарлар Малвада жойлашиб олдилар. Бироқ XI асрнинг ўртасида Парамарлар давлати заифлашди. Бунделханид Чанделлар давлатининг марказига айланди. Уларнинг ерлари Дуобнинг бир ќисми, Варанаси ва Бихарни озгина бўлагидан иборат эди. Марказий Џинди斯顿да собиќ Калачули хонлиги мустақилликка эришди. У XIII асргача яшади. Чаулуклар сулоласи эса Шимолий Гужаратда мустаћкам ўрнашиб олди.

Паллавийлар ва пандийларнинг ўзаро кураши иккала давлатнинг тинкасини ќуритди. Жанубий Џинди斯顿да биринчи ўринга Удайпур атрофида кичик ћудудга эга бўлган Чолаларнинг тамил сулоласи чиќди. 893 йилдаги жангда Чолалар Паллавийларга ќаќшаткич зарба берди. 915 йилда эса улар Пандийларни енгиб, деярли ћозирги Тамилнадни ўз ќўллари остига бирлаштирилди. Чолалар билан тинимсиз, машаккатли кураш ва Шимолий Џинди斯顿даги мавќеини ушлаб туриш зарурати Ражтракутларнинг кучини ќиркди ва 973 йилда уларнинг ћокимияти сўнгги чалукийлар давлатиги асос солган Тайлапа II томонидан аѓарилди. Раштракутлар ќувватининг сусайиши икки аср давомида Жанубий Џинди斯顿да Чолаларнинг устунлик қилишига имкон берди. XI аср Чолаларнинг гуллаган даври эди. Ражараҷ I (985–1015 йй.) ва Ражендра I (1015–1044 йй.) даврида Чолалар узоқ ваќт Венгидаги Чалукийлар билан уруш ќилдилар,

уларни ўз вассалига айлантиrsa-да, батамом бўйсундира олмадилар. Аммо Чолалар Цейлонни кўлга киритиб, у ерда мустаҳкам ўрнашиб олдилар. Табиийки, Цейлоннинг ҳозирги аҳолиси Таммилардан келиб чиккан. Чолалар давлати таркибига ҳозирги Майсур ва Керала ҳудудлари киради. Чолалар бир неча марта Калянидаги Чалукларга зарба бердилар ҳамда Орисса билан Бенгалияга узоқ давом этган ҳарбий юриш қилиб, Ганг дарёсигача етиб боришган.

Қудратли армия ва кучли флотга эга бўлган ва Араб денгизи мамлакатлари билан савдо-сотик олиб борган Чолалар фавқулодда бойликни кўлга киритганлар. Улар хашаматли эҳромлар (масалан, Чидамбарамда) бунёд қилганлар. Бу вақтда ҳинд маъбудаларининг бронздан ишланган кўплаб ҳайкаллари қад кўтарган. 1070 йилда Венгидаги Чолалар билан Чалукийлар сулалари бирлашдилар. XII аср бошида Чолалар давлати Кришна ва Тунгабхадра дарёларидан жанубдаги деярли барча ҳудудларни, шарқда эса Годавари дарёсигача бўлган ўлкани қамраб олди. Аммо феодализмга хос бўлган жараёнлар Чолалар империясининг парчаланишига олиб келди. Бу давлатнинг чеккаларида мустақил хонликлар вужудга келди. Гарчанд улар Чолаларга қарши бўлса-да, марказий ҳокимият билан унчалик ҳисоблашмасдилар, ўзаро урушлар олиб бориб, унга қарши иттифоқлар тузардилар. XII аср охирига келиб, Чолалар ўз кўлларида фақат Танжур ўлкасидаги кичик бир хонликни сақлаб қолдилар.

Шимолий Ҳиндистонда парчаланиш жараёни янада тез суръатлар билан борди. Бу ердаги (пойтахт гоҳ Ажмир, гоҳ Деҳли) Чауханлар ва Ғадеваллар (ҳозирги Уттар Прадеш ва Бихар) ўртасида кураш кетди. Лекин Хуросон (ҳозирги Афғонистонда) томонидан бошланган хуружлардан сўнг бу давлатлар парчаланди. XII асрда Шимолий Ҳиндистонда фақат Бенгалиядаги Сенлар давлати жон сақлади. XI асрдан бошлаб Ҳиндистон ғарби-шимолий томондан мусулмонларнинг кучли босқинига дучор бўлди. XII аср охиридан бошлаб улар ҳинд ҳудудларини забт эта бошладилар. Бу эса Ҳиндистонда тамомила янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятни юзага келтирди.

## **Деңли султонлиги даврида Ҷинди斯顿 (XIII – XVI асрнинг биринчи чораги)**

### **Деңли султонлигининг сиёсий тарихи**

VIII аср бошлариданоқ араб истилочилари Ҷинди斯顿нинг жанубий-ғарбидан һужум қилиб, Синд вилоятида ўз һукмронлигини ўрнатган эди. XI аср бошларидан мамлакатда туркий истилочилар һукмронлиги кучайди. Ўзаро нифоқда бўлган Ҷинд рожалари уларга қаршилик кўрсата олмадилар. Бинобарин, Ҷинди斯顿нинг шимолида аста-секин Деңли султонлиги номи билан мамлакат тарихига сезиларли таъсир кўрсатган йирик давлат – Деңли султонлиги вужудга келди. Шундай қилиб, Ҷинди斯顿 ҳам ислом дунёси таркибига тортилади.

Туркий истилочиларнинг Ҷинди斯顿га дастлабки хуружи ужи Султон Маҳмуд Газнавий бошчилигига 1001 йилда юз берди. Султон Маҳмуд Газнавийга (998–1030 й.) қарши Жайпал рожаси жангга кирди. Лекин рожа Пешовор (Панжоб) яқинида мағлуб бўлди ва ўзини ўзи ўлдиради. Маҳмуд Газнавий 1026 йилгача ҳар йили қиши мавсумида Ҷинди斯顿га юришлар қилди. У кўплаб эҳромларни талар ва вайрон қиласади, Ҳинд рожаларининг бир неча авлоди тўплаган хазина-бойликларни ўлжага олиб, аҳолидан катта миқдорда бож ундиради. Бу молмулкларни карvonларга ортиб, пойтахти Газнага (Афғонистон) қайтиб кетарди.

Маҳмуд Газнавий Ҷинди斯顿 ҳудудидаги Панжобни ҳам қўлга киритди ва бевосита уни идора қилди.

Маҳмуд Газнавий вафотидан сўнг унинг давлатида ўзаро урушлар рўй берди ва бундан фойдаланган Гур (Шарқий Эрон) хони Муҳаммад Гурий 1173 йилда Газнани, 1186 йилда эса Лоҳурни эгаллади. Муҳаммад Гурий Панжобни қўлга киритиб, Ҷинди斯顿 ичкарисига юриш қилди. 1191 йили Тароини яқинида у Деңли ва Ажмир ҳокими Притхвираж томонидан мағлуб бўлди, аммо у кейинги йили ўша Тароини майдонида Муҳаммад Притхвираж бошчилигидаги ражпут рожаларини тор-мор қилиб, Ганг дарёси томон йўл олди. Кўп вақт ўтмай у Жамна-Ганг водийсини эгаллади. Муҳаммад Гурий ўлимидан сўнг унинг

ќўшинидаги гвардия бош асли келиб чиқиши ғуломлардан (ѓуломнинг маъноси “ќул”) бўлган султон Гурйининг Ўиндишондаги ноиби бўлмиш Қутбиддин Ойбек (1206–1210) ўзини Деъли салтанатининг мустақил ћукмдори деб эълон қилди. У Деъли шаҳрини ўз давлатининг пойтахти қилди. Қутбиддин Ойбек бу салтанатда ғуломлар сулоласига асос солди.

Шундай ќилиб, Ўиндишон тарихида катта из ќолдирган Деъли салтанати вужудга келди. Ойбек вафотидан сўнг (у Чавон ўйини пайтида отдан ќулаб тушади) яна ғуломлардан бири Шамсиддин Элтутмиш Деъли салтанати тахтига чиқди.

**Гуломлар сулоласи.** Элтутмиш даврида Деъли салтанати заминда мўгуллар томонидан таъкиб ќилинаётган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди пайдо бўлди. Бу вақтда мўгуллар бутун Ўрта Осиё ћамда Манжуриядан Туркистонгача чўзилган ћудудларни истило ќилган эди. Бу улкан давлат тепасида кўплаб халқлар ва элатларни ларзага келтирган Чингизхон турарди. Элтутмишни ўзига иттифоќчи ќилиш маќсадида Жалолиддин унга мўгулларга қарши бирлашиб курашни таклиф қиласи. Аммо Деъли султони унга ижобий жавоб бермайди.

Элтутмиш даврида Шимолий Ўиндишонда мусулмон ћарбий бошлиқларининг ћукронлиги ўрнатилади. Ҷарбий аъёнлар “ќирқлар” номини олган кучли феодал гуруҳдан ташкил топган эди (бу гуруҳ асосан ќирқ нафар ћарбий бошлиқлардан иборат эди). Давлат хизматидаги амалдорлар ва дин пешволарининг аксарияти хуросонли форслар эди. Исломнинг сунний мазҳаби давлат дини ћисобланарди.

Деъли султонлигининг аввалги икки ћукмдори мусулмон ћарбий бошлиқлари томонидан сайланган бўлса-да, Элтутмиш султонлик мансабини ворисий ќилишга жазм этди ва ќизи Розияни тахт вориси деб эълон қилди. Розия гарчи қаттиќўл, ақлли аёл бўлса-да, мусулмон ћарбий бошлиқлари унга бўйсунишни ўзларига ор деб билишди. Тўрт йил ўтар-ўтмас Розия суиқасд натижасида ўлдирилди. Мамлакатда парокандалик бошланди. Айни шу дамда ќўќисдан мўгуллар Ўиндишонга бостириб кирдилар. 1241 йилда улар Лоћурни олишга эришдилар. 1246 йили Элтутмишнинг кенжа ўғли Насриддин тахтга

чиқади. Лекин һақиқий һокимият унинг иродали, қобилияти маслаҳатчиси Гиёсиддин Болбоннинг қўлида эди. 1265 йилда Насриддиннинг вафотидан сўнг у таҳтни эгаллади (1265–1287 йй.). Болбон мўгулларни мамлакатдан қувиб чиқаришга муваффақ бўлди ва шимолий-ғарбий чегарада таянч нуқталари сифатида бир неча истеъкомлар бунёд қилди. У шафқатсизлик билан халқ қўзғолонларини бостирди, “қирқлар” тўдасининг кучини синдириди, 1280 йилда Бенгалиядаги мусулмон ҳарбий бошлиқлари исёнини дағн этди.

Султон вафотидан сўнг мамлакатдаги феодал гуруҳлар ўртасида яна низолар бошланди. Бу курашда туркий қавмларга мансуб хилжийлар номи билан аталган ҳарбий бошлиқлар ғолиб келдилар. Таҳтга 70 ёшли Жалолиддин Феруз чиқди (1290–1296 йй.)

**Хилжийлар һукмронлиги.** Жалолиддин Феруз даврида Ўиндишонга яна мўгул қўшинлари бостириб кирдилар. Султон Жалолиддин уларнинг бир қисмини тор-мор қилди, қолганларига ўлпон тўлаб қутулди. Феруз ўз куёви ва жияни Аловиддин бошчилигига Деканга юришуюстирди. У Девагири ҳукмдори Рамачандрани енгиб, катта ўлжа билан Деълига қайтади. Пойтахтга яқин жойда Аловиддин хоинларча қайнотаси ва айни вақтда тоғаси бўлмиш Жалолиддинни ўлдириб, Деъли таҳтига ўтириди (1296–1316 йй.). У эоят шафқатсиз, шу билан бирга журъатли ҳарбий бошлиқ ва давлат арбоби эди. Аловиддин мўгуллар билан бир неча марта тўқнашди. Мўгуллар исёнининг олдини олиш мақсадида у бир кечада Деъли яқинида жойлашган 30 минг мўгулни қириб ташлашга буйруқ берди. Хазинани тўлдириш ниятида рӯённий ва бадавлат ҳарбий бошлиқларнинг ерини тортиб олди, турли фитналарга йўл қўймаслик мақсадида мажлис, йиғин ва зиёфатларни тақиқлади. Ҳамма ўлкаларга ўз айғоқчиларини жўнатди.

Хусусий ер мулкни кўпайтиришга интилган Аловиддин иқтадорларга ер улашиш ўрнига уларга пуллик маош тўлайдиган бўлди. Пойтахтда, шаҳар бозорларида ва Дуобда молларга қатъий нархлар қўйилди.

Махсус амалдорлар бозорларда қатъий тартиб ўрнатдилар, тарозидан урадиганларни қаттиқ жазоладилар. Ўиндлардан олинидиган соликлар 1/4 дан 1/2 гача оширилди. Ўиндларнинг қу-

рол олиб юриши, ораста кийиниши ёки отда юриши мутлаќо та-ќиќланган эди. Мусулмон жанчиларининг маоши оширилди. Бу чора тадбирлар 475 минг суворийдан иборат қўшин тузиб, мўғул босқинчиларини даф этиш имконини беради. Аловиддин даврида мўғуллар охирги марта Ҳиндистонда 1306 йилда пайдо бўлдилар ҳамда Рави дарёси (Панжоб) бўйида тор-мор қилиндилар. Лекин Аловиддинга бундай кўп сонли армияни боќиш учун маблаѓ етишмасди. Шу боисдан Деан вилоятлари ва шаћарларини талон-тарож қиласида. Аловиддиннинг армияси Декан ўлкаларидан Дећлига тиллаю кумуш, қимматбаћо буюмлар ва отлар келтираради. Тобе этилган ҳинд ҳукмдорлари Дећли султонининг вассалига айланар ва ҳар йили катта миќдорда бож тўлардилар.

Султон Аловиддин томонидан одамларнинг мол-мулки мусодара қилиниши, ҳиндларни таъкиб этилиши ҳамда мамлакат иќтисодининг барбод қилиниши кенг халќ оммасида норозилик туѓирди. Юртда исёнлар авж олди. Аловиддин сўнг (у 1316 йили истиќко касалидан қазо қилди) давлатда яна тахт учун кураш бошланди. Пировардида Аловиддиннинг ўѓилларидан бири Кутбиддин Муборакшоћ (1316-1320 йй.) тахтга чиќади. У отасининг барча иќтисодий ислоћотларини бекор қилди, аммо унинг истиљочилик сиёсатидан воз кечмади ва бир неча бор ўз лашкарбосиши Хусравхон бошчилигига Деканга юриш уюштиради. Мадураи ва Телинганадан катта ўлжа билан қайтгач, Хусравхон султон тахтига ўтириш ниятида Муборакшоћни ўлдиради. Аммо тез кунда у бошќа бир турк қавмга мансуб зодагонлар гурући томонидан ҳокимиятдан четлатилди. Давлат тепасига Панжоб ноиби Гиёсиддин Туѓлоќ (1320–1325 йй.) чиќиб, янги сулолатуѓоќийларга асос солди.

**Туѓлоќийлар ҳукмронлиги.** Янги султон баъзи бир чора-тадбирларни амалга оширади. Ер солиғи ҳисобидан 1/10 га камайтирилди ва давлат ҳисобидан каналлар қазилди. Султон Гиёсиддин Дећлида ўзи учун қизил қоя тошдан шаћар қурдирди ва уни мустаћкам қўргон билан ўраб, Туѓлоќобод деб ном берди. Ўзидан аввалги султонлар сингари Гиёсиддин фаол ташќи сиёсатни амалга оширади. Хазинани тўлдириш маќсадида у ўз ўѓли Жаунхон бошчилигига Деканга юриш уюштиради, ўзи эса Шарқий Бенгалияни забт этиб, унинг ҳукмдорини ўз вассалига айлантиради (1324 й.). Жаунхон ғалаба билан пойттахтга қайтаётган

отаси шарафига тантанали маросим ўтказди. Аммо отаси турган жойдан жанговар филлар ўтаётган пайтда ёғочдан қад күтарган айвон қулаг тушади ва султон Гиёсиддин һалок бўлади. Бу “бахтсиз һодиса” тахтни эгаллаш пайига тушган Жаунхон томонидан тайёрланган эди. Жаунхон Муҳаммадшоҳ номи билан тахтга чиқади (1325–1351 йй.).

Муҳаммад Туғлок лаёқатли саркарда, аммо бешавқат, ўзбошимча һукмдор бўлиб, ўзининг номаъкул хатти-һаракатлари билан давлатни һалокат ёқасига олиб келди. Маълумки, улкан Деҳли империясини бошқариш, кўп сонли армияни таъминлаш, давлат аппаратини идора қилиш кўплаб маблағ тақозо қиларди. Шу боис Муҳаммадшоҳ деҳқонлардан қўшимча соликлар – аввоб йига бошлади. Бу соликлар ниҳоятда оғир бўлгани сабабли деҳқонлар хонавайрон бўлиб, ўз хўжаликларини ташлаб, ўрмонлардан паноҳ топардилар. Вилоятларда деҳқонлар сийраклашиб, хазинага даромад тушмай қолди. Боз устига мамлакатда қурғоқчилик рўй берди. Султон бу мураккаб аћволдан чиқиши ниятида мамлакатда мис тангалар зарб этиб, уларни тилла ва кумуш тангалар ўрнида муомалага киритишга фармойиш берди. Натижада ўша замон тарихчисининг ёзишича “ҳар бир хиндунинг уйи ўзига хос пул зарбхонасига айланди”. Савдогарлар бу чақа пулларга мол сотмай қўйдилар. Оқибатда ўлкада пул тизими ва иқтисод барбод бўлди. Султон мис тангаларни олтин ва кумуш тангалар баћосида сотиб олди, хазина эса батамом бўшаб қолди. Ўта қаттикўллиги ва шавқатсизлиги билан ном чиқарган Муҳаммад Туғлок “Хуний” (“Қонхўр”) лақабига “сазовор” бўлди. Султон исёнкор амирларни таъқиб этиб, Тхатта (Синд)га келганда безгак касалидан ўлади. Тахтга унинг амакиваччаси Феруз Туғлок чиқади (1351–1388 йй.).

Ферузшоҳ аввалги султон ҳукмронлигининг һалокатли оқибатларини бартараф этиш юзасидан кескин чоралар кўрди. Жумладан, аввоб солиги бекор қилинди, ер солиги камайтирилди, һосилдор ерларнинг кўпайтириш маќсадида Дуобда янги каналлар очилди, бозорлардаги оғир бож солиги йўқ қилинди, ҳарбий бошлиқларга қўшимча ерлар инъом этилди, һаддан ташқари азобли қийноқларни ман этиш ҳақида фармойиш берилди. Мусулмон

ћарбий бошлиқларига бир ќанча имтиёзлар берилган бўлсада, уларнинг айрмачилик хатти-ћаракатлари барҳам топмади.

Ферузшоҳни давлат бутунлигини сақлаб ќолишга ќаратилган уринишлари муваффақиятсиз чиқди. Бенгалия билан Декан Му-ћаммадшоҳ даврида ёк салтанатдан ажралиб чиќканди. Орисса билан Синдга юришлар самара бермади. Кексайган султон дунёдан ўтиши билан феодал гурухлари ичидаги кураш ќизиб кетди. Сусайиб, кучсизланиб бораётган империяга юриш ќилган Амир Темур ќўшинлари унга ќаќшаткич зарба берди (1398 й.).

**Саидлар сулоласи.** 1314 йилда туғлоқийлар сулоласидан сўнгиси ўзига ворис тайинланмасдан оламдан ўтди. 1404 йили темурийлар томонидан Мўлтон ва Панжоб ноиби этиб тайинланган Хизрхон Саид Дећлидаги ћокимиятни ўз ќўлига олди. Хизрхон Саид (1414–1421 й.) темурийларнинг вассали сифатида давлатни бошкарди. Унинг ўғли Муборакшоҳ (1421–1434) ўз ћукмронлигининг охирида темурийларга бўйсунмасдан мустаќиллик рамзи сифатида ўз номидан танга пуллар зарб этди. У Duобдаги исёнчи феодлларга ќарши юришлар ќилди. Саройдаги аъёнлар суиқасд ќилиб Султонни ўлдиришди. Тахтга унинг жияни Мућаммадшоҳ (1434–1445 й.) чиқади. Унинг тахтга ўтиришига ёрдам берган Лоћур ва Сирхинд (Панжоб)нинг ћукмдори, афғонларнинг лўди ќабиласига мансуб бўлган Бахлулхон давлатда энг нуфузли шахсга айланади. Мућаммадшоҳ вафотидан сўнг саидлар сулоласининг сўнгги вакили Оламшоҳ (1445–1451 й.) ћокимият тепасига келади. Бу вақтда Дећли султони турли феодал гурухларнинг ќўйирчоига айланиб, номига ћукмронлик ќиларди. Ўша пайтда халқ ўртасида “Ћокимият Шоҳ Аллам, аз Дећли то Палам”<sup>1</sup> яъни, «Шоҳ Аламнинг ћокимияти Дећлидан Паламгача» деган ибора кенг тарқалганди.

**Лўдилар сулоласи.** Султон Бахлул (1451–1489) лўдилар сулоласига асос солди. Қарийб 40 йил ћукм сурган Бахлул салтанат ћудудини кенгайтириш маќсадида тинмай урушлар олиб борди. Унинг энг хавфли душмани бўлмиш Жаунпур хони 1479 йилда тор-мор этилди.

---

<sup>1</sup> Палам – ћозирда Янги Дећлидаги халқаро аэропорт жойлашган ћудуд.

Бахлулнинг ўғли Искандаршоҳ (1489–1517 йй.) ўз ноиблари ва вассал хонларни қаттиқ назорат остига олди, шу боисдан айғоқчилар сонини кўпайтириди. Искандарнинг онаси гарчи Ҳиндуда оиласидан бўлсада, ўзи сунний мазҳабига мансублиги боис Ҳиндуларга нисбатан зуғум ўтказди, эҳромларни вайрон қилди, Ҳиндуда Ҳайкалларини чил-парчин қилди.

Унинг ўғли Иброҳим (1517–1526 йй.) салтанатнинг аввалги қудратини тиклашга, феодалларнинг ўзбошимчалигини жиловлашга интилди. У Малва ва Гвалупорга юришлар уюштириди. Аммо унинг ёоят золимлиги ҳамда афғон лашкарбошилари кучини синдиришга уринишлари кўплаб исёнларни келтириб чиқарди. Охир оқибатда феодаллардан баъзилари султон жабрзулмдан халос этишни сўраб Қобул Ҳокими Заҳриддин Муҳаммад Бобурга мурожаат қилдилар. Ғаройиб ва ажойиб Ҷиндишон ўлкасини кўлга киритишини ният қилган Бобур 1526 йили Деҳли яқинидаги машҳур Панипат майдонидаги жангда Иброҳим Лудий кўшинларини енгади. Натижада икки юз йилдан зиёд Ҷиндишонни идора қилган бобурийлар сулоласига асос солинди.

### **Деҳли султонлигига ижтимоий-иктисодий тараққиёт**

Мусулмон истилочилари Ҷиндишонни забт этиб, у ерда ўз Ҳукмини ўрнатишиди. Деҳқонлар билан феодаллар ўртасидаги муносабатлар бироз ўзгарганини инобатга олмаганда аћвол эскилигича қолаверди. Биринчи навбатда давлатнинг ерга эгалиги кучайди. Халқка Ҳукм ўтказишида кўп сонли армиядан фойдаланилди. Давлат ерлари икки турга бўлинарди – холжа ва иќта. Бу ерлардан тушган солиқ даромадининг асосий қисмини султоннинг ўзи, қолган қисми эса сарой аъёнлари – зодагонлар, мансабдорларга пул ёки натура ҳолида бериларди, ўрмон ва яйловларнинг айримлари ҳам давлат қарамоғида эди. Деҳли салтанатида (айникса Феруз Туғлоқ пайтида) султонга қарашли хўжаликларда қуллардан ҳам фойдаланилар эди.

Иќта ҳарбий бошлиқларга хизмат бурчини ўташ эвазига бериларди. Бундай ер эгалари иқтадор ёки муқта деб аталарди. Аммо вақтниши билан иќта ерлари мулк ёки инъом номи би-

лан феодал ер эгалигига айланиши мумкин эди. Иктадорлар йиғилган солиқларнинг мўмайгина қисмини давлат хазинасига топширадилар. Солиқлар натура ёки пул шаклида тўпланарди. Йиғилган солиқларнинг бир қисми иктадорга ва унга ёлланган аскарларга тегарди.

Деҳли салтанатида яна бир турдаги хусусий ер эгалиги – вакф ҳам мавжуд эди. Бунга биринчи галда мачит ва мадрасалар, муқаддас қадамжолар киради. Ниҳоят, ерга эгаликнинг яна бир шакли мулк деб аталиб, улар шайхлар, мусулмон уламолари, дин пешволари, шоирлар, айрим амалдорлар ва савдогарларга бериларди.

Деҳли салтанати даврида унинг ҳудудида Ҳиндуда заминдорлари, жумладан раЖрутларнинг ерлари ўз эгаларида қолдирилди.

Вакт ўтиши билан холиса ерлари кескин қискарди, шартли равища берилган ерлар, яъни икта устидан давлат назорати аста-секин сусайди. XV асрга келиб икта инъомга, яъни хусусий ер эгалигига айлана бошлади. XVI асрда давлат бошқариш тизимидағи таназзул ва феодалларнинг ўзбошимчалиги оқибатида қишлоқ аћолисининг аћволи баттар бўлди. Деҳқонларнинг аксарият кўпчилиги Ҳиндузмуга эътиқод қилиш туфайли жизя солиғини тўлашга мажбур эди. Бу уларни янада аянчли аћволга маћкум қиласди.

Шу билан бирга Деҳли салтанатида ишлаб чиқариш кучлари узлуксиз ва аста-секин ривож топди. Буни аћоли сонининг кўпайиши ва ўрмонлар ўрнида экин майдонларининг очилиши очик-оидин кўрсатади. Ўлкада янги-янги қишлоқлар пайдо бўлди. Қунт билан ерга ишлов бериш давом этди. Ҷайдалган ерларнинг кўпи сугорилмайдиган бўлгани сабабидан улардан олинадиган ҳосил муссон ёмғирига боёлиқ эди.

Деҳли ҳукмдорлари сугориладиган ерлар майдонини кенгайтириш чораларини кўтардиди. Масалан, Деҳли атрофида катта сув омборлари Ҷовузи Шамси ва Ҷовузи Хос қурилди.

Бу ҳовузлар катталиги билан ўз вақтида Амир Темурни лол қолдирган эди: унинг бир қирғоғидан отилган камон ўқи рўпарасидаги қирғоқка етиб бормас эди.

Ферузшоҳ Сатлеж ва Жамна дарёлари воћасида узунлиги 180-200 км келадиган каналлар қуриб, йирик ер майдонларига

сув чиқарди. Бир қатор вилоятларда, жумладан Синд, Дуобда әкинлардан бир йилда 2 марта һосил күтаришган. Кузги һосил (һариф) йиғиб олинган ва тахминан иккى ойдан кейин баһорги һосил (раби)ни йиғиб олишарди. Асосий дон әкинларидан бўлган гурунчдан бир йилда 3 марта һосил олиш мумкин эди. Ҷиндистонда гурунчнинг 21 нави мавжуд бўлган. Шунингдек, бу ўлкада буғдой, арпа, нўхат, мөш каби баҳорда етиладиган донлар кенг тарқалган эди. Полиз әкинларидан қовоқ, сабзи, пиёз, тарвуз, қовун, бодринг, мева дараҳтларидан апельсиннинг бир неча нави, манго, анорнинг ширин ва нордон хиллари бўларди. Узумнинг 7 тури етиштириларди. Бундан ташқари шафтоли, қизил ва оқ тут, лимон, мандарин ва бошқа мевалар ҳам кенг тарқалган эди. Шимолий ва Шимолий-Гарбий Ҷиндистонда техника әкинларидан кунжут, тамаки, шакар қамиши етиштириларди.

Ўрта асрларда Ҳинд Ҳунармандларининг маҳсулотларидан шойи ва ипак матолар, гиламлар тайёрланган. Касб-Ҳунар иктисаднинг асосий қўриниши бўлиб, ишлаб чиқаришга алоқадор ҳамма жараёнларни Ҳунарманд мустақил ёки оила аъзоларининг ёрдамида бажарап эди.

Тарихий манбаларга қараганда, Деҳли салтанатида Ҳунармандлар сони кўпайган, кўпроқ тикувчилик, қурол-аслаҳа усталари, мисгарлар ва бошқалар мавжуд эди. Шаҳар Ҳунармандлари ўзлари тайёрлаган буюмларини ўз жойида ёки бозорга олиб чиқиб сотардилар. Шунингдек, тош йўнувчи, ғишт терувчи ва қурувчилик соҳалари кенг тарқалган эди.

Деҳли султонлари сарой аъёнлари эҳтиёжлари учун вақти вақти билан иирик Ҳунармандлар устахоналарини ташкил этиб туришарди, уларни корхоналар деб аташарди. Чунончи, Аловиддин корхоналарида 17 минг Ҳунарманд ва 7 минг қурувчи хазина ҳисобидан таъминланган ҳолда ишлаган. Муҳаммад Туглоқ корхоналарида тўқувчиларнинг ўзи 4 минг кишини ташкил этарди.

Бобурийлар Ҷиндистонни эгаллагач, мамлакатнинг мусулмон Шарқи билан савдо алоқалари кенгайди. Деҳли султонларига тегишли тангалар нафақат Эрон ёки Ўрта Осиё, балки Волга бўйида ҳам топилган. Деҳли давлати армиясининг асоси отлиқ аскарлардан иборат бўлгани боис отларни Ҷиндистонга олиб

келиб сотиш һинд импортининг муҳим манбаига айланди. Ҷиндишонда яйловларнинг камлиги сабабидан у ерда умуман отлар боқиб кўпайтирилмасди. Бироқ тез орада мўғулларнинг Эрон ва Ўрта Осиёга келиши ва шаҳарларни вайрон қилиши һинд карвон савдосининг пасайишига олиб келди.

Деҳли салтанатининг қадимдан йирик денгиз савдо йўлида жойлашгани ва Декан портларига чиқиши имконияти катта аҳамиятга эга эди. Ҷиндишон ип-газлама, шойи, олий сифатли матолар, қурол-аслаҳалар, зеб-зийнатлар, олтин, кумуш ва мисдан ясалган асбоб-анжомлар, уй-рўзғор идишларини четга чиқарарди. Қул савдоси оддий һол эди. Ўрта Осиё ва Эрондан асир олингандарни Ҷиндишонга ҳайдаб келиб сотишарди. Шунингдек, һинд рожалари һам қўл остидаги бечораҳол одамларни қулларга айлантириб, уларни асосан уй хизматкорлари сифатида ишлатишарди.

Мамлакат ички савдо-сотиги ривожида Деканнинг роли катта бўлди. Денгиз соҳилларидан туз ва кокос ёнғоғи олиб келинарди, унинг этидан ёғ, толаларидан арқон тайёрланарди. Бенгалиянинг һосилдор, гуручга бой вилоятлари султоннинг катта армиясини таъминларди. Ўлкалардан пойтахтга дон маҳсулотлари келтирилар эди. Канауж савдогарлари бутун Ҷиндишон бўйлаб шакар билан савдо қилишарди. Озиқ-овқат һамда һунармандчилик буюмлари асосан султон, сарой аҳли ва унинг кўп сонли армияси ва ёлланма сарой қўшинлари эҳтиёжини қондириш учун кетарди. Деҳли давлатида ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ўлпон ва солиқлар, табиийки, савдо ва һунармандчиликнинг ривожига тўсқинлик қиласарди. Савдогар ва һунармандлар сотган молларининг 2,5 фоизи һажмида закот тўлардилар ва бундан ташқари шаҳар һокими фойдасига котвали солиғи, уй ва дўконлар учун мустақил солиқ, чегара жойлари ва дарёни кечиш манзилларида олинадиган турли-туман бож тўловлари аҳолининг тинкасини қуритарди.

Деҳқонларнинг аҳволиги келсак, уларнинг норозиликлари аксари пайтда қишлоқдан қочиб кетишида намоён бўларди. Сарой тарихчилари томонидан битилган солномаларда ўрмонларда яшириниб юрган “қароқчи”, “босқинчи”, “йўлтўсрлар” һақида хабарлар учрайди. Чамаси, бу ерда қочоқ деҳқонлар назарда ту-

тилган бўлса керак. Фақат 1413 йилда Панжобда “нодон ва жоҳил” одамларга рађномалик қилган Саренга бошлигидаги дећќонлар ќўзғолони һаќида маълумот мавжуд. Уларга қарши Панжоб феодалларининг ќўшинлари юборилади ва Сирћинд яқинидаги жангда Дећли ћокими Хизрхон уни батамом тор-мор қилади. Саренга ќўлга туширилиб қатл этилади.

## **Жанубий ва Гарбий Ҷиндиштон (XIV–XVI аср ўртаси)**

**Баћмонийлар давлати.** Декан узоќ ваќт Дећли салтанати таркибида бўлган эди. Султон Мућаммад Туѓлоќ Жанубий Ҷиндиштондан чиќиб кетиши биланоќ исёнкор амирлар ћарбий бошлиқларидан бири бўлмиш Абул Музaffer Аловиддин Баћмо–нийни (1347–1358 йй.) мустаќил султон деб эълон қилдилар. У баћмонийлар сулоласига асос солди. Баћмонийлар давлати кучга тўлган паллада унинг ћудуди ғарбда Араб денгизи, шарқда Ориссагача чўзилган эди. Унинг шимолий чегараси Тапти дарёси, жануби Кришна ва Тунгабхадра дарёларигача ёйилган. Бу давлатнинг жанубида Бижонагар жойлашган бўлиб, унга чегарадош ћосилдор Райчур водийсини эгаллаш баћмонийлар қўп йиллар мобайнида уруш олиб бордилар. Аловиддин жанубда муваффақаятли урушлар қилди. У давлатни тўртта ноибликка ажратди: Гулбарга, Давлатобод, Бидор ва Берор у пойтахт қилиб Гулбарга шаћрини танлади.

Мамлакатда икки мусулмон феодал гурућлари – деканий (азалдан Деканда яшовчи мусулмон авлодлари) ва оғоќий (Эрон ва бошқа мамлакатлардан келган бегоналар) ўртасида кураш кетди. Бу курашнинг авж олишида диний омил ћам мућим роль ўйнади, чунки оғоќийлар асосан шиа, деканийлар эса сунний мазћабига мансуб эдилар.

Кейинги султон қаћри ќаттиќ Аћмадшоћ Баћмоний (1422–1435 йй.) Бижонагар ерларини аёвсиз талаб, ћинду аћолисини тиѓдан ўтказди. У пойтахтни Бидорга кўчирди.

**Баћмонийлар давлати.** Маћмуд Хован (1446–1481 йй.) Бош Вазир бўлган пайтда айниќса ривож топди. У Малва ва Конкандаги кўплаб ћинду хонлари устидан ғалаба ќозонди, ўзининг бойликлари билан машћур бўлган Канчидаги ћинду эћромини

талон-тарож қилди ва Гоани забт этди. Аммо у оғоқийлардан эди. Шу сабабли деканийлар унга қарши фитна уюштирадилар. Маһмуд Хован ћеч ќандай айби йўклигини султонга уқтиришга уринди, аммо илтижолари бећуда кетди ва оқибатда султон томонидан қатл этилди. Зеро, Маһмуд Хованинг ниҳоятда бойиб кетиши хонга ћам хуш келмаган эди. Айнан шу даврда Россиянинг Тверь шаһридан савдогар ва сайёҳ Афанасий Никитин Бидорга сафар қилиб, баҳмонийларнинг катта армияси, зодагонларнинг ћашаматли ћаёт кечириши, аћолининг эса камбағалигини ёзган эди. У «Уч денгиз оша» асарида «Заминнинг аћолиси кўп, қишлоқ одамлари жуда қашшоқ, зодагонлари эса ниҳоятда бой ва дабдабали ћаёт кечиради” деб таърифлаганди.

Феодалларнинг ўзаро низолари давлатни заифлаштириди ва XVI асрда Баҳмонийлар империяси парчаланиб кетди. 1490 йилда Бижопур мустақилликни ќўлга киритиб, бу ерда Одилшоҳ ћукмронлик қила бошлади. Кўп ўтмай Берор ва сўнгра Аҳмаднагар ажralиб чиқиб, унда Низомшоҳ сулоласи ћукм суради. 1512 йилда Қутбшоҳлар сулоласи бошчилигида Голконда мустақил бўлди. 1525 йили баҳмонийларнинг сўнгги султони Бижопурга қочиб кетди. Қосим Барид деган бир кимса ўзини Бидорнинг ћукмдори деб эълон қилди.

Баҳмонийлар давлати парчалангач, унинг ўрнида бешта хонлик (Бижопур, Голконди, Аҳмаднагар, Бидор ва Берор) вужудга келди. Буларнинг ичida энг йириги Бижопур эди. Шу пайтдаги Декан тарихи ћақида гапирганда, энг аввало бу хонликларни Бижоннагар билан ўзаро урушларига тўхталиш зарур.

1505 йили Декан давлатларининг барчаси Бижоннагарга қарши иттифоқ туздилар. Кришна дарёси бўйидаги Таликот ёнидаги жангда Бижоннагар армияси маѓлубиятга учради. Натижада империя парчаланиб кетди. Беш йилдан сўнг Бижопур яна иттифоқ тузди. Бу гал иттифоқ Аҳмаднагар ва оликов билан португалларга қарши қаратилган эди. 300 минг кишилик ћинд армияси бир неча минг кишилик ганизон жойлашган португал шаһарлари Гоа ва Чаулни муваффакиятсиз қамал қилди. XVI аср охирида Деканга бобурийлар юриш қила бошладилар.

**Европаликлар Ҳиндистонда.** XV аср охирида португаллар Ҳиндистонга денгиз йўлини очдилар. 1498 йили денгизчи Васко

да Гама бошчилигидаги португаллар экспедицияси Малабар кирғоғидаги муһим порт шаһар Каликатта етиб келди. Португаллар Африка соһилларидағи қабилаларга мовут, мусаллас, мунчоқ ва бошқа майда-чуйда тақинчоқлар бериб, ўрнига тилла, фил сүяги олардилар. Аммо португаллар Ҳиндистонга келгандарыда ҳиндлар назаридан дағал ишланган европа моллари бадавлат ҳинд зодагонлари учун һеч вақога арзимайдын нарса эканлигини билдилар. Европаликларнинг ҳинд молларига алмаштира-диган буюми йўқ эди.

Лекин бошқа томондан, аниқроғи һарбий техника соћасида португаллар ҳиндларга нисбатан анча олдинга кетгандилар. Африка соһиллари орқали Ҳинд сари кезган португал кемалари ўзининг катталиги ва тезлиги жиһатидан пастак ва асосан ҳинд дарёларида сузишга мосланган кемалардан анча устун эдилар. Европача һарбий интизомга ўрганган, тўп ва ўқотар қуролларга эга бўлган португал аскарлари қилич ва қалқон ёки найза билан жанг қилган ҳиндларни осонлик билан енгар эдилар. Шундай қилиб гарчи португалларда ҳинд молларига алмашадиган буюмлари бўлмасада, улар ҳинд молларини зўравонлик билан тортиб олардилар. Португалларнинг маќсади фақат Ҳиндистонда эмас, балки Шарқдаги барча денгизларда ҳукмрон бўлиш эди. Бунинг учун улар ўз рақиблари бўлмиш шарқ мамлакатлари савдогарларига қарши ҳам денгизда, ҳам Ҳиндистон портларида, Арабистон ва Африкада шафқатсизлик билан иш тутардилар. Малабардаги хонларнинг бир-бiri билан келиша олмаслиги, улар ўртасидаги нифоқ португалларга жуда кўл келди. Маћаллий аћолини мустамлакачиларга қарши ҳар қандай қаршилиги қурол кучи билан бостириларди. Бу заминга босқинчи аскар тушириларди, улар халқни талаб, қишлоқларни ёндирад, одамларни ўлдирад эдилар. Метрополияга олиб кетолмаган барча ўлжаларни йўқ қиласдилар.

Васко да Гама бир томондан денгизчи ва сайёғ бўлсада, аслида у Христофор Колумб сингари ўрта аср мустамлакачиларининг ҳақиқий намояндаси эди. У Ҳиндистонга биринчи бор келгандаёк порт шаһарларини ўққа тутиб, уларни вайрон қилди. Васко да Гама 1502 йилда яна Ҳиндистонга келиб, ҳиндларга нисбатан ёвузликларини давом этирди. Португаллар экспеди-

циясининг кейинги бошлиқлари Кабрал (1500 йил) ва Албукерк (1510–1511 йй.) Ҳиндистон заминидаги таянч пунктларни ва Бижопурга тегишли Гоа оролини забт этдилар. Гоа ороли португалияларнинг Шарқдаги мустамлакалари марказига айланди. Форс кўрфази соҳиллари бўйлаб Ормуздан то Африка ва Арибистон қирғоқлари, Ҳиндистоннинг шарқий соҳили, Цейлон (Шри Ланка), Малакка бўғози, Молукк ороллари, ҳозирги Таиланд ва ҳатто Хитойгача ўлкалар португал кемаларини таъмиrlайдиган масканга айланди. Бу манзиллар португал моллари, биринчи галда зираворлар, ип-газлама матолар сақланадиган омборлар, португал ёӯшинлари жойлашадиган қароргоҳларга айланди. Ҳиндистоннинг ва юкорида номлари келтирилган мамлакатларнинг ичкари томонига португаллар кира олмадилар. Улар ўз ҳукмлари остидаги Ҳинд аҳолисига зуғум ва зулм ўtkаздилар, Ҳинд эҳромларини вайрон қилдилар, 1560 йилда мамлакатдаги ғайри динларни қаттиқ исканжа остига олдилар, инквизицияни жорий этдилар. Денгиз савдосида ҳукмронлик қилган португаллар Ҳиндистоннинг шарқдаги мамлакатлар билан савдо-сотик алоқаларига катта путур етказди. Улар олиб борган шиддатли урушлар, портларнинг вайронага айланиши, Малабар аҳолисининг қирғинга учраши оқибатида бу бой ўлка Ҳиндистондаги энг қолоқ вилоятга айланди. Аммо кейинчалик Ҳинд океани ва жанубий денгизларда Голландия кемаларининг пайдо бўлиши оқибатида португалларнинг бу ердаги ҳукмронлигига чек ёйилди. Португаллар энди Ҳинд маҳаллий ҳукмдорларининг қаршилигига бас кела олмадилар ва улар бирин-кетин Малабардаги таянч пунктларидан маҳрум бўла бошладилар.

**Ҳиндистонда Европа савдо компанияларининг фаолияти.** 1600 йилда Ҳиндистонда Инглиз-Шарқий Ҳиндистон Компанияси, 1603 йилда эса Голландия Шарқий-Ҳиндистон савдо компанияси тузилди. Даастлабки пайтда Англия Шарқий Ҳиндистон компанияси бир томондан португаллар, иккинчи томондан Ҳинд савдогарларининг қаршилигига дуч келди. Арzon баҳоларда керакли миқдордаги Ҳинд молларини қўлга киритиш мушкул бўлгани боис инглизлар воситачи-даллолларга мурожаат қилардилар. Ҳинд газмолларини бевосита тўқимачилардан харид қилишни иложи бўлмади, чунки Ҳинд тўқувчилари ўзлари

ишлаб чиқарган маћсулотларни азалдан маћаллий савдогарларга арzon нархда сотишга мажбур эдилар. Шундай бўлсада, инглизларнинг Ўиндиstonга ёпирилиб келиши инглиз Компаниясига мўмай даромад келтира бошлади. Ўинд ва араб савдогарлари сингари инглиз тижоратчилари ҳам Ҳиндларнинг анъанавий молларини Сурат шаһридан Кизил денгиз портларига ўтказардилар, сўнг Ўиндиstonдан маћаллий молларни олиб, Шарќий-Жанубий Осиё мамлакатлари ва Хитой бозорларида сотардилар. Ўз навбатида бу мамлакатлардаги молларни харид этиб, Европага равона бўлардилар. Голланд савдогарлари ҳам тахминан шу йўсинда иш тутардилар. Кейинчалик инглизлар порт шаһри Суратда савдо факторияларини очишга рухсат олдилар ва бу масканни ўзларининг Ўиндиstonдаги асосий базасига айлантиридилар. XVII асрнинг ўрталарида Гужарат вилояти шиддатли иќтисодий таназзулни Бенгалия билан Коромандал қирғоғига қаратдилар. Бобурийлар Бенгалияни хонавайрон қилаётган португалларни тор-мор қилганларидан сўнг инглизлар бу ерда ўз мавқеларини мустаҳкамладилар. Улар Хуглидаги (Калькутта яқинида) ўзларининг собиќ базаларини қайтариб олдилар. 1633 йилда инглизлар Коромандал қирғоғидаги мўъжазгина бир ҳудудни ижарага олиб, кейинчалик Мадрас шаһрига асос солган истеҳкомни қурдилар. Бу Инглиз-Шарќий Ўиндиston компаниясининг илк бора ўз ҳудудига эга бўлганидан далолат берарди.

XVIII аср биринчи ярмида Голландия Шарќий Ўиндиston компанияси инглизларга нисбатан анча фаолроќ иш тутди. Бироќ инглизлар бир неча савдо факторияларини барпо этишга мусассар бўлдилар ва божсиз тижоратни амалга оширидилар. Улар мамлакатнинг ички бозорига киришга интилардилар, ҳам ўз рақобатчилари, ҳам Ҳиндларга нисбатан зўравонлик қилишга уринардилар.

Ўиндиstonда Европа мамлакатлари компанияларининг фаолияти, шубҳасиз экспорт учун кўпроќ маћсулот ишлаб чиқаришга туртки бўлди. Шу боис маълум даражада мамлакат Ҳунармандчилиги ривож топди, ички савдо-сотиќ кенгайди. Аммо бу ваќтинчалик жараённи мамлакат учун салбий томонлари кейинроќ очиќ намоён бўлди. Пировардида Европа савдо компанияларининг Ўиндиstonдаги сиёсати Ҳинд халқи учун

жуда катта фожиага – бир вақтлари мукаммал иқтисодий-ижтимоий тузум ћамда юксак маданиятга эга бўлган мамлакатни аста-секин Европа давлатларига ва айниќса Англияга тобе бўлишига олиб келди. Аввалига европалик коргалонларни Ўиндистоннинг нафис ва нозик матолари, ќимматбаҳо ипаги, “оќ олтин” пахтаси, хуштаъм чойи, ранг-баранг мевалари, зира-вору масаллиқларига эга бўлиш истаги охир-оқибат бу мамлакатни инглиз сармоядорларининг мустамлакасига айланиши билан якунланди. Бу жараён кўп миллионли заһматкаш ћинд халқининг бошига мисли кўрилмаган кулфату, азоб-уқубатларни солди.

### **Бижонагар давлати**

Давлат XIV асрнинг 70-йилларида Бижонагар ћудуди Ўиндистоннинг деярли бутун жанубини ќамраб олди. Кейинчалик у Баҳмонийлар салтанати билан тўќнашди ва бу салтанат парчаланганидан сўнг Декан хонликлари билан урушди. Аммо 200 йил мобайнидаги узлуксиз урушларга ќарамасдан Бижонагарнинг чегаралари деярли ўзгармади.

1486 йилда феодал низолар ћамда баҳмонийлар ќўшини ва Орисса ћукмдорининг Бижонагарга ќилган ғолибона юриши на-тижасида Бижонагарда Сангам сулоласи ќулатилди ва ўрнига Бижонагар лашкарбошиларидан бири Нарасимха Салувани таҳтга ўтириди. Бижонагар ќўлдан кетган ерларини катта ќисмини ќайтариб олди, аммо ўғиллари ћукмронлиги даврида тарих яна ќайтарилди: лашкарбоши Вира Нарасимха бу сулолани ағдариб, 1505 или Тулуга сулоласига асос солди. Унинг укаси Кришна Деварайя (1509-1520 йил.) ћукмида Бижонагар ќудрати авжига чиёди. Кришна Деварайя мамлакатнинг маъмурий бўлинишини амалга ошириди ва солиқ ишини йўлга ќўйди. Инъом ќилинган даромадли ерлардан олинадиган солиқ оширилди. Португаллар билан алоқалар яхшиланиб, улар ёрдамида Эрон ва Арабистондан отлар келтирилди, ћолбуки, португаллар Декан салтанатларига от келтиришни чеклаб ќўйган эдилар. Ўинд армиясининг жанговар ќисмини отлик аскарлар ташкил ќилганлиги боис бу Бижонагарни ғалаба ќозонишига қўл келди. Ўиндистон мусулмон сулолалари илгари отларни Арабистон ва Эрон каби мусул-

мон ва дўст мамлқатлардан олардилар. Ўинд океани ва Форс кўрфазида португаллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши вазиятни ўзгартирди. Энди отлар билан савдо-сотик ёилиш португаллар-нинг ихтиёрида эди.

Бижонагар империяси анчагина марказлашган давлат эди. Давлат бошлигини махаражада деб аташарди. Лекин ћокимиятнинг жилови кўпинча унинг вазири махапрадхана ќўлида бўларди. Махаражада ћузурида давлат кенгаши бўлиб, унда сарой аъёnlаридан бўлак йирик феодаллар ва савдогарлар жамоаси вакиллари қатнашарди. Вилоят ноиблари бевосита махапрадханага бўйсунардилар. Айирмачилик (сепаратизм)га йўл ќўймаслик маќсадида ноибларни ћар икки-уч йилда алмаштириб туришарди. Улар давлат ерларидан йигилган ер солиги ћамда феодал ерлари – амараяклар ва вассал хонлардан бож йигишарди. Шунингдек улар ўз фойдаларига ћам унча-мунча ўлпон йигиш ћукуќига эга эдилар. Вилоятлар ћукумат амалдорлари бошқарган кругларга бўлинарди.

Давлат ерлари – амарам шартли равишда ћарбийларга бериларди. Уни икта ерларидан фарќи шундан иборат эдики, дећонлардан олинадиган солик миќдорини ўзлари белгилардилар ћамда ўз ерларини ўзлари сотишга ћакли эдилар. Одатда бундай ер эгалари – амаранаяк ћарбий кўшинларга зарур бўлган харажатларни кўзда тутган даромаднинг  $\frac{1}{3}$  ќисмини хазинага топширадилар. Коидага кўра амаранаяк ерлари ворисий эмасди, аммо амалда у доимо наслдан наслга ўтарди.

Йирик хусусий феодаллар эгалигининг яна бири эћромлар эди. Улар кўпинча катта вилоят (округ)нинг иктиносидий ва маданий марказига айланарди. Эћромларда зиёратчилар тўпланишарди, ярмаркалар ўтказиларди, эћромлар атрофига ћунармандлару савдогарлар маскан ќуришарди. Ҷунармандларнинг бир ќисми эћромда хизмат ќилиб, бунинг эвазига натура ћолида маош олишарди, шунингдек эћромга тегишли ердан баћраманд ћам бўлишарди. Бу ерлар наслдан наслга ўтарди.

XIV аср ўргаларидан бошлаб давлатдаги барча тўловлар пул ћисобида тўланадиган бўлди, шу боис дећонларнинг солик тўлаш имконияти ќийинлашди.

Оқибатда бир ќанча жамоалар қишлоқ ерларининг бир ќисмини сотишга мажбур бўларди ёки янги жойларга қўчиб кетардилар. Жамоа аъзолари бу вақтга келиб ўз ћаќ-ћукуќларидан маћрум бўла бошладилар. Жамоа аъзоларининг талайгина ќисми тўла ћукуќка эга бўлмаган ижарадорлар (пайякари)га айланди-

лар. Албатта, бу сингари жараён норозиликни келтириб чиқаруб, деҳқонлар қишлоқлардан қочиб кетишарди. 1379, 1506 ва 1551 йилларда деҳқонлар қўзғолонларининг рўй берганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Мамлакатнинг ҳукмрони доиралари эса бойиб кетишди. Бу ўлкага саёҳат қилганлар пойтахт шаһрининг улуғворлиги, уни еттита баланд девор билан мустаҳкамлангани, шаҳар бозорларининг мўл-кўл ва тўкинлигини кўриб ҳайратда қолишарди. Бироқ деҳқонлар ночор эдилар, улар амарана яклар эса даромаднинг  $\frac{9}{10}$  қисмини тўлашар, амарана яклар эса даромаднинг  $\frac{1}{3}$  ва  $\frac{1}{2}$  қисмини ҳукмдорга берардилар.

Махарака Кришна Деварайя вафотидан сўнг мамлакатда унинг укаси Ачъюта Кришна Деварайя (1530-1542 й.), сўнг унинг аъёнларидан Рама Райя ҳукмронлик қилди. Бижонагарга қарши Декан сultonлари бирлашиб, 1565 йилда Фама Райяни мағлуб этдилар. Шундан кейин Бижонагарнинг парчаланиши бошланди.

## **Бобур илар империясининг вужудга келиши**

### ***Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1526-1530)***

Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ набираси – Абусайд Мирzonинг ўғли Умаршайх оиласида таваллуд топди. Бир фалокат юз бериб, Умаршайх вафот этади. Энди 11 ёшга тўлган Бобур Фарғона вилоятининг ҳокими бўлади. Узоқ таҳт талашлардан кейин Шайбонийхон тазиикӣ остида 1504 йили у атрофида ги кам сонли аскарлари билан Кобулга бориб ўрнашади ва у ерда 22 йил ҳукмронлик қилади.

XVI асрнинг биринчи чорагида Ҷиндистонда Иброҳимшоҳ Лўдий ҳукмронлик қилаётган йилларда давлат ичидаги низолар бошланиб, шоҳга қарши ҳаракатлар кучайди. Унинг амирларидан Давлатхон Лўдий ва Аъламхон Лўдий Иброҳимшоҳга қарши курашда Бобурни ёрдамга чакирадилар. Бобур Ҷиндистонга юриш режаларини тузади, биринчи навбатда Панжоб вилоятини ишғол қилишини мўлжаллайди. Зоро, у Панжобни улуғ бобоси Амир Темурдан қолган мерос деб ҳисобларди.

Бобур Кобулдан Ҷиндистонга беш марта юриш қилади. Бешинчи юришда, яъни 1526 йил 21 апрелда машҳур Панипат

жангы бўлади. Бу жанг Деъли ћукмдори Иброћим Лўдий билан бўлиб ўтади. Лўдийнинг юз мингга яќин кўшини ва мингга яќин жангари филлари бор эди. Бобур ишча ћарбий санъат – “тўлғама” усулини кўллайди. Етук саркарданинг кўп жангларда орттирган ћарбий тажрибаси султон Иброћимнинг тартибсиз кўп сонли кўшинини устидан ғалаба қозонишига сабаб бўлади.

Бобур ћарбий араваларни бир-бирига қаттиқ боғлаб, орала-рига ќуролли мерган йигитларни жойлаштиради. Иброћим Лўдий кўшинида кўп сонли жанговар филлари шай турганди. Жанг бошлангач, Бобур кўшинлари замбараклардан ўт очиб, душман олд ќисмини талвасага солиб кўяди. Шундан кейин махсус кўшинлар душманинг икки томонидан “тўлғама” усулида ћу-жум ќилиб, уни қуршаб олади. Жанг майдонида Иброћим Лўдий ћалок бўлади. Бобур бу жанг Шимолий Ҷиндистонни Деъли ва Агра шаһарлари билан кўлга киритади ва у ерда ћукмронлигини ўрнатади. Шундан сўнг Бобур Шимолий Афғонистон ва Шимолий Ҷиндистонда ўз ћумкини жорий этиб, бобурийлар сулоласига ва бобурийлар испериясига асос солади. 1526 йил 27 апрел куни Деълида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилади.

Махарака Кришна Девварайя вафотидан сўнг мамлакатда унинг укаси Аьюта Кришнадевварайя (1530-1542 йй.) ва аъёнлардан Рама Райя орасида низолар бошланди. Аьюта ўлимидан сўнг амалда давлатни Рама Райя бошкарди. Бижонагарга қарши Декан султонлари бирлашиб, 1565 йилда Толикот яқинидаги жангда Рама Райяни маѓлуб этдилар. Шудан сўнг Бижонагарнинг парчаланиши бошланди. Империянинг собиқ вассаллари мустақил бўлдилар. Бу заминда янги хонлик – Майсур давлати пайдо бўлди.

Бобурнинг ўша вақтдаги яна бир кучли рақиби Мовар ћокими Рана Санга (ёки Санграм Синх) ўз кўли остига деярли барча ражпут хонликларини бирлаштириб, Шимолий Ҷиндистонда ћукмронлик қилиш ниятида эди. Зўр жанговарлик тажрибага эга бўлган Рана Канга душманлари билан олиб борган жангларда бир кўзидан, бир кўлидан ажралганди. Унинг оёғига замбаракдан отилган ядро тегиб синганлиги сабабли оқсоқланарди. Бундан ташқари гавдасининг турли жойларида

ќилич ва найзадан 80 та яра изи ќолганди. Бобур Кобулда бўлганида Рана Санга унга киши юбориб, “Агар ћукмдор Деѓли вилоятига келгудек бўлсалар, мен Аграга кетаман” деган. Бироќ Бобур Иброћим Лўдийни енгиб, Деѓли ва Аграни олгач, Рана Санга унга ќарши чиќади (1527 й.), Кандар ќальясини ќамал ќилади ва уни эгаллади. Бобур билан Рана Санга ўртасидаги ћал ќилувчи жанг 1527 йили 13 марта рўй берди. Бобурнинг жангда ќўллаган “тўлгама” усули (душман ћужумига тўсқинлик ќилиш маќсадида араваларни занжирлар билан бир-бирига боғлаш) ћамда артиллария жанг таќдирини ћал ќилди. Рана Санга ќаттиқ яраланди. Жанг Бобурнинг тўла ғалабаси билан якунланди Алам доѓига чидай олмаган Рана Санга бир йилдан сўнг жон таслим ќилди.

1529 йил 1 майда Бобур армияси Ганг дарёсини кечиб ўтиб, Гагра дарёсига яқинлашди. Афғонлар ва бенгалларга ќарши 6 майда бўлган жангда Бобур Ўиндишонда учинчи марта катта ғалабага эришиб, Шимолий Ўиндишонни ўз тассаруфига ўтказди. Шундан сўнг Бобурий Шимолий Афғонистон ва Шимолий Ўиндишонда ўз ћукмини жорий этиб, бобурийлар сулоласига ва бобурийлар империясига асос солди. 1526 йил 27 апрел куни Деѓлида Бобур подшоћ номига хутба ўқилди.

Бобур бир-бири билан душманлик кайфиятида бўлган майда мустаќил хонликлар (рожалар)ни секин-аста қурол ва музокара йўли билан бирлаштириб, то умрининг охиригача, яъни 1530 йилгача марказлашган йирик давлатни вужудга келтиради.

Бобур 1530 йил 25 декабря 48 ёшида вафот этади. Жаво-ћарлал Неру “Ўиндишоннинг кашф этилиши” номли асарида Бобурга баћо бериб, шундай ёзади: “Бобур ћукмдор, довюрак, сергайрат ва эпчил инсон. У ћаёт нафосатидан лаззатлана билган”. “Бобур Ўиндишонга келиши билан у ерда янги давр ва янги салтанат бошланди, мамлакат ќурдати ва шућрати ошиб, бобурийлар салтанатининг шућрати бутун Осиё ва Европа бўйлаб тарқалди,” - деб ёзади. Муаллиф Бобур ћакида гапиранкан уни диний жаћолатдан холи ћукмдор бўлганлиги ва Ўиндишонликларнинг миллий урф-одатлари, расм русумларини барбод ќилмаганлигини алоћида таъкидлайди. Бобур довюрак шахс бўлганлигини эслатиб Неру унинг ћам жанг майдонида,

ћам шеърият майдонида баб-баравар жавлон ургани ћакида ћайрат билан ёзади. Инглиз олими У. Эркин Бобурга баћо бераркан, “Биз Осиёдаги ћукмдорлар ичиде Бобур сингари зукко ва истеъодли кишиларни камдан кам учратамиз. Ундаги аќлнинг актив фаолияти, хушчаќчаќлик, совуќконлик, бевафо таќдирнинг найрангларига ќарамай, руѓининг тетиклиги, подшоћлар орасида камдан-кам учрайдиган саћийлиги, мардлиги, фанга, санъатга мућаббати ва улар билан муваффаќиятли шуѓулана олиши жићатидан олиб ќараганда Осиёдаги подшоћлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта ћам подшоћ топа олмаймиз” деб ёзади. Муаллиф таъкидлаганидек, Бобур Шарќ мамлакатлари тахтига ярашиб тушган ћукмдорларнинг ёрќин намояндаларидан биридир. Унинг шахси олижаноб инсон ва улуѓ шоћга мансуб бўлган фазилатларидан таркиб топган. У жасур ва тадбиркор ћамда шижаотали саркарда бўлиб, кишиларни ўз ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи лашкарбоши эди<sup>1</sup>.

XIX аср инглиз олими Эдуард Холден Бобур ћакида ќуйидаги сўзларни ёзib ќолдирган: “Бобур, олижанобликка хос ќандай хислатлар мавжуд бўлса, уларнинг барчасини эгаллаган. Агра ваќт ва шароитнинг хилма-хиллиги назарга олинса, у пайтда Бобур лашкарбоши, маъмур ва адабиётчи сифатида Цезарь билан бир ќаторда туришга арзийдиган шахс бўлиб кўринади. Бобур севишга арзийдиган характердир”.

Йирик рус шарќшуноси С.П. Толстов ћам Бобур ћакида шундай сатрларни ёзган: “Фарғоналик Заћридин Мућаммад Бобур – Шарќда уйғониш даврининг энг атоќли сиёсий ва маданий арбобларидан биридир”.

Бобурнинг мероси хилма-хилдир. У ћам шоир, ћам ёзувчи бўлган, мусиќа илми, шеърий услуб ћамда ћарбий санъат ћакида илмий рисолалар ёзган.

Ћинди斯顿даги Бобур асос солган сулола 332 йил ћукм сурди. Бу йиллар Ћинди斯顿 учун катта инқилобий ўзгаришлар даври бўлди. Ћинди斯顿нинг йирик давлат ва сиёсий арбоби ћамда тарихчи олими Жавоћарлал Нерунинг таърифича, бу йил-

---

<sup>1</sup> Уильям Эрскин. Бобур Ћинди斯顿да. – Т.: “Чўлпон” нашриёти, 1995. - Б. 102.

лар зўр қудрат, шон-шуҳрат йиллари бўлди. Бу эса мамлакатда, биринчидан, ўзаро низолар ва қонли урушлар рўй бериб турган вақтда майда мустақил хонликларга барҳам берди, аста-секин марказлашган давлат пайдо бўлди. Иккинчидан, марказлашган алоқаларнинг ривожланишига имкон яратиб берди. Тинчлик туфайли моддий ва маданий ҳаёт тараққий этиб, бетакрор обидалар, қадриятлар яратилди. Учинчидан, ҳинд халқининг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари ва ҳамкорлиги кенг кўламда ривож топди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳинди斯顿даги бобурийлар давлати ғарб тарихий адабиётида “Буюк мўғуллар империяси” деб нотўғри аталиб келинмоқда. “Буюк мўғуллар империяси” атамаси XVI аср охирларида Ақбаршоҳ Ҳукмронлик қилган даврда Европа тарихчилари томонидан истеъмолга киргизилди. Натижада жиддий ва принципиал хатога йўл қўйилди. Тўғри, темурийлар авлодидан бир-икки вакил Чингизлар билан никоҳ муносабатларини ўрнатгани ҳакида маълумотлар мавжуд. Ҳинд олимлари Бобур отаси томонидан Темурга ва она томонидан Чингизхон авлоди билан туташиб кетади, деб таъкидлайдилар. Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним мўғул хони – Юнусхоннинг қизи эди. У мўғуллар Мовароуннаҳрда яшаб келаётган, ислом динини қабул қилган турк қавмидан эди. Шу боис ғарб олимлари бобурийларни ноўрин “мўғуллар” деб атаган бўлишлари мумкин. Аслини олганда Бобур бевосита темурийлардан бўлиб, у Соҳибқироннинг бешинчи авлодидир. Бобур авлодларини “бобурийлар” ва у Ҳинди斯顿да асос солган давлатни “бобурийлар империяси” деб ҳақиқатни тиклаш пайти келди, албатта.

Бобур оқил, зийрак, тадбиркор ва жасур инсон бўлиши билан бирга ўз замонининг истеъдодли давлат арбоби, салоҳиятли саркарда, ҳассос шоир, истеъдодли адиб, адабиёт ва санъатнинг қадрини улуғловчи ҳамда илму фан равнақи учун қайғурган буюк донишманд аллома бўлган.

“Бобур” исмининг луғавий маъноси “йўлбарс”дир. Унинг жисмига монанд бўлиб, шердек кучли, довюрак, абжир ва эпчил бўлган. У шунчалик чапдаст бўлганки, икки қўлтиғига икки одамни олиб, қалъа девори устидан югуриб машқ қилган. Ҳар

ќандай хавф-хатар ва ќийинчиликарни писанд ќилмаган. Барча мушкул масалаларни вазминлик билан ћал ќилган.

Ћинд олими Л.П. Шарма Бобур шахсини тавсифлаб, “У саћий, олижаноб, мард, мафтункор, севимли ва жуда маданиятли киши эди... У киши ћалбини ва вазиятни дарћол англаб оларди. Мусиќага ва боѓ яратишга жуда ишќибоз эди. Ћинди斯顿да жуда кўп иншоотларни барпо этган”<sup>1</sup>, - деб ёзади. Инглиз шарќ-шуноси Лейн Паул “Бобур Шарќ тарихидаги энг мафтункор шахс”<sup>2</sup>, - деб таърифлайди.

Бобур инќирозга юз тутган темурийлар давлатини саќлаб ќолиш ва мустаћкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоќ ва ќаттиќ кураш олиб борди. Бироќ тарихий шароит бунга имкон бермаган, у Афѓонистонни, кейинчалик эса Ћинди斯顿ни эгаллаб, катта империяни вужудга келтирди. Бобурийлар сулоласи Ћинди斯顿нинг сиёсий ћокимиятини мустаћкамлаш, маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнади.

### **ЋУМОЮНШОҲ (1530-1540, 1555-1556)**

Ћумоюн подшоҳ Бобурнинг катта ўѓли бўлиб, 1508 йилда Кобулда туғилган.

Ћумоюн яхши маълумотли, юмшоќ табиатли одам эди. Гарчи ќаћрамонликка хос ћимматлари мавжуд бўлмаса-да, ќатъиятсизлик ундаги асосий нуксон эди. У 1530 йил декабрида 23 ёшида таҳтга ўтирди.

Бобур вафот ќилганда ћали Бенгалия ќўлга киритилмаган, кўпгина афғон амирлари марказий ћокимиятни тан олмас эдилар. Бу ћам етмагандек, Ћумоюн таҳтга ўтириши биланоќ жанжалкаш укалари ћар хил иѓволарни ќўзгай бошладилар. У Ко-бул, Қандахор, Панжоб, Ћинд воћаси ва Меватни ўз укаларига инъом ќилиб, катта хатога йўл ќўйган эди. Ћумоюннинг бу иши ўз манфаатларига зид бўлиб, марказий салтанат ќудратини нићоят даражада мушкул аћволга солиб ќўйган эди. Натижада

<sup>1</sup> Қаранг: Қамчибек Кенжа Ћинд сориға. - Т, 2000. -Б.205.

<sup>2</sup> Ўша асар, 205.6

марказий салтанат, кўшиннинг моддий тақдирини ҳал қилувчи иктиносидий ноҳиялардан маҳрум бўлиб қолган эди. Иккинчидан, Гужарот подшоҳлиги ҳамда Бенгалия ва Бихарда Ҳукмронлик қилаётган забардаст афғон феодаллари Ўмоюнга қарши курашга ҳозирлик кўраётган эдилар.

Ўмоюн ўз Ҳукмронлигининг дастлабки йилларида афғон феодалларига қарши курашда катта маҳорат кўрсатди. Шунингдек, марҳум Иброҳим Лўдийнинг укаси Муҳаммад Лўдийга қарши қаттиқ жанглар олиб борди. 1532 йилда Муҳаммад Лўдий мамлакатнинг шарқий чегарасига бостириб киради. Бироқ Лакнау яқинидаги жангда қаттиқ зарбага учрайди. Шуни ҳам айтиш лозимки, Муҳаммад Лўдийнинг тарафдорларидан Шерхон (Шершоҳ) номи билан машҳур бўлган афғон амири бор эди. Шерхон ёшлигига Деҳлининг собиқ ҳокими Иброҳим Лўдийнинг саройида бир гуруҳ аскарга бошчилик қилган. Иброҳим Лўдий Бобур томонидан тор-мор этилгач, Шерхон Бобур хизматига ўтиб, лашкарбошилик мансабига кўтарилиган. Кейинчалик Бобур Шерхонни Биҳор вилоятига ҳоким қилиб тайинлаган эди.

Бобур вафотидан сўнг Ўмоюннинг Ҳукмронлик даврида ички ва ташқи низоларнинг вужудга келишидан фойдаланган Муҳаммад Лўдий, қўлидан кетган ҳокимиятни, яъни акаси марҳум Иброҳим Лўдийнинг ҳокимиятини қайта тиклашга жазм қилади. Муҳаммад Лўдий Биҳорни босиб олганда Шерхон унга ҳайриҳоҳлиқ билдиради ва унинг томонида туриб Ўмоюнга қарши курашади. Муҳаммад Лўдий навбатдаги жанглардан бирида ўлдирилгач, Шерхон Биҳор вилоятида ўзини мустақил Ҳукмрон деб эълон қилади. 1537–1540 йиллар мобайнида Шерхон Ўмоюнга қарши бир неча марта уруш қилиб, 1540 йилда Деҳлини зabit этади ва Ўмоюнни таъқиб қилиб, секин-аста унинг ерларини босиб ола бошлайди. Ниҳоят, охирги жангда Шерхон Ўмоюнни ғафлатда қолдириб, унинг деярли барча аскарларини қириб ташлайди. Ўмоюннинг ўзи эса ўнг қўлидан яраланиб, тасодифан омон қолади. Ҳатто Ўмоюн ҳарамининг бир қисми ҳам Шерхоннинг қўлига тушиб қолади.

## **Ҷиндистонда Шерхон давлати (1540-1555)**

1540 йил 17 май куни Шерхон билан Канауждаги жангда мағлубиятга учрагандан сўнг Ўмоюн Ҷиндистонни тарк этишга мажбур бўлди. Ўша йили Шершоҳ Сур бобурийларнинг пойтахт шаҳри Аграда тахтга ўтириди. Ўмоюн нажот истаб укаси – Қобул һукмрони Комрон Мирзо Ҳузурига бормоқчи бўлади. Аммо у Ўмоюнни Қобулга киритмайди. Ўмоюн кўп қийинчиликлар билан укаси – Қандаҳор ҳокими Аскарий Мирзодан мадад сўрайди. Бироқ Аскарий Мирзо ҳам акасини шаҳарга кўймайди, унга ёрдам бериш ўрнига асир олишга ҳаракат қиласиди. Ўмоюннинг дарбадарлик кунлари бошланади, у вилоятдан бу вилоятга ўтиб, биридан марҳамат кўриб, иккеничисидан қувғин бўлиб, сарсон-саргардонликда юради. Айни пайтда Шершоҳ Ўмоюнни таъқиб қилиб, Лоҳургача келади. Ўмоюн nochor аћволга тушиб, дашту-саћроларда изғиб юришга мажбур бўлади.

Ўмоюн 1541 йили укаси Ҷиндолнинг пири бўлмиш Мир Али Акбар Жомийнинг қизи Ҳамида Бонуга уйланади. 1542 йили Акбар туғилади. Синд ҳокими Шоҳ Ҳусайн Ўмоюннинг Қандаҳорга ўтиб кетишига ёрдам беради. Қандаҳорда ўғли – гўдак Акбарни укаси Ҷиндол (Бобур Ҷиндистонни олган чоғида туғилган бу ўғлига “Ҷиндол” деб исем кўйган эди)га қолдиради.

Эрон шоҳи Шоҳ Таҳмасп Ўмоюнни яхши кутиб олади ҳамда унга иззат-икром кўрсатиб, маблағ ва қўшиндан ёрдам беришга ваъда беради. Лекин бўлажак ёрдам беғараз эмас эди. Шоҳ Ўмоюнга шиа мазҳабини қабул қилишни ва бошқаларга ҳам шуни тарғиб этишни шарт қилиб қўяди. Ўмоюн оғир аћволда қолади.

Ўмоюн Шимолий Ҷиндистондан чиқиб кетгач, мамлакатда Шершоҳга қаршилик кўрсата оладиган катта куч йўқ эди. Ўз даврида афғонларнинг қудрати ошганлигини сезган Комрон Мирзо ҳам Панжоб ерларини Шершоҳга бўшатиб беришга мажбур бўлади.

1542 йилнинг бошларига келиб Шершоҳ Сурий ћокимиятининг чегараларини кенгайтириш маќсадида ќўшни давлатларга юриш уюштиради.

Мултон томонга юборилган афғон кўшинлари 1542 йили Синд вилоятини эгалладилар. 1540 йилнинг охирларигача бўлган даврда афғонлар ћудуди анча кенгайди. Бу вақтга келиб шимолда Панжоб, Синд, марказда Деҳли, Самбҳал, Агра, шарқда Бенгалия ва Бихар, ғарбда Малва ерлари афғонлар тасарруфига ўтди.

Афғон ћукмдори Шершоҳ пойттахтда 8 ой жиддий тайёргарлик кўргандан сўнг 1544 йил апрель ойида рожпут хонларини тор-мор келтириш учун Ажмир томон юриш ќилди. Афғонларнинг ўз мамлакат чегараларини кенгайтириш учун олиб борган ћарбий юришлари ичида энг жиддий, энг оғири мана шу Ажмир юриши бўлди.

1544 йилнинг охирида Шершоҳ бошлиқ афғон кўшинлари Калонжорни забт этиш учун ћарбий юриш бошлади. 1545 йил 2 майда Калонжор ќальяси кўлга киритилди. Аммо бу вақтда афғон ћукмдори оғир жароҳат азобидан вафот этган эди.

### *Шершоҳнинг ер-солик, молия ва маъмурий исплоҳотлари*

Шимолий Ҷиндистонда қарор топган Шершоҳ Сурий давлати улкан ћудудни ўз таъсири доирасига ўтказди. Шимолда Панжоб, шарқда Бенгалия, марказда Ганга–Жамна воћасини ќамраб олган ерлар ва шунингдек зафарли юришлар туфайли ғарбда кўлга киритилган Синд, Мултон, Ражастон ерлари афғон сурийларига тобе эди. Мазкур ерлар деҳқончилик учун анча қулай ћисобланниб, йилига икки-уч марта ћосил берарди. Мана шундай улкан ћудуд тўғридан-тўғри давлатга қарашли ерлар бўлиб, Шершоҳ Сурий томонидан феодалларга жогир тарзида ћадя этилди.

Шершоҳ Сурий Шимолий Ҷиндистоннинг иктиносидий ћаётида анча вақтдан буён ћукм суриб келаётган феодал ер эгалиги – жогирга айрим ўзгартириш ва тузатишлар киритди. У кучайиб кетган феодаллар ћуќуқини чеклаш, уларнинг ќудрати ћаддан ташқари ошмаслиги учун давлатга тобе бўлган ерларни феодалларга маълум шартлар асосида бўлиб берди. Ерларнинг ворисий бўлиб ќолишига чек ќўйди.

Шершоң Сурий давлат марказидан туриб вилоятлар қарамлигини кучайтириш, ягона солик тартибиға эга бўлиш учун империя тизимини қайта ташкил этишга қарор қилди. Шу боисдан Панжобдан тортиб Бенгалиягача бўлган ерлар қишлоқ, паргана ва саркорликларга тақсимланди. Ўқимликка қарашли бўлган ерлардан келадиган соликларни аниқлаш учун мазкур шароитда яроқсиз, ҳайдаладиган ва ҳайдалмайдиган ерларнинг аниқ ҳисобини олиш керак эди. Бу, ўз навбатида, деҳқон хўжалиги манфаатларига мос тушиши даркор эди. Чунки Ҳиндистан шароитида серҳосил ерларнинг кўплиги билан бирга мамлакатнинг баъзи ерлари тоғу тош, ўрмон ва боткоқликлардан иборат бўлиб, бу деҳқончилик учун ноқулайликлар туғдиради. Мана шундай ерларга қандай экин экилиши лозимлигини ойдинлаштириш мақсадида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди.

Шершоң Сурий давлати марказий ҳукумат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда ҳисобга кирмаган ерларга соликлар солиш мақсадида мамлакат ерларини ўлчаб чиқиши ҳакида қарор берди.

Шершоң Сурий давлати феодал синф манфаатларини назарда туғиб, давлат хазинасига тушадиган даромадни ошириш учун солик тизимиға ўзгартириш ва аниқликлар киритди. Чунончи, давлат томонидан ҳар бир парганага маъмурий бошлиқ сифатида солик ишларини назорат қилиб турадиган ягона шахс – шиқдор тайинланди.

Шиқдор ерлардан олинадиган солик тўғридан-тўғри, тўлалигича марказга жўнатган. Шершоң Сурий давлати тадбирининг ўзига хос томони ердан келадиган фойданинг кўп қисми феодал жогирдорга эмас, балки марказга жўнатилганлигидадир.

Марказий ҳукумат жогирдорга маълум миқдорда маош бериб турган. Бундай тадбир Шершоң Сурийгача ўтган Шимолий Ҳиндистан сultonлари тартибларидан фарқ қилиб, феодал бошбошдоқликка чек кўяр, марказий ҳукуматнинг қудратини оширап эди.

Шершоң Сурий давлатида соликнинг пул шаклида фойдаланишнинг маълум сабаблари бор эди. Аввало, бу тадбир мамлакатни ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилиш учун маълум миқдорда лашкар сақлаш учун лозим бўлган. Бундай лашкарни

эса яхши қуроллантириш, кийинтириш, маош билан таъминлаш талаб қилинарди. Шу билан бирга феодал сепаратизмига барғам бериш, феодалларнинг ўзбошимчаликлари, лавозимларини суситеьмол қилишларини тийиб қўйиш, солиқдан тушадиган пул миқдорининг тўла-тўкис давлат хазинасига берилишига ҳам боғлиқ бўлган. Демак, солиқнинг пул шакли асосан давлатнинг сиёсий талабларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган.

XVI асрнинг биринчи ярми охирларидағи сиёсий воќеалар мамлакатнинг пул-товар муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Уруш ҳаракатларини қоплаш учун феодаллар томонидан кўплаб пуллар чиқарилиши унинг қийматини тушириб юборган эди. Шунингдек, мамлакатдаги шароит савдони ривожлантириш учун молия ислоҳоти ўтказишни тақозо этарди. Шу боис Шершоҳ Сурий давлати марказий ҳукумат манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда Шимолий Ҳиндистонда молия ислоҳотини ўтказишга қарор қилди. Мамалакатнинг йирик шаҳарларида пул зарб этадиган корхоналар бунёд этилди. Деҳли, Лоҳур, Жоунпур ва Патна шаҳарларида давлат назорати остида пуллар чиқарила бошланди. Мазкур корхоналарда зарб этилган 20 дан ортиқ турли оғирлик ва қийматга эга бўлган олтин, кумуш ва мис пуллар рупия, дам, пайса деб номланган. У пуллар ўзининг софлиги, оғирлиги ҳамда бадиий безаги билан ажralиб турган. Шершоҳ Сурий даврида зарб этилаётган пулларнинг ҳар иккала томонида араб ва маҳаллий тилларнинг бирида ёзувлар мавжуд бўлиб, Шимолий Ҳиндистон халқлари ва чет эл савдогарларининг мазкур пуллардан бемалол фойланишида қўйл келган.

Солиқнинг пул шаклига ўтиши, пулнинг ислоҳ қилиниши, шубҳасиз, мамлакатда ички ва ташки савдонинг ривожланганидан далолат беради.

Шершоҳ Сурий давлати марказий ҳукуматнинг манфаатларини кўзда тутган ҳолда, феодалларнинг таъсири доирасини чеклаш, давлат хазинасига тушадиган даромаднинг тўлалигини таъминлаш учун давлатнинг маъмурий тузилишини қайта кўриб чиқди ва унга тузатишлар киритди. Аввало, Шершоҳ Сурий давлатига тобе бўлган шимолда Панжоб ерларидан тортиб, то шарқда Бенгалиягача бўлган мамлакатнинг ҳудуди маъмурий жиҳатдан бир неча бўлакларга бўлинди. Шимолий Ҳиндистонда

узоқ йиллар мавжуд бўлган субавилоят ћокимлиги тартиби бе-кор этилди. Мамлакатнинг ћамма ерлари маъмурий жићатдан саркор (вилоят), паргана (туман) ва ќишлоќларга бўлиб ташланди. Мазкур маъмурий бирликларни бошқариш учун марказий ћукумат ћар бир саркор, паргана ва ќишлоќларга давлатнинг ишончли расмий кишиларини тайинлади<sup>1</sup>.

Шершоћ Сурий давлат ћокимлигининг диний ишларида ћам мућим тадбирлар жорий этди. Давлатнинг диний ишлари билан шуѓулланувчи бош идораси – садру-судур мавжуд бўлиб, уни ислом динининг ћамма ќонун-ќоидаларини ўзида мужассамлаштирган Садр бошқарар эди.

Шершоћ Сурий давлати алоќа воситаларини йўлга ќўйиш маќсадида давлат марказини мамлакатнинг турли бурчаклари билан боғлайдиган йўлларда мавжуд бўлган карvon саройларда алоќани тезлаштириш учун иккитадан от саёланган. Бу эса давлат аћамиятига эга бўлган турли хабарларни зудлик билан марказга етказища кўл келган.

Шершоћ Сурий давлати ўз даврининг ана шундай талабларини ћисобга олган ћолда ташки ва ички савдонинг тараќкий этиши учун йўллар ќуриш, савдогарлар учун мўлжалланган карvonсаройлар, мећмонхоналар, ошхоналар бунёд этишга киришади. Мамлакатнинг турли жойларида 1700 га яќин карvonсарой ћамда мећмонхоналар бунёд этилган<sup>2</sup>.

Савдогарларни йўл азобидан кўткариш ва уларга ќулайлик туѓдириш маќсадида бири мусулмонлар, иккинчиси ћиндулар учун икки турдаги ошхоналар, ќудуќлар, ћовузлар, отлар учун ем-хашак заћиралари мавжд бўлган. Янгидан-янги йўлларни ћамда кўприкларни ќайта тиклаш борасида тадбирлар кўрилди.

Афғон ћукмдорининг ќиска ћукмронлиги даврида бундай изобий тадбирларнинг амалга оширилиши диккатга сазовордир.

Шершоћ Сурийнинг юќоридаги чоралардан кўзда тутилган маќсади, аввало, марказий ћукуматнинг томирига болта урувчи, мамлакатнинг сиёсий-иктисодий ва ижтимоий ћаётига салбий таъсир кўрсатувчи, ћокимликда сиёсий ва иктиносий парокан-

<sup>1</sup> Рўзиев Э. Ҷиндистонда Шершоћ давлати. – Т.: Фан, 1992. –Б. 33.

<sup>2</sup> Рўзиев Э. Ҷиндистонда Шершоћ давлати. – Т.: Фан, 1992. -Б. 39.

далика олиб келувчи феодал ўзбошимчаликни тийиб қўйиш, давлатнинг қудратини ҳар томонлама ошириш, марказий ҳукумат хазинасига тушаётган фойдани кўпайтириш, умуман ҳукмрон феодал-зодагон синфлар манфаатларига мос тушувчи сиёсатни амалга ошириш эди.

Тарихчиларнинг таъкидлашича, Шершоҳ Сурий давлатининг айрим юқори мансабларида ҳам фаолият олиб боришиган.

Шершоҳ Сурий давлати марказий ҳукумат манфаатини кўзда тутган ҳолда, жогирдорларни доимий назорат ўрнатиш учун феодал ҳарбий бошлиқлар суворийлари отига тамға босиш тизимини қайта тиклади. Бунга биноан ҳар бир феодал ўзига биркитирилган суворийларни белгиланган жойда олиб келиб тамға бостириши ва рўйхатдан ўтказиши шарт эди. Акс ҳолда Шершоҳ давлати феодалларни жогирдан маҳрум этиб, суворийларга бериладиган ойлик маошини тўхтатиб қўярди. Бу тизим феодалларнинг суворийлар сонига қараб керакли қуроласлаҳалар ва анжомлар билан таъминлаши, яъни давлатнинг даромад ва ҳаражатларининг мутаносиб бўлишини кўзда тутган эди. Шершоҳ Сурий қўшини чиниккан, интизомли, муентазам лашкар эди. У лашкарларининг ўзига хос жанговарлик томонларидан яна бири деярли унинг бир элат вакиллари, яъни афғонлардан иборатлигидадир.

Шершоҳ Сурий қўшинларининг асосий қисмини отлиқ аскарлар ташкил этган. Тарихий маълумотларга кўра, Шершоҳ давлатининг лашкари 150 минг отлиқ, 25 минг пиёдалардан ташкил топган. Шунингдек, афғон лашкарида 5 мингга яқин жанговор филлар ҳамда анчагина замбараклари ҳам бўлган. Бундай катта армия фақатгина афғон ҳукмдорининг ихтиёридаэди. Шершоҳ қўшинларида суворийлар билан бирга артиллерия ҳам муҳим ўрин эгаллаб, уни асосан оғир замбараклар ташкил этган.

Умуман, Шершоҳ Сурий юқорида зикр этилган барча ислоҳотлар, бир томондан, мамлакат ичида бўладиган хавф-хатарни даф қилиш, яъни давлатнинг хавфсизлигини таъминлашда ўз даврига нисбатан тўғри тадбирлар бўлса, иккинчи томондан, мамлакатнинг барча аҳолиси устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, унга қарши бўлган чиқишиларни бостириб оладиган ягона марказлашган кучли давлат тузумини ташкил этишга қаратилган

эди. Шунингдек, Шершоһ Сурий давлати мамлакатда маъмурий ислоҳотлар жорий этиш орқали ҳукмрон феодал синфнинг манфаатларига мос тушувчи бошқариш аппаратига эга бўлиши билан ҳукмрон синфнинг чўнтакларига оқиб келаётган бойликларга бойлик қўшиш, янгидан-янги ерларни қўлга киритиш ва қўшини халқлар ерларини ўз ҳудуди таркибиға қўшиб олиш асосий мақсадлардан бири эди.

Аммо Шершоһ Сурий давлати томонидан Шимолий Ўиндинстон халқлари ҳаётига татбиқ этилган ислоҳотларни Исломшоҳ (1545–1554) ўз отаси Шершоҳга нисбатан бўлган гаразгўйлиги оқибатида бекор қилди. Шершоҳ Сурий вафотидан кейин унинг томонидан жорий этилган кўпгина ислоҳотларнинг бекор этилиши кейинчалик Шимолий Ўиндинстонда Исломшоҳ ҳукуматига қарши феодал гуруҳлари кўтарган исёнлар натижасида мамлакатда қирғинбарот авж олди. Исломшоҳ давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида афғон феодалларнинг кўпчилик қисмини исёнкорликда гумон қилиб, катта қирғинбаротлар уюштиради. Подшонинг буйруғи билан хизмат қилиб келган қўп ҳарбий бошликлар қамоққа олинади ва Гвалиор қалъаси зиндонига ташланиб, улардан баъзилари қатл этилди.

Аммо афғон ҳукмдорининг бу сиёсати мамлакатда давом этаётган феодал исёнга чек қўя олмади. Кейинги даврларда таҳт даъвогарлари бўлиб янги шахслар, жумладан, Деҳли ҳокими Муборизхон, Чунор ҳокими Иброҳим Сурий ва Панжоб ҳокими Аҳмадхонлар кураш майдонига чиқдилар. 1554 йили 22 ноябрда Исломшоҳ вафот этиб, унинг ўрнига 12 ёшли ўғли Ферузхон подшо қилиб кўтарилди.

Янги шаҳзоданинг таҳтга чиққанига бир ой тўлмасдан Исломшоҳга қарши бўлган афғонларнинг Муборизхон бошлиқ гуруҳлари томонидан Ферузхон ўлдирилди. Шундай қилиб, 1554 йилнинг декабрида Муборизхон Одилшоҳ номи билан ўзини шоҳ деб эълон қилди. 1554 йили Одилшоҳга қарши қаратилган улкан феодал чиқишилари содир бўлди.

1555 йилнинг бошларида Жунаидхон бошлиқ исёнчилар Гвалиорни қўлга киритиб, уни талон-тарож қилдилар. Одилшоҳ томонидан жўнатилган Хему бу исённи бостиришга муваффақ

бўлди. Шунингдек, Хему ўша йилнинг ўзида Ужайн рожасининг исёнини ҳам муваффақкятли бостириб, тахт учун курашни бошлаб юборди.

1555 йилнинг 18 марта Одилшоҳ Агра атрофида Иброҳим Сурий қўшинларини тор-мор қилди. Бу ғалабадан сўнг у зудлик билан Деълини босиб олиб, Искандаршоҳ номи билан ўзини шоҳ деб эълон этди ва ўз номига хутба ўқитиб, тангалар зарб эттира бошлади.

Шундай қилиб, Шершоҳ ўлимидан кейин Шимолий Ҳиндистонда бошланиб кетган феодал низолар мамлакатни сиёсий жиҳатдан парчалаб ташлади. 1555 йилнинг май ойларига келиб, бир вақтнинг ўзида Шимолий Ҳиндистонда уч афғон ҳукмдори давлати қарор топган эди. Одилшоҳ Аградан Жоунпургача бўлган ерларда, Искандаршоҳ Деъли, Рохтас ҳамда Панжоб ва, ниҳоят, Иброҳим Сурий Ҳимолай тоғлари этакларида ҳоким бўлиб олган эдилар.

Шимолий Ҳиндистонда афғон ўртасида тахт учун кураш қизиб кетган ана шундай шароитлардан тўғри хулоса чиқарган Ҳумоюн Ҳиндистонга қайта юриш бошлади.

Мамлакатда узоқ давом этган феодал урушлар аҳоли бошига чидаб бўлмас оғир жафолар солган эди. Шаҳарларнинг вайрон бўлиши, қишлоқларнинг таланиши, экинзор ерларнинг пайҳон этилиши Шимолий Ҳиндистоннинг иктисодий ҳаётига жиддий путур етказди. Шаҳар ҳунармандлари, косиблар, деҳқонлар, савдогарлар, умуман кенг ҳалқ оммасининг тинимсиз ички курашлардан тинкаси қуриган эди.

Бу вазият Ҳиндистонда феодал адоватларнинг янгидан авж олишига, мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан парчаланиб кетишига ва натижада афғон сурйлари давлатининг таназзулга юз тутиб, ўрнига бобурийлар ҳукмронлигининг тикланишига олиб келди.

Ўша дамларда Эронда дарбадарликда кезиб юрган Ҳумоюн Мирзо Эрон шоҳи Тахмаспдан ҳарбий ёрдам сўрайди. Шоҳ Тахмасп (1524–1576) Қандаҳорни Эронга қўшиб олиш илинжида Ҳумоюнга 14 пиёда аскар беради.

Ҳумоюншоҳ Қобулга укаси Комрон Мирзога қарши юриш бошлайди. Бу хабарни эшитган Комрон Мирзо Бадаҳшонга қочади. Ҳумоюншоҳ Комрон Мирзонинг қароргоҳи Толиконни

камал қилади. Җумоюншоһ укасининг гуноһини кечириб, унга Кулоб вилоятини беради. Комрон яна қўшин тўплаб, Җумоюнга қарши уруш бошлайди, аммо акаси томонидан асир олинади. Бу сафар Җумоюншоһ укаси Комроннинг иккала кўзига мил тортиб, кўр қилиш ҳақида фармон берди.

1555 йил 27 май куни Сирғинданда Искандаршоһ билан Җумоюн ўртасида бўлиб ўтган шиддатли жангда афғонлар енгилдилар.

Җумоюншоһ ўзининг 15 минглик лашкари билан Искандаршоһ Сурийнинг 80 минг навкар ва бир неча юз филдан ташкил топган қўшинини янчид, Деғлига, сўнгра Аграга кирди, 15 йиллик танаффусдан кейин Ҷиндистон пойтахтига ғалаба қозониб қайтди. Бу ғалаба Шимолий Ҷиндистонда иккинчи марта бобурийлар сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилишини таъминлади. Мазкур жангларнинг ҳаммасида йиллар давомида унга ҳамроҳ бўлган Байрамхон Җумоюнга ниҳоятда катта ёрдам қўрсалди. Панжоб қўлга киргандан сўнг, унга “хонлар хони” номи берилди, ўғли Акбарни Панжобга ҳоким қилиб юборар экан, Байрамхонни унга маслаҳатчи этиб тайинлади. Лекин Җумоюннинг куни битгандек эди. “Тарихи фаришта” китобида унинг ҳаётини охирги соатлари шундай тасвирланади: “У ўз кутубхонасидан тушиб келаётганда аzon товушини эшитади. Зинага ўтириб, у ҳам азонни ичидаги қайтара бошлайди. Сўнгра ҳассасига таяниб ўрнидан туроётганда ҳасса тойиб кетиб, Җумоюншоһ ҳалқанчасига йиқилади. Хизматкорлари уни подшоҳ ҳарамига олиб ўтишади.

Лекин табиблар ҳеч нима қила олмайдилар. 1556 йилнинг рабиул-аввалида (январида) вафот қиласи<sup>1</sup>. Унинг қабри устига ўғли Акбаршоһ тарафидан қурилган мақбара (1565 йилда) энг йирик маданий ёдгорликлардан ҳисобланниб, шу пайтгача ҳатто ҳиндларнинг ўзлари ҳам у билан фаҳрланадилар.

У ҳам ўзининг қисқа умри давомида жуда кўп заҳматлар чекди. Лекин ноумид бўлмади. Ҷиндистондек улуғ мамлакат ҳукмронлигини ўз қўлида сақлаб қолди. Жавоҳарлаъл Неру ёзгандек, Җумоюншоһ маданиятли ва ўқимишли киши эди, аммо у отаси каби жангчи эмасди.

---

<sup>1</sup> Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. – Т.: Фан, 1994. -Б. 10.

Ҷумоюншоһ һам отаси Бобур каби оз яшади, атиги қирк саккиз йил умр күрди, аммо шу қиска һаёти мобайнида ўз санъати ва Ҳиндистон учун, унинг халқи учун кўп яхши ишлар қилишга улгурди, мамлакатнинг иктисадиёти, ободонлиги, меъморчилигига катта ғисса қўшди. Ҷумоюншоһ санъатни ғоят севар, илм аћлини эъзозлар, форс ва туркий тилларда назм битган шоир һам эди. У Ҳиндистонда миниатюра санъатининг юзага келиши ва шакланишига раҳбарлик қилди. Илгари отасига хизмат қилган бўлса, эндиликда ўз мулкларини мустаҳкамлашда катта жонбозлик кўрсата бошлади. У туфайли катта бойликлар тўпланди, мамлакатда норозилик һаракатлари бостирилди.

Ўша даврда сиёсий аћвол жуда мурракаб эди. Ҷумоюн ишларини тугатмай тўсатдан вафот қилгани сабабли Бенгалиядаги афғонлар давлатининг катта ерларини эгаллашни давом эттиридилар. Искандаршоһ Сурий һамон кўшин тўплаб, бобурий подшоһга зарба беришни мўлжаллар, Одилжон Сурий ўзининг вазири Хему билан Агра ва Дећлини қайтариб олишга фурсат пойлар, бундан фойдаланган кичик ҳокимлар эса салтанатнинг емирилиши, ўзларининг эса мустаќил бўлишларини орзу қилишаётган эди.

## **АКБАРШОҲ** **(1556-1605)**

Акбаршоҳ 1542 йил 15 октябрда ҳарбий сафар пайтида туғилди. Онаси Ҳамида Бону бегимдир. Акбарнинг ёшлик даври отаси Ҷумоюннинг узлуксиз жанг-жадаллар ва дарбадарликда юрган даврига тўғри келди. 1555 йил 22 июнда Акбар расмий равишда валиаћд деб эълон қилинади. Шу йили ноябрь ойида эса Ҷумоюн ўғли Акбаршоҳни Панжобга ҳоким қилиб, Байрамхонни отабек қилиб тайинлайди<sup>1</sup>. 1556 йил январ ойида Ҷумоюншоҳнинг тўсатдан вафот қилганлиги хабари Панжобга етиб келди. 14 февралда энди 13 ёшга кирган Акбарни тахтга ўтириш маросими бўлиб ўтди.

---

<sup>1</sup> Afzal Husaim. The nobility under Akbar and Jahangir. A study of Family Groups. New Delhi, 1999, p. 11.

Җумоюншођнинг фожиали ўлими, унинг душманлари қалбидаги фитна ва адоват оловини ёёди. Деђли даљвогарларидан бири афѓон Одилшођ Хему номли сардорини 50 минг отлиќ ас-карга лашкарбоши тайинлаб, мингга яќин жангари филлар ћамда 51 дона замбарак билан Деђлига юриш бошлайди. Шу аснода Панжобдан Акбаршођ билан Байрамхон ўн минг ќўшин билан Деђлига етиб келиб, Хемунинг замбаракларини қўлга киритадилар. Жангда Хемуга ўќ тегиб, ярадор ћолда асирга олинади ва ќатл ќилинади. Айрим маълумотларга ќараганда, Акбаршођнинг ўзи камондан ўќ отиб, Хемунинг қўзига тегизган.

Йиллар ўтган сайин Байрамхоннинг ўзбошимчалик хатти-ћаракатлари, ќўпол муомаласи, Акбаршођ синглисини никоћига олиш даљвоси ва бошқа ғайритабиий ќиммешлари сарой аћлига, айниќса, Акбаршођ оиласига ёкмай ќолди. Натижада, Байрамхонни Маккаи Мадинага ћаж сафарига юбориш баћонаси билан давлат ишларидан четлатадилар. 18 ёшга кирган Акбаршођ энди давлатни ўзи мустаќил идора ќилишга киришади. Кўпни кўрган, тажрибали Байрамхоннинг ћаёти эса фожиали тугалланади. У маккага кетаётганда Лўхоний афѓон томонидан ўлдирилади. Бир ваќтлари Лўхонийнинг отасини Байрамхон ќатл эттирганлиги сабабли, ўғил отаси ўчини олишга мусассар бўлади.

Акбаршођ ћокимиятга келиши биланоќ, отаси Іумоюншођ даврида ќўлдан кетган ерларни яна империяга ќайта ќўша бошлади. У бутун Шимолий Їндистонни, ћатто жанубни ћам фатҳ этиб, Гужарот, Бенгалия, Синд, Кашир ва Ориссани ўз тасарруфига киритди. Марказий ва Жанубий Їндистонда ћам ғалаба ќозониб, у ерлардан ўлпон ундиради. Акбаршођ Раждпутан ћокимликлари Мевар, Марвар ћамда Гондванадаги бир неча майда хонликларни ћам ўз ќўли остига киритди. Шунингдек, Малва, Берар, Хандеш ва Аћмаднагардаги мусулмон ћокимларнинг ерлари, кейинчалик Қандоћор ћам Акбаршођ империясига ќўшиб олинган эди.

Гужарот ќаршиликсиз таслим бўлди. Акбаршођ ўз лашкарларини Сурат шаћрига юборганда, у ерда ўзларининг савдо марказларини ўрнатиб олган португалликлар маћаллий кучларга ёрдам бермоќчи бўлишади. Лекин улар Акбаршођнинг

ғалабасини кўриб, у билан муросаа қилишга қарор қилишади. Португаликлар Акбаршоҳ билан мусулмонларни ҳаж сафари Маккага бемалол ўтказиш, денгизда ҳам уларнинг йўлини тўсмаслик ҳакида шартнома тузадилар. Акбаршоҳ империяси Кобул, Қандаҳор, Синд, Мултон, Лоҳур, Кашмир, Деҳли, Агра, Ажмир, Илоҳобод, Авад (Аут), Биҳор, Бенгалия, Бенгал кўрфазидаги Орисса, шунингдек Малва, Гужарат, Хондеш, Берор, Аһмаднагар каби вилоятлардан ташкил топган.

Акбаршоҳ ҳукмронликни одамларнинг миллатини ҳам, динини ҳам ажратмаган ҳолда олиб борганлиги сабабли у халқнинг муҳаббатини қозонди. Акбаршоҳ халқни азобга солаётган жизъя солиғидан озод қилди. Маҳаллий халқ вакиллари қўйидан тортиб юкоригача бўлган давлат ишларида иштирок этишиди. Акбаршоҳ ҳиндулар ва ўз амирлари ўртасида қариндошлиқ алоқаларини ўrnата бошлади. Илгариги ҳиндулар билан мусулмонлар ўртасидаги адоват йўқолиб, улар ўрнини ўзаро ҳурмат, ихлос ва муҳаббат эгаллади. Акбаршоҳ мусулмон ҳукмдорларининг Ҳиндистондаги сиёсатини жиддий ислоҳ этди. Солик тўлашда мусулмонлар ва ҳиндулар ўртасидаги фарқларни йўқ қилди. Шунингдек, деҳқонларнинг ерларини уларга мулк сифатида мустаҳкамлаб қўйди, илгариги қарзларидан кечиб юборди. Замонага мос келадиган қонун-қоидалар ишлаб чиқди. Балоғат ёшига етмаган ўсмирларнинг турмуш қуришини ман қилди, бева қолган ҳинду аёлларига турмуш қуришга рухсат берди. Ҳинду олимларини санскрит тилини ўрганишга рағбатлантириди.

Акбаршоҳ даврида Ҳинд, форс, турк ва араб тилларидан ташкил топган урду тили ҳаётга чуқурроқ жорий қилинди. Турк тили подшоҳ аҳлининг тили, форс тили давлат тили, араб тили эса ислом динининг тили бўлиб қолди. Акбаршоҳ ақл-идрок ва ўткир зеҳн соҳиби эди, у чекланмаган ҳокимият эгаси – мустаъбид шоҳ эди. Лекин ҳокимиятни бошқаришда ақл мезони билан иш тутиб, ўта тадбиркорлик билан доно сиёсат юритди. Айнан Акбаршоҳ давридан бошлаб, Бобур асос солган давлат бутун дунёга машҳур бўлди.

Акбаршоҳ бобоси Бобуршоҳга ўхшаш жангчи ва иқтидорли саркарда эди. У қилич билан қозонилган ғалабадан кўра, меҳр-

шафқат билан эришилган ғалабани афзал күрарди. У һинд халқининг фаровонлиги йўлида жуда кўп куч ва ғайрат сарфлади. Акбар Ҳиндишонда мавжуд бўлган ислом дини билан Ҳиндуизм динини бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилди. Натижада, унинг ўзи ижод этган янги дин – “дини илоҳий”ни вужудга келтирди. Аммо унинг бу “янги дини” равнаќ топмади. Аксинча, мусулмон руҳонийларининг ғазабини келтирди. Шунга қарамай, Акбар аста-секин һинд оммасининг ва һинд зодагонларининг эътиборини қозона бошлади. У мусулмон бўлмаган аслзода оиласага мансуб бўлган қизга уйланди, һинд зодагонларини ўз саройидаги энг юқори мансабларга тайинлади. Зотан, Акбаршоҳнинг энг жасур лашкарбошилари, энг истеъоддли вазирлари ҳамда вилоятлардаги ноибларининг кўпчилиги Ҳиндлардан эди. Мана шундай тадбиркорлик натижасида у омма орасида зўр шуҳрат қозонди. Акбаршоҳ ўз атрофига кўпгина салоҳиятли, садоқатли кишиларни тўплашга эришди. Чунончи, Абул Фазл, Бирбол унинг энг яқин ёрдамчилари эди. Унинг молия вазири Ҳинду Тодар Мал эди. Акбаршоҳнинг фармонига кўра у солик солиш низомини қайтадан ишлаб чиқди. Жайпурлик рожа Ман Сингх шоҳнинг энг истеъоддли лашкарбошиси эди. Акбаршоҳ хилма-хил дин ва мазҳабларга мансуб бўлган руҳонийларни ийғиб, диний мавзуларда мунозаралар олиб борган.

Акбаршоҳ пешонага тика қилишни расм тусига киргизди, шу қаторда Ҳиндуларга хос бўлган кўп одатларни ўз саройида жорий этди. У һинд халқининг самимий ҳурмати ва муҳаббатини қозонган бобурийлардан бири эди. Унинг хизматлари, фаолияти, шахс сифатидаги хислатларини һинд даҳолари, олимлар, тарихчилар юксак баҳолайдилар. Акбаршоҳ давридаги хорижлик миллионерлар ёзиб қолдирган хотираларда унинг бутун ички дунёси якъол тасвирлаб берилган. “Жўшқин ва ўткир ақл-идрок соҳиби, соғлом одам эди. Бу хислатлар унда буюк ишларни бошловчи ва ниҳоясига етказувчи кишиларга хос мардлик билан кўшилиб кетган. У билимга иштиёқманд киши бўлиб, кўп нарсаларга қизиқарди, ҳарбий ишда ва сиёsat бобида чуқур билим-дон бўлибгина қолмай, жуда кўп касб-ҳунардан хабардор эди”.

Ҳинд халқида бир урф қадимдан сақланиб келарди, яъни бева қолган һинд аёллари эрларининг ортидан ўзларини гулханга

ташлаб ћалок бўлишлари лозим эди. Бу ваћшиёна одатни амалга ошириш Акбаршоћ томонидан ман этилди. Биргина шу далилнинг ўзи унинг наќадар раћмдил, адолатли, инсонпарвар бўлганлигидан далолатдир. Шунингдек, Акбаршоћ ћарбий асиirlарни кўл ќилишни таќиќлади, халқни эзib, аборг ќилувчи айрим солиқларни бекор ќилди. Шунинг учун ћам ўрта аср Ҷинди斯顿 ћукмдорлари орасида фаќат акбаргина “Улуѓ Акбаршоћ” деган унвонга сазовор бўлди. Инглиз олимни Лейн Поул Ҷинди斯顿даги мўѓул (бобурий – Т.Г.) шоћлари ичидаги энг буюги Акбардир деганди<sup>1</sup>. Ҷинд тарихчиси Ишвари Прасад: “Акбар Ҷинди斯顿 тарихидагина эмас, бутун дунё тарихида энг буюк шоћдир. Агар овруполик ћукмдорлар билан таќќосланадиган бўлса, Акбар улуѓворликда ћам, омадбарорликда ћам улардан устун туради”<sup>2</sup>, деб айтганди. Акбаршоћ давлат ћудудини кенгайтиргач, мамлакат бўйича умумий узунлик ва оѓирлик ўлчовларини ћамда умумий пул бирлигини жорий ќилишга киришди. Натижада олтин билан кумушнинг сарфини камайтириб, уларни хазинада саќлаб ќолишга муваффаќ бўлди. Илгари турли вилоятларда ўлчов бирлиги ћар хил бўлган. Бунга чек ќўйиш маќсадида, Акбар узунликни ўлчашда 94 см га тўғри келадиган «газ» ўлчов бирлигини ќўллади. Сочилувчи нарсалар оѓирлигини ўлчашда 388 граммга teng бўлган «маунд» ўлчов бирлигини ва пул соћасида асл, ќимматли металлардан ясалган рупия ва маћурийларни жорий ќилди.

Бу ислоћотлар жуда катта ижобий аћамиятга эга бўлиб, савдо-сотиќ ишларининг ривожланишига қулай шароит яратиб берди. Акбаршоћ даврида пул зарб ќилиш бир ќанча хусусий зарбхоналарда амалга ошириларди. Акбаршоћ жорий ќилган пуллар билан бирга мамлакатда турли давлатларнинг ва даврларнинг пуллари ћам муомалада бўлган. Жавоћарлаъл Неру Акбаршоћ ћаќида шундай ёзади: “Акбар 1556 йилдан 1606 йилгача, ќарийб эллик йил Ҷинди斯顿да ћукмронлик ќилди, Акбар номи Ҷинди斯顿 тарихида буюк ном бўлиб, айрим жићатларни Ашокани эслатади. Ажабланарлиси шуки, Ҷинди斯顿нинг ми-

<sup>1</sup> Қаранг: Қамчибек Кенжа. Ҷинд сориѓа. –Т., 2000. –Б. 196.

<sup>2</sup> Ўша асар. –Б. 196-197.

лоддан аввалги учинчи асрида яшаган буддавий император Ашока билан Ҳиндистонда милодий ўн олтинчи асрда яшаган мусулмон императори Акбар деярли айнан бир хил мавзуларни тилга олиб, бир хил сўзларни ишлатишган. Бутун Ҳиндистон шу икки буюк фарзандининг тилида сўзлаган бўлса ажаб эмас”<sup>1</sup>. “Бобур сингари Акбаршоҳ ҳам умумӣндистон бирлиги мезонларини диний сепаратик (айирмачилик) даъво – интилишларидан юқори қўйган. Бу соҳада у катта ютуқларга эришди ва кўп муваффаккиятлар унга ҳамроҳ бўлди”, деб ёзади Неру. Неру Акбаршоҳ ҳақида сўз юритиб, агар қулав вазият, соғлом муҳит мавжуд бўлмаса, бирорта одам ўз олдига қўйган катта вазифаларни бажара олмаслигини баён қилади. Буюк кишилар, жумладан, Акбаршоҳ ўз даври устувор шароитларининг маҳсулидир, деб айтади. Неру Акбаршоҳни ниҳоятда жасур ва салоҳиятли лашкарбоши деб таърифлайди. У Акбаршоҳни ҳар томонлама ва батафсил таърифлаб, “у ва унга ўхшаш шахслар одамларни ўзига оғангррабо каби тортади”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Неру Акбаршоҳни кўћна һинд жамиятдаги турли хил элатларни жисплаштиргани (синтез – Т.Г.) ва уларни битта миллиатга бирлаштирганига алоҳида урғу беради. Нерунинг фикрича, Акбаршоҳ ўзини Ҳиндистонлик деб билган ва гарчанд у маҳаллий халқка нисбатан келгинди ҳисобланса-да, Ҳиндистон уни севиб қолди. Шунинг эвазига Акбар Ҳиндистонда муваффакият билан ҳукмронлик қилди ва мустаҳкам империя асосини қурди. Ж. Неру ёзади: “Буюк мўгуллар (бобурийлар – Т.Г.) даври бутун Осиё ва Европага ёйилди. Агра ва Дэҳлида қадимги һинд мейморчилик услубининг ажойиб замонавий на-муналари билан уйғулашган янги, гўзал иншоотлар қад кўтарди”. Ж. Нерунинг фикрича, жасур ва довюрак саркарда ҳамда марҳаматли ва раҳмдил, юксак ахлоқий ғояларга амал қилувчи, орзу-армонларга тўла бўлган Акбаршоҳ бир вақтнинг ўзида ғайратли инсон, ўз муҳлисларининг содик раҳнамоси эди. Жангчи сифатида у Ҳиндистоннинг бепоён ҳудудларини забт этган бўлса-да, унинг орзу-умидлари инсонларнинг фикру-

<sup>1</sup> Джавахарлал Неру. Взгляд на мирную историю. Т.2. – М., 1975. –С. 61.

<sup>2</sup> Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955. –С. 145.

зикрларини, қалбларини эгаллаш эди. Акбаршоң замондошларининг далолат беришларича, ўз нигоһи билан кишиларни ўзига ром этарди, кўзлари эса “куёш ёғдуси тушган денгиз сингари” ярқиради. Акбаршоң Ҳиндистонни фақаттинга сиёсий жиҳатдан, балки бир халқ сифатида давлатни қайтадан қуриш орзусини тиклади<sup>1</sup>. 1556 йилдан бошланган деярли 50 йиллик узоқ давом этган ҳукмронлиги даврида Акбаршоң шу мақсадга интилди. У бошқаларга бўйсунмаган кўплаб маѓур ражпутларни ўз томонига оғдири, ражпут маликасига уйланди, ўғли ва вориси Жаҳонгир, бир томондан мўгул (бобурий – Т.Г.), иккинчи томондан ҳинду-ражпут эди. Жаҳонгир ўғли Шоҳ Жаҳоннинг онаси ҳам ражпутлардан эди. Шундай қилиб, турк-мўгул суоласи ҳинд суоласига ҳам айланди. Акбаршоң ражпутларга мафтун эди, уларни ўз руҳи-табиатига яқин деб биларди, никоҳ алоқаларини ўрнатиш ва бошқа йўллар билан у ражпутларнинг ҳукмрон синфи билан иттифоқ тузиб, ўз империясини мустаҳкамлади. Бу мўгул (бобурий – Т.Г.) ражпут ҳамкорлиги кейинги ҳукмдорлар даврида ҳам давом этди ва Ҳиндистоннинг давлат тузуми, армияни бошқариш усули ҳамда мамлакат санъати, маданияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатди. Айнан Акбаршоң даврида Шимолий Ҳиндистонда ҳиндулар билан мусулмонларнинг маданий туташиши рўй берди. Акбаршоңнинг ўзи ҳам ҳиндулар, ҳам мусулмонлар ўртасида обрў-эътиборга эга эди. Мўгуллар (бобурийлар – Т.Г.) суоласи чинакам ҳинд суоласига айланди<sup>2</sup>.

Акбаршоң ўзининг диний ақидаси билан ҳам машҳур бўлган. Акбар – ислом императори, мусулмон фарзанди, ислом вакили сифатида ҳукм сурди. Унинг диний ақидаси давлат сиёсати билан қоришиб кетди. Ҳиндистонда Акбаршоң ўзи юритган ички сиёсат умуммиллий сиёсат бўлишини хоћлаган. Давлатдаги ҳамма динларнинг аралашмасидан ташкил топган янги бир дин ихтиро қилмоқчи бўлди. У янги дин асосчиси бўлиб, муқаддаслик шарафига эришмоқчи эди. Акбаршоң ўз саройида “ибодатхона” ташкил этиб, унда турли динларга мансуб бўлган

<sup>1</sup> Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955. – С. 272-273.

<sup>2</sup> Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955. – С. 273.

кишиларни йиғиб, диний мавзуларда суһбатлар ўтказган. Уларда ислом руһонийларидан ташқари иудаизм, христиан, зардуштийлик, буддавий ва бошқа динларнинг вакиллари қатнашган. Акбаршоһ улар билан ўтказилган мунозара ва мухосабаларда мазкур динларнинг энг яхши жиһатларини танлаб, бутун мамлекат учун ягона дин “дини илоһий”ни яратмоқчи бўлган. Ҳиндистонни идора қилишда Акбаршоһ янги сиёсат қўллади. Унинг сиёсати Ҳиндистон ҳиндларники, деган принципга асосланган эди. Акбаршоһнинг ҳукми инсонийлик асосида олиб борилиб, одамларни миллатига, динига қараб ажратмади. Бунинг натижасида, халқнинг муђаббатини қозонди. Акбар халқни азобга солаётган жузъя солиғидан озод қилди. Маћаллий халқ вакиллари ҳам қўйи, ҳам юқори давлат ишларида иштирок этишди. Жумладан, Кобулнинг ҳокими ҳиндудан тайинланди. Акбаршоһ ҳиндулар ва ўз амирлари ўртасида қариндошлиқ алоқаларини ўрната бошлади.

### **ЖАҲОНГИРШОҲ** **(1605-1627)**

Акбаршоҳ тўнгич ўғли Салимни ҳинд рожаларидан бири нинг қизига уйлантириб қўйиб, Аллоҳободга ҳоким қилиб тайинлади. Салимни отасига нисбатан бўлган совуќонлиги Акбаршоҳ Деканда уруш олиб бораётганида унга қарши чиқишига ундейди. Лекин бу узоқ давом этмайди, чунки укала-ри Мурод ва Дониёл Деканда вафот этади. Салим эса яккаб-ягона таҳт вориси бўлиб қолади. Бу орада Салимнинг катта ўғли Хусрав ўз отасининг рақибиға айланади. Отаси ва буваси ўртасидаги келишмовчиликлар давом этаетган бир пайтда Хсрав бувасидан кейин таҳтга ўтиришни орзу қилиб юрарди.

Бувасининг ўлимидан сўнг баъзи мансабдор амирлар Хусравни отасига қарши чиқишига ундашади. Хусрав Панжобга қочиб, у ерда жанг бошлайди. Жаҳонгир тезлиқда уни таъқиб остига олади ва аввал Лођурга, сўнгра Афғонистонгача қувиб боради. Хусрав Кобул яқинида қўлга олиниб, вафотига қадар қамоқда ётади. 1601 йилда Оллоҳободга ҳоким қилиб тайинланган шаһзода Салим отаси Акбаршоҳга қарши бош кўтаради. 1603 йилда ота-бала ярашадилар. Салим яна Оллоҳободга ҳоким

қилиб тайинланади. Айни шу пайтда Ақбаршоһ саройида гурӯһ-бозлиқ кучаяди. Ақбаршоһ ўз фарзандлари ва ишонган бекларидан фиски-фасодлар күргач, жуда қаттиқ изтироб чекади ва қасал бўлиб, 1605 йил 17 октябрда 64 ёшида вафот этади.

Ақбаршоһ ўз ўлими олдидан сарой аъёнларини чорлаб, шаһзода Салимга шоһлик кийимини кийдиради ва бошига салла ўратиб, белига ўзининг хос ханжарини тақиб кўяди. Бу билан Ақбаршоһ сарой аъёнларига мендан кейин тахт соҳиби фақат шаһзода Салимдир, деган маънони билдиради. 1605 йил 17 октября шаһзода Салим Агра шаҳрида тахтга ўтиради ва Нуриддин Мұхаммад Жаһонгиршоһ подшоһ номини олади. Жаһонгиршоһининг ћукмронлик даври деярли отаси Ақбаршоһ сиёсатининг давомидир. У шимолий ва жанубий Ҷиндистанда отаси олиб борган ташкі сиёсатни давом эттиради. Жаһонгиршоһ ўз ћукмронлигининг биринчи йилида иккинчи ўғли шаһзода Парвез бошчилигига 20 минглик аскарни Меварга қарши юборади. Бироқ мазкур жанглар икки томонга ћам ћеч ќандай ютуқ келтирмайди. Жаһонгиршоһ яна Меварга қарши уруш ћаракатларини бошлаб юборади. Бу сафар учинчи ўғли шаһзода Ҷуррам бошчилигига кўшин жўнатади. Жаһонгиршоһ кўшинлари ражпутларни ўраб олиб, уларни қамал қиласи. Ниҳоят, ражпутлар орасида очарчилик ва вабо касали даҳшатли тус олгач, Мевар ћокими Амар Сингх сулҳ сўрайди. 1615 йилда сулҳ тузилиб, Мевар вилояти яна империяга кўшиб олинади.

Бобурийлар империясининг шарқий қисмida жойлашган Бенгалияда доимо ғалаёнлар бўлиб турарди. Бу ерда афғон мустақил зодагонлари марказий ћукуматга қарши исён кўтариб турардилар. 1612 йил 12 марта Дакка яқинидаги бўлган жангда Бенгалиядаги сўнгги мустақил афғон раҳнамоси Усмон яраланиб, вафот этди. Бошлиқсиз қолган афғонлар устидан ћукмронлик ўрнатилди. Жаһонгиршоһининг энг муҳим ютуқларидан бири деярли олиб бўлмайдиган тоғдаги Нагаркот кўрғонини империяга кўшиб олгани бўлди. Бу истеҳком 1620 йилда узоқ қамалдан сўнг кўлга киритилди. Жаһонгиршоһ Декан вилоятларида маратхларга қарши кураш олиб борди. У Декандаги ћукмрон доираларга қарши шаһзода Ҷуррам бошчилигига кўшин юборди. Деканда асл келиб чиқиши хабашистанлик Малик Амбар исмли

саркарда раћномалик ќилган. Саркарда ўзининг ўткир зећн ва аќл-идроки, ћарбий салоћияти туфайли Жаћонгиршоћ кўшинлари га бир неча марта зарба етказди. 1623 йилда Малик Амбар Бижопурни ќамал ќилди. Жаћонгиршоћнинг учинчи ўѓли шаћзода Ҷуррам ўз отасига ќарши бош кўтаради ва Малик Амбарга келиб кўшилиб, Бурхонпурни ќамал ќилади. Жаћонгиршоћ тезликда иккинчи ўѓли шаћзода Парвез ва амир Маћобатхонни шаћзода Ҷуррамга ќарши юборади. Жангда Ҷуррам таслим бўлади. Малик Амбар эса орќага чекинади. 1626 йилда Малик Амбар вафот этади. Ана шундан сўнг, Жаћонгир ќўшинлари Деканнинг Ақбаршоћ давридаги ќисминигина ќўлга киритадилар.

Жаћонгиршоћ ћинд-мусулмон ижтимоий бирлигини янада мустаћкамлаш йўлида ќатор мућим тадбирларни амалга оширади. У Қуръон каримни ћиндистоний тилига таржима ќилишни буюрган. Ћиндлар орасида асрлар оша ћукм суреб келаётган баъзи бир заарарли урф-одатларни бекор қилиш тўғрисида фармонлар чиќарди. Бенгалия вилоятида эса солиќни тўлай олмаган кишиларнинг норасида фарзандларини (гўдаклар “ћожасаро” (маћрам) деб аталган) тортиб олиш жорий этилган бўлиб, Жаћонгиршоћ бу хусусда “Бундан буён ћеч ким бу ќабић иш билан шуѓулланмасин, норасида ћожасароларни харид этиш ва сотиш ман этилсин”, деб фармон чиќарди.

XVIII асрда Ћиндистонда муомалада бўлган пуллар олтин, кумуш ва жездан (бронза) зарб этилган. Олтин ва кумуш тангалар рупия дейилган. Жаћонгиршоћ ўзининг севимли хотини Нуржаћон бегим шарафиға “Нуржаћоний” олтин тангасини зарб эттирган. Шунингдек, “Нури шоћий”, “Нури сultonий”, “Нури карам” (“Илтифот нури”), “Нури мећр”, “Жаћонгирий” тангаларини чиќарган.

1626 йил октябрда шаћзода Парвез тўсатдан вафот этади. 1627 йилда Жаћонгиршоћ Кашмирга саёћат ќилади ва шу йилнинг октябрида саёћатдан ќайтаётганда йўлда вафот этади. Бу хабарни эшигтан шаћзода Ҷуррам тахтни эгаллаш учун Декандан Арага йўл олади. 1628 йил февралида у ћеч ќандай ќаршиликсиз тахтга ўтиради ва ўзини Шоћ Жаћон номи билан аташни буюради.

Шоҳ Жаҳон салтанат тепасига келганда, империя иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан анча кучсизланиб қолган эди. Шоҳ Жаҳон олдида тарқалиб кетиш хавфи туғилаётган империяни сақлаб қолишидек улкан вазифа турар эди.

## **ШОҲ ЖАҲОН**

**(1628-1659)**

Шаҳзода Ҷуррам Жаҳонгиршоҳнинг учинчи ўғли бўлиб, 1592 йил январда Лоҳурда туғилган. У 1612 йилда 21 ёшида Жаҳонгиршоҳнинг хотини Нуржаҳоннинг жияни, яъни Нуржаҳоннинг акаси Осафхоннинг қизи 19 ёшли Аржуманд бонуга уйланган. Нуржаҳоннинг отаси Эътиимод уд-Давла саройда бош вазир, ўғли Осафхон эса сарой бошқарувчиси эди. 1622 йилда Эътиимод уд-Давла вафот этгач, Нуржаҳон бегим билан шаҳзода Ҷуррам орасида зимдан адоват вужудга келди. Бунга сабаб Нуржаҳон бегимнинг Лодила бегим исмли қизи бўлиб, унинг отаси сарой аъёнларидан бири Нуржаҳон бегимнинг аввалги эри Шер Афкан эди. Лодила бегим Жаҳонгиршоҳнинг кенжা ўғли шаҳзода Шаҳриёрга узатилганди. Нуржаҳон бегимнинг нияти тахтга Шаҳриёрни валияҳд қилиб тайинлаш эди. Бу пайтда қасалманд бўлганлиги сабабли Жаҳонгиршоҳ давлат ишларига қарамай кўйган, асосий ишларни эса Нуржаҳон бегим олиб борарди.

Шаҳзода Ҷуррам келажаги һақида ташвишланиб, 1622 йилда ўз қарамоғида турган ногирон акаси шаҳзода Хусравни пинҳона ўлдириди һамда отаси Жаҳонгиршоҳга санчик қасалидан вафот этди, деб хабар беради. Мана шу зайлда сарой ичидаги аста-секин гуруҳбозлик авж олиб, кундан-кун салтанатга путур етади.

Ана шундай вазиятни кўпдан бери кутиб турган Эрон шоҳи Шоҳ Аббос 1622 йилда тўсатдан Қандаҳорни қамал қиласидан ва 45 кунлик қамалдан сўнг шаҳарни кўлга киритади. Жаҳонгиршоҳ шаҳарни қайтариб олиш мақсадида катта қўшин тўплаб, шаҳзода Ҷуррам, яъни Шоҳ Жаҳон бошчилигига Қандаҳорга юбормоқчи бўлади. Лекин Ҷуррам бундай нотинч вазиятда Ҳиндистондан узоқлашишни истамай, Қандаҳорга боришдан бош тортади ва бир неча кундан сўнг отаси Жаҳонгиршоҳга қарши қўзғолон кўтаради.

1623 йил март ойида Шоһ Жаҳон Биллачурдаги жангда енгилиб, Деканга қочади. Шаҳзода Парвез билан амир Маҳобатхон бошчилигидаги Жаҳонгиршоҳ қўшини уни таъқиб қиласди. Шоҳ Жаҳон Декандан Бенгалияга бориб, Ражмахални забт этади, сўнг Бихарни қўлга киритади. Бихарда қўшимча куч тўплаб, Оллоҳ-ободни қамал қиласди. Шу аснода Жаҳонгиршоҳ қўшини етиб келиб, Шоҳ Жаҳон қўшинини тор-мор қиласди. Шоҳ Жаҳон қолган қўшинини йиғиб, Деканга қочади ва у ерда Малик Амбарга қўшилиб, Бурхонпурни қамал қиласди. Шаҳзода Парвез билан Маҳобатхон яқинлашиб келгач, Шоҳ Жаҳон шаҳарни қамалдан бўшатиб, улардан кечирим сўрайди<sup>1</sup>. Шоҳ Жаҳоннинг гуноҳи кечирилиб, Балагхат юқимлиги унга топширилади.

1636 йилда Шоҳ Жаҳон 50 минглик қўшин билан Деканга юриш қилиб, Голконда ва Бижопурни империяга бўйсундиради, Аҳмаднагаргача бўлган ерларни ишғол қиласди ҳамда ўзининг учинчи ўғли Аврангзебни Деканга ћукмрон қилиб, ўзи пойтахтга қайтади.

Шоҳ Жаҳон пойтахтни Аградан Деҳлига кўчиради. У 1639 йилдан 1658 йилгача Деҳлида “ќизил қалъа”, ўрда, боғлар, масжид ва бошқа бир неча иншоотларни барпо этади. Бир масжиднинг қурилишига бир миллион рупия сарфланади. Унинг тахти тарихда “Шоҳ Жаҳоннинг товус монанд тахти” деб ном олган бўлиб, бу тахтнинг ўша даврдаги қиймати ўн миллион рупий деб белгиланган эди<sup>2</sup>.

Умуман, Шоҳ Жаҳон ћукмронлик қилган даврда қурилиш иншоотлари кўпайиб, хазинага анча зарар етказган. Шунингдек, мамлакатни бирлаштириш учун олиб борилган уруш ћаракатлари юз миллионлаб маблағ сарфлашга мажбур қиласди. Бинобарин, бу даврда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи анча заифлашган эди. Бир неча вилоятларда вабо, очарчиликлар бўлиб, меҳнаткаш халқ янада оғир аҳволга дучор бўлган эди.

<sup>1</sup> Afzel Husain. The nobility under Akbar and Jahangir. A study of Family Groups. New Delhi, 1999, p. 174.

<sup>2</sup> Айрим маълумотларга қараганда, инглиз мустамлакачилари Ўиндиштонни ўз тасаррӯфига киритганларида Шоҳ Жаҳоннинг “Товус тахти” ни ўлжа сифатида кемага жойлаб, Англияга олиб кетмоқчи бўлгандар. Аммо йўлда кема ћалокатга учраб, Шоҳ Жаҳоннинг “Товус тахти” йўқолган.

Жаһонгиршоһнинг саломатлиги қундан-кун ёмонлашиб, давлат ишларини Нуржаһон бегим бошқаарди. У ўзининг ниятларини амалга ошириш мақсадида Жаһонгирнинг содик лашкарбошиси Маһобатхонни саройдан четлатиб, Бенгалияга жўнатади ва мол-мулкини рўйхатга олдиради. Бундан норози бўлган Маһобатхон салтанатга қарши бош кўтаради. Бу воќеадан кўп ўтмай Жаһонгир Нуржаһон билан бирга пойтахтдан Кобулга сафар қилишади. Маһобатхон ўзининг ражпутли қўшини билан йўлга чиқиб шоҳни қўлга олади. Маһобатхоннинг барча шартлари Жаһонгир томонидан ночор қабул қилинади. Шоҳ карвони Маһобат назорати остига Кобулга йўл олади. Кобулда Нуржаһон бегим Жаһонгирни Маһобатхон соқчилари қўлидан қутқариб олади ва Кобул қўшинини Маһобатхонга қарши қўяди. Энди Маһобатхон учун қочишдан бошқа илож қолмайди. У Кобулдан қочиб, Деканда Шоҳ Жаһонга қўшилади.

“Ал-қасосул минал-ҳақ” деганларидек, Шоҳ Жаһоннинг ћукмронлик даврининг охирги йиллари тахтни ўз ўтилларидан муҳофаза қилиш билан ўтади.

Ниҳоят, 1658 йилда Шоҳ Жаһон бешафқат ўғли Аврангзеб томонидан Жамна дарёсининг ўнг соҳилидаги қалъа хоналаридан бирига қамаб қўйилади. Хона дарчасидан дарёнинг нариги қирғоидаги Тож Маҳал якъол кўриниб турган. Ҳамма нарсадан жудо бўлган, ҳамма имкониятдан маҳрум этилган Шоҳ Жаһон ана шу дарчадан Тож Маҳалга – хотини Мумтоз бегим мақбара-сига тикилиб, қунларини аламли ўтказади. Қариб қолган Шоҳ Жаһон касалга чалиниб, йиғининг зўридан қўзидан ҳам жудо бўлади ва 1666 йилда вафот этади. Ўз васиятига қўра уни Тож Маҳалга – Мумтоз бегим ёнига дафн этадилар. Аврангзеб эса отасининг вафотидан олдиноқ бобурийлар тахтининг эгаси бўлиб олганди.

### **АВРАНГЗЕБ (1658-1707)**

Аврангзеб Шоҳ Жаһоннинг учинчи ўғли бўлиб, 1619 йил 24 сентябрда туғилган. Онаси Мумтоз Маҳал бегимдир. Аврангзеб ёшлигиданоқ ака-укаларига нисбатан анча қобилиятли, удабурон, ћийла ва найранг ишлатишга моһирлиги билан ажра-

либ турарди. Диндорлик билан ном чиқаришга һаракат қиласы. У оддий халқ күзига ўзини авлиә қилиб күрсатарди. Зотан, Аврангзеб ўқимишли ва билимдон киши бўлиб, Қуръони каримни ёддан билган, талайгина ғазалларни ёддан ўқир, ўзи һам ғазаллар ёзарди. Аммо қаттиккўл, кучли, иродали, қон тўкиш оддий бир зарурат деб билувчи тошбағир киши эди.

Отаси Шоҳ Жаҳон 1636 йилда Аврангзебни Декан вилоятига һоким қилиб тайинлади. Ўша вақтдаёк Аврангзеб отаси Шоҳ Жаҳонга қарши һаракат бошлайди. Шоҳ Жаҳон бу исёнкор ўғлини Декан һокимлигидан олиб, Балх вилоятида турган қўшинларга бошлиқ қилиб жўнатади. Кейинчалик, Гужарот ва у ердан Бадахшонга юборади. 1652 йилда Аврангзеб яна Декан вилоятига һоким қилиб тайинланади. 1656 йил февралда Аврангзеб Голконда хонлигига қарши уруш бошлайди. 1657 йилда Бижопур хонлигини қўшиб олиш учун отаси Шоҳ Жаҳонга соxта маълумот юборади. 1656 йил ноябррида Бижопурнинг һукмдори Муҳаммад Одилшоҳ вафот этади. Унинг ўrnига марҳумнинг ёш ўғли Али Одилшоҳ II келади. Аврангзеб ёш һукмдор һақида Шоҳ Жаҳонга: “Бижопурнинг һозирги һукмдори Али Одилшоҳ II марҳум Муҳаммад Одилшоҳнинг ўғли эмас, балки келиб чиқиши номаълум, фақат у марҳум һукмдорнинг һарамида тарбияланган холос” деган мазмундаги хабар йўллайди.

Шундан сўнг Шоҳ Жаҳон Бижопур масаласини һал қилишни Аврангзебнинг ихтиёрига топширади. Бундан фойдаланган Аврангзеб, Бидорни забт қиласи ва Бижопурга тажовузкорона һужум бошлайди. Бижопур султони Али Одилшоҳ II Деҳли билан музокарага киришади. Шоҳ Жаҳон бу масалани адолатли һал қилишни катта ўғли Доро Шукуҳга топширади. Доро Шукуҳ ишни муфассал текшириб кўриб, масалани Султон Али Одилшоҳ II фойдасига һал қиласи. Шоҳ Жаҳон Бижопурга қарши уруш һаракатларини дарҳол тўхтатиш һақида Аврангзебга фармон юборади. Аврангзеб Бижопур султони билан сулҳ тузиб, орқага қайтишга мажбур бўлади. Мана шу воқеадан сўнг кўп ўтмай Шоҳ Жаҳон касал бўлиб ётиб қолади.

Шоҳ Жаҳоннинг фарзандлари ўртасида вужудга келаётган таҳт учун ўзаро кураш қонли урушларга айланиб кетади. Чунки уларнинг һарбий кучлари бир-биридан кам эмас, боз устига са-

рой аъёнлари гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ шаҳзода томонида турарди.

Оталари Шоҳ Жаҳоннинг касал бўлганидан фойдаланган ака-ука Аврангзеб, Шоҳ Шужъо ва Мурод Бахшлар ўзаро иттифоқ тузиб, акалари Доро Шукуҳга қарши курашишга бел боғлайдилар. 1650 йил 14 февралда ака-укалар ўртасидаги биринчи уруш Баносар яқинидаги Баҳодирпурда бўлиб ўтади. Бу жангда Аврангзеб акаси Доро Шукуҳнинг 35 минглик қўшинини тор-мор келтиради. 1658 йил 15 апрелда ҳар икки томоннинг қўшини Ужайн яқинида тўқнашади. Жанг Доро Шукуҳ қўшинининг мағлубияти билан тугайди.

1658 йил 29 майда ҳал қилувчи энг катта жанг Агра ёнидаги Самугарҳда бўлади. Бу жангда 50 минглик қўшининг Доро Шукуҳнинг ўзи қўмондонлик қиласи. Шунга қарамай, Доро Шукуҳ қўшини катта талофтот кўради. Чунки қўшин саркадалари орасида сотқинлар бўлиб, жанг бошланмасданоқ Аврангзеб билан тил бириктирган эдилар.

Доро Шукуҳ жанг майдонини ташлаб Панжобга қочади. Аврангзеб Аграга кириб, бемор ётган отаси Шоҳ Жаҳонни асирга олади ва уй қамоғига ћукм қиласи. Доро Шукуҳ Аврангзебнинг айғоқчилари томонидан қўлга туширилади. Аврангзеб фармони билан қатл қилиниб, калласини лаганга солиб унинг ћузурига келтирадилар<sup>1</sup>. Аврангзебнинг иккинчи акаси Шоҳ Шужъо ва унинг фарзандалари кейинчалик ваћишлиларча ўлдириб юборилади.

Аврангзеб 1658 йили таҳтга ўтиргач, ўз ћокимиятини кенгайтириш мақсадида тўхтовсиз жанглар олиб боради. Унинг ћукмронлик даврини тарихчилар икки фаслга бўладилар. Биринчиси, 1658–1681 йиллари бўлиб, Аврангзебнинг диккат марказида асосан ғарбий-шимолий ва шарқий-шимолий Ћиндистондаги воќеалар турарди. Аврангзеб бу ерда ражпутларга қарши жанглар олиб бориш ва Шимолий Ћиндистоннинг шарқий ва ғарбий чегараларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. ҆укмронлигининг иккинчи фасли 1682–1707 йилларга тўғри келиб, бу даврда асосан мамлакатнинг жанубий

---

<sup>1</sup> Франсуа Бернье. История последних политических перевотов в государстве великого Могола. – М.-Л., 1936. – С. 120-121.

кисмидаги воќеаларга ќаратади. Зотан, бу ерда Шиважа маратхлар давлатини тузган эди. Бу давлат аслида 1674 йилда расман мустаќил деб эълон ќилинган бўлиб, Аврангзеб салтанатига тинчлик бермас эди. Бинобарин, Аврангзеб ћукмронлик даврининг иккинчи палласида энг яхши ћарбий саркардалари ва сарой аъёнлари билан жанубда яшашга мажбур бўлади. Чунки бу ерда мућим воќеалар содир бўлаётган эди.

Аврангзеб ўзининг деярли 50 йиллик ћукмронлик даврида ота-боболари каби ќурилиш, адабиёт ва санъат ривожи учун ќайғурмайди, Акбаршоҳнинг динлар тенглиги сиёсатига амал ќилмайди. У ислом динидан бошқа динни ва сунна мазъабидан бошқасини тан олмас эди.

Аврангзеб Ћинд халқининг бошига кўп кулфатлар солди. У 1679 йилда мусулмон бўлмаган халқларга солинадиган жузъя солиғини ќайтадан жорий ќилади. Ћинд халқининг ибодатхоналаридаги олтин ва кумуш буюмларни хазина фойдасига тортиб олиб, ибодатхона биноларини эса масжидга айлантиради. Масалан, Удайпур ва Читорнинг ўзида 200 ибодатхона бузиб ташлангани тарихдан маълум. 1665 ибодатхонага бож тўлови ћакида фармон эълон қилинади. Фармонга мувофиқ, мусулмон савдо-гарларидан 2,5 %, Ћинд савдо гарларидан эса 5 % бож олиш ќонун билан тасдиқланган эди. 1669 или Аврангзеб барча вилоят ћокимларига мусулмон бўлмаган аћолининг ћамма мактаб ва ибодатхоналарини бузиб ташлашга фармон беради. 1671 йилда барча маћкамаларда ишловчи котиблар ва бошқа хизматчилар мусулмонлардан бўлиши лозимлиги ћакида фармон беради. Бироқ котиблар ћиндулардан бўлмаслиги мумкин эмаслиги маълум бўлгач, ярми ћиндулардан, ярми мусулмонлардан бўлиши лозимлиги ћакида ќўшимча фармон берилади. 1695 йилда раж-путлардан ташқари барча ћиндулар тахтиравонда юриши, шунингдек, ќурол олиб юриши ман этилади. Аврангзебнинг бундай ички сиёсати мамлакатда жуда катта норозиликларга олиб келади. Тинимсиз жангу жадаллардан тинкаси ќуриган халқ учун бу фармон оғир юк эди. Бинобарин, мамлакатнинг ћар ер-ћар ерида халқ ќўзғолонлари, ћокимлар фитнаси ва амалдорлар исёни кўтарила бошлайди.

Бир томондан фисқ-фасодлар, тахт учун талашлар, һар қандай йўл билан бўлса ҳам ћокимиятни кўлга олишга интилишлар, таъмагирлик ва талон-тарожлар, иккинчи томондан халқ оммасининг ќашшоқлашуви бобурийлар салтанатининг парокандаликка юз тутганлигидан дарак берарди. Аврангзебнинг узоқни кўра олмаган сиёсати унинг ворислари учун жуда ќимматта тушди. Аврангзеб ћаётлиги пайтидаёк маратхлар, ражпутлар, жотлар ва сикълар бош кўтариб чиқадилар. Бир ќанча мусулмон ва ћинду ноиблари бобурийлар сулоласининг ҳаробалари узра ўз давлатларини вужудга келтирдилар. Феъл-автори ниҳоятда турфа, зиддиятли бўлган бу шахснинг исми аслида Муҳиддин Муҳаммад бўлган. У кейинчалик ўз исми ёнига “Оlamgir” (оламни забт этувчи) ва “Аврангзеб” (тахт безаги) деган сўзларни кўшган. Аврангзеб ёшлигиданоқ ћарбий ишларга ќизиќанидан жанг ќилиш, ќурол ишлатиш маћоратини эгаллади, араб, форс ва ћинд тилларини пухта ўрганди. У ниҳоятда тиришкóк, сергайрат, шу билан бирга ўта ќайсар, жангари, мутаассиб одам бўлган.

Аврангзеб сиёсати катта бобоси Акбаршоћнинг ички ва ташки сиёсатига мутлақо ќарама-карши эди. Унинг “кофирлар мамлакати” бўлмиш Ўинди斯顿ни “мусулмонлар мамлакати”га айлантиришни асосий шиор ќилиб олганди. Мажбурий исломлаштириш сиёсати халқда ќаттиқ норозиликлар туғилишига, исёнлар юз беришига сабаб бўлди. Натижада бобурийлар давлатининг мустаћкам ќалъаси айнан шу даврдан бошлаб емирила бошлади.

Аврангзеб зарб ќилинган танга пулларга Қуръон каримдан оятлар битиши, Наврӯз байрамини нишонлашни ман ќилди. Саройдаги хонандалару созандаларни, раќкосаларни тарқатиб ўборди, ўйин-кулгуларга чек кўйди.

Аврангзеб нисбатан кўп яшади (88 йил) ва узоқ, деярли 50 йил ћукмронлик ќилди. Ҷаётининг асосий ќисми жанг жадаллар, исёнларни бостириш ва бошқа ташвишлар билан ўтди. Айникса, умри охирларида унга ќарши бош кўтаришлар кўп бўлди.

Шоћнинг тахти ҳам, умри ҳам, хонадони ҳам таназзулга юз тутди. Чеки йўқ курашларда, юришларда толиќкан, маћаллий

халқлар – ғиндуларнинг ғалаёнларидан чарчаган Аврангзеб 1707 йил март ойида вафот этди.

## **Бобурийлар салтанатининг таназзули**

Аврангзеб вафотидан сўнг унинг уч ўғли ўртасидаги тахт учун кураш тўнгич ўғли Муаззам ғалабаси билан тугайди ва у 1707 йил Деълида Баҳодиршоҳ номи билан тахтга ўтиради һамда 1712 йилгача давлатни бошқаради. У тарихга Баҳодиршоҳ I номи билан кирди. Унинг ғукмронлиги даврида Панжобдаги сикхлар һаракати авж олди ва Баҳодиршоҳ уларга қарши курашни давом эттириди.

Сикхларнинг дини – сикхихм ғиндуйзм мазҳабларидан бири XVI аср бошида Ғиндистоннинг шимолий-ғарбий қисмида пайдо бўлади. Бу мазҳаб ғиндуйзмга хилоф бўлиб, унинг баъзи таълимотларини инкор этган эди. Сикхларнинг дастлабки раҳбари Нанак (1469–1539) барча табакаларнинг тенглиги ғоясини тарғиб этган, умуман барча инсонлар Худо олдида тенгдирлар, деган ақидани ташвиқ қилган. Шунингдек, у ғиндуда мусулмон дин пешволарининг сущистъмолчилик, таъмагирлик фаолиятларини қоралаган эди. Сикхизм пайдо бўлишиданоқ Ғиндистондаги бошқа мазҳаблардан ўзининг мустаҳкам ташкилоти, қаттиқ интизоми, ўз устози – гуруга сўзсиз итоат этиши билан ажralиб турарди. Сикх раҳбарлари жамоа-халсадаги мураккаб ва оғир расм-русумларни бекор қилдилар, тарки дунёчилик (аскетизм)ни рад этдилар. Сикхлар яшаш жойларига кўра бир нечта ғудудий округларга бўлинди. Уларни идора қилиш учун гурунинг вакиллари (масандалар) қийинланди. Учинчи гуру Амар Дас (1552–1574) гуру ғокимиятини ворисийга айлантириди ва сикх руҳоний ғукмдорлари сулоласига асос солди. Бешинчи гуру Аржуна (1581–1606) сикхларнинг муқаддас китоби Адигрантхни тузди. Бу китоб гурунинг илоҳийлигини таъкидлаб, сикхлар устидан ғокимиятини янада кучайтириди.

Халса жамоат аъзолари учун маҳсус кийим-бошлар, мусулмон ва ғиндулардан ажратиб турувчи лиbosлар жорий қилинган. Улар аввало ханжар солинган сув билан ювинганлар, сўнг маҳсус кийим-бош кийганлар. Ҷар бир сикхнинг исми-шарифи ёнига “Сикх” (маъноси “шеръ”) қўшимчаси қўйиб айтилган. Шу-  
68

нингдек, сикхлар албатта ханжар, билагузук тақишилари һамда тароқ олиб юришлари шарт бўлган. Сикхларга тароқ узун сочларини тараш, ханжар эса ўзини һимоя қилиш учун керак эди.

XVII асрга келиб сикхлар һаракатида ўзгаришилар юз берди. Гуруларнинг ўзлари мол-дунё бойлик ортира бошладилар. Гуру мутлак һоким бўлишга, ўзини диний доғий даражасига кўтаришга интилди. Дин пешволари орасидан катта мол-мулкка эга бўлган феодаллар етишиб чиқди. Сикхизм ичидаги бундай ўзгаришилар натижасида аҳоли ўртасида бобурийлардан һам, маҳаллий феодаллардан һам норозилик кучайди. Халқ оммасининг зулм-истибододга қарши кайфияти сикх раҳбарларини чўчитиб қўйди. Улар халқ кайфияти билан һисоблашиб, бошқача сиёсат юргиза бошладилар. Сикхларнинг ўнинчи устози бўлмиш Говинд Сингх (1675–1708) ўзининг барча имтиёзларидан воз кечиб сикхларни мусулмон ва сикх феодалларига қарши курашга чақирди. У барча һокимиётни халса аталмиш сикх жамоаларига топширди. Бу жамоаларда һамма табақалар тенг һисобланган ва шунга ўхшаш қатор демократик қонун-коидалар жорий қилинган. Жамоаларга деҳқонлар, һунармандлар ва бошқа камбағал табақалар уюшган.

Гуру Говинд Сингх 1699 йил сикхларнинг умумий йиғини (съезд)ни чақириб, унда сикхларнинг доимо қуролланган ва курашга тайёр туриши лозимлигини таъкидлайди. Говинд Сингх даврида сикх жамоасига барча дин вакиллари, жумладан, мусулмонлар учун һам йўл очиқ эканлиги эълон қилинди. Шу асосда, Панжоб халқларининг маҳаллий феодалларга ва бобурийларга қарши кураш ғояси байроғига айланди. XVIII аср бошида сикхлар қўзғолони бошланди.

Сикхлар раҳбари Банда бобурийлардан норози бўлган һиндуларни ўз атрофига тўплаб, 70 минг кўшин билан Сирғинд ва Сахаранпурни вилоятларини забт этиб, Лоҳурни қамал қиласди. Сикхлар кўп ўлжаларни кўлга киритишади. Сикхларнинг ғалабаларидан саросимага тушган бобурийлар салтанати һамда һукмрон һинд ва мусулмон феодаллари ўзаро бирлашиб, Банда армиясига қарши куч тўплайдилар. Икки ўртада бўлган шиддатли жангларда сикхлар енгилади. Банда асир олиниб, қатл этила-

ди. Гарчанд сикхлар енгилса-да, уларнинг кўзғолонлари бобурийлар салтанати инқирозини тезлаштириб юборди.

Баҳодиршоҳ I вафотидан сўнг унинг тўрт ўғли шртасида тахт учун қуаш бошланди. Шоҳнинг истеъдодсиз тўнгич ўғли Жаҳондоршоҳ учта укаларини турли йўллар билан ўлдириб, тахтни эгаллади. Аммо бир йилга етмай жияни, яъни укасининг ўғли Фарруҳ Сиёр уни тахтдан қулатиб, зинданда қийнаб ўлдиради ва ўзи тахтни эгаллади (1713-1719).

1713 йилда Баҳодиршоҳнинг набираси Рафиудоро тахтга ўтиради, Фарруҳ Сиёр эса қатл этилади. Янги подшоҳ касаллиги туфайли ўша йили қазо қиласди.

1719 йил септемврида Баҳодиршоҳнинг набираси Равшан Ахтар тахтга ўтиради. У кейинчалик ўзини Муҳаммадшоҳ деб атайди. Муҳаммадшоҳ иродасиз, майшатга берилган бепарво одам бўлиб, бобурийлар салтанатининг аввалги обрў-эътиборини, шунингдек қўшинининг илгариги жанговарлик салоҳиятини қайтадан тиклашга қодир эмас эди. Кечаётган воќеалар жараёнига тамоман бефарқ қарап, империяни ҳалокатдан қутқариб қолиш борасида деярли һеч қандай чора-тадбир кўрмас эди. Унинг қарийб ўттиз йиллик (1719-1748) ҳукмронлик даврида ўзининг буюк аждодларининг эришган барча шон-шуҳратлари бирин-кетин қўлдан кета бошлади. Бобур асос солган қудратли давлат эндилиқда кучсиз ва ўзини-ўзи бошқара олмайдиган тизимга айланиб қолаётган эди.

Умуман Аврангзеб вафотидан сўнг бобурийлар салтанатининг таназзули тезлашиб кетди. Бунинг маълум сабаблари мавжуд эди, албатта. Аврангзеб давлат ҳудудини кенгайтириш учун мамлакатнинг марказий ва жанубий қисмида бўлган тўхтовсиз урушлар меҳнаткаш халқ аћволини анча оѓирлаштириб қўйган эди. Айни́са, дећонлар ва ҳунармандларнинг қашшоќ аћволга тушиб қолганлиги, амалдор ва катта ер эгалари учун қўшинни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш оѓирлашиб бораётганлиги, халқнинг жойларда исён кўтараётганликлари икки аср-га яқин ҳукм суриб келаётган қудратли ва шон-шуҳратли бобурийлар давлатини кучсизланишига ва емирилишига олиб келди. Бу тарихий жараён эса Ҳиндистон ярим оролидаги сиёсий ва иктиносидий аћволга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Айни́кса, Аврангзебнинг бобурийлар давлати Ҳудудини кенгайтириш учун тўхтовсиз олиб борган курашлари мамлакат жа-нуби ва шимолида жиддий қаршиликларга учради. Чунки бу ҳарбий юришлар катта маблағ сарф қилишга мажбур қиларди. Қўшин сони кўпайиб, улар босиб ўтган ерларини талон-тарож ва пайхон қилиб кетардилар. Оқибатда ўша ерларда очарчилик бошланарди. Ниҳоят, Аврангзеб томонидан ғайри динларга мансуб бўлган аҳолига ва биринчи галда ҳиндуларга қарши қаратилган сиёsat халқнинг сабр-косасини тўлдирди. Бундай бебошликларга қарши мамлакатнинг деярли барча вилоятларида бобурийлар ҳукмронлигига қарши катта-кичик халқлар, рожалар кўзғалдилар. Булардан энг кучлиси ва хавфлиси маратх халқи бўлган. Мамлакатнинг ғарбий қисмида жойлашган бу халқнинг ватани – Махараشتра ҳам Аврангзеб қўли остида эди. Маратх халқининг бобурийлар ҳукмронлигига қарши курашига жасур Шивавжи бошлиқлик қилиб, 1674 йили мустақил Маратх миллий давлатини бунёд этади. 1765 йилда унинг шимолий қисмидаги Панжоб вилоятида сикхлар давлати ташкил топади. Сикхлар Панжоб вилоятининг катта қисмида жойлашган бўлиб, кучли миллий қўшин ҳам ташкил этадилар ва бобурийлар қўшинига оғир зарбалар бера бошлайдилар.

Аврангзеб вафотиданг сўнг унинг ўғиллари орасида таҳт учун курашнинг авж олиши, яқин ва узоқ вилоятларни империядан ажралиб, мустақил бўлиб кетиши марказий ҳокимият кучини янада заифлаштириди. Бобурийлар салтанатида рўй берадиган бу ички курашлар чет эл босқинчилари учун қулай шароит яратди.

1739 йил февралялида Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Ҳиндистонга юриш қиласи. У бир зарба билан Ҳайбар довонини муҳофаза қилаётган Ҳинд қўшинларини тор-мор қиласи ва Деҳли шаҳрига кириб келади. Ҳиндистон пойтахтидаги масжидларда ўзининг номига хутба ўқитиб, ўз номидан пул зарб қилдиради. Нодиршоҳ 700 миллион рупийга тенг ўлжани қўлга киритади. Ўлжалар ичига Бобуршоҳ томонидан ўғли Ҳумоюншоҳга ҳада қилинган дунёдаги энг иирик олмослардан бири Кўхинур, шунингдек Шоҳ Жаҳоннинг машҳур қиймати 10 миллион рупийга тенг бўлган “Товус тахти” ҳам бор эди. Муҳаммадшоҳ битимга мувофиқ Ҳинд дарёсининг шимоли-ғарбий қисмидаги ерларни

Нодиршоҳга беради. Деҳли ҳукумати Афғонистондан маҳрум бўлади. Бунинг устига бобурийларга қарашли Лоҳур ҳукмдори Нодиршоҳ ҳар йили 2 миллион рупий юбориб туриш мажбуриятини олади.

Нодиршоҳнинг Ҳиндистон сари уюштирган ҳужуми бобурийлар салтанатини ҳалокат гирдобига яқинлаштириб қўйган эди.

Ҳиндистонда Муҳаммадшоҳдан сўнг унинг ўғли Аҳмадшоҳ таҳтга ўтириб, олти йил (1748–1754) ҳукм суради. Ундан сўнг Баҳодиршоҳнинг невараси, яъни Жаҳонгиршоҳнинг ўғли Оламгир II беш йил (1754–1759) ҳукмронлик қиласди. Унинг ўғли Олам II 47 йил (1759–1806) тождорлик қиласди. У номигагина подшоҳ эди.

Шоҳ Олам II Ҳиндистон таҳтини душмандан сақлаб қоладиган ғайратли, шижаотли ҳукмдор эмас эди. Бинобарин, унинг салтанати даврида мамлакатнинг ҳамма вилоятларида мустақил ва ярим мустақил хонликлар вужудга келиб, улар марказий ҳокимиятни тобора сиқиб қўйган эдилар. Бунинг устига Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий қисми Калькуттада мустаҳкам ўрнашган инглизлар, маҳаллий ҳукмдорларни зимдан бирбирига гиж-гижлаш ва ҳар хил хийла ҳамда сотиб олишлар билан ўз таъсир доираларини кенгайтириб, шимол томонга силжимоёда эдилар. Оз вақт ўтмасдан Нодиршоҳнинг саркардаридан бири, мустақил Афғонистон давлатига асос солган Аҳмадшоҳ Дурроний Ҳиндистонга юриш бошлайди.

Нодиршоҳнинг Ҳиндистонга юришида қатнашган Аҳмадшоҳ Дурроний бу давлатни ниҳоятда заифлашганлигини ҳис қиласди. Аҳмадшоҳ Лоҳурни эгаллаб ҳамон вайронга ва харобалардан иборат бўлган Деҳлига юради. Нодиршоҳдан кейин қолган ҳаёт аломатлари ҳам йўқ қилингандан сўнг Аҳмадшоҳ Аграга қўшин тортади. Лекин қамал вақтида вабо касали тарқалиб, Аҳмадшоҳ 1757 йили Афғонистонга қайтади. Унинг қайтишидан аввал Оламгир II салтанатини исёнчилардан ҳимоя қилиш учун афғон хукмдоридан ёрдам сўрайди. Аҳмадшоҳ Оламгирга озгина Нажибуддавла қўмондонлигидаги қўшинни ташлаб кетади. Улар Деҳлида ўзаро урушлар гирдобида ғарқ бўлай деб турганда инглизлар шарқда, Бенгалияда шу вилоят навоби Сиро-

жуддавла билан жанг қилиб, уни мағлубиятга учратишади ва Бенгалияни тўла-тўқис ўзларига бўйсундиришади.

Аҳмадшоҳ Афғонистонга қайтганда Нажибуддавлани ўз ноиби этиб тайинлайди. Аммо маратхларни тазиикӣ остида Нажибуддавлаҳ билан Оламгир II мамлакатдан қочишади.

Ҳиндистоннинг аксарият һудуди маратхлар ҳукми остига ўтди. Аҳмадшоҳ иккинчи марта Ҳиндистонга юриш қилди. У Деълида тўхтамайди, чунки маратхлар бу шаҳарни харобага айлантириб, ўзлари Жамна ва Ганга дарёлари воҳаси – Дубога ўрнашиб олишганди. Бунга қадар маратхлар ва афғонлар орасида бир неча тўқнашувлар бўлиб, жангларда минглаб одамлар нобуд бўлган эди.

Бу воќеалар 1760 йил арафасида бўлиб ўтди. Аҳмадшоҳнинг Ҳиндистонга юриши ҳакидаги хабар жанубга – маратхлар йўлбошчиси Балажи Бажи Rao (1740–1761)га этиб келгандан сўнг у уч юз мингга яқин лакар тўплайди. Бу кўшинда филлар ва отлик суворийлардан ташқари кучли тўплар ҳам бор эди.

Бу тўпларга Иброҳимхон бошчилик қилган. У бу илмни французлардан ўрганган эди. Замбараклар бўлинмасида ўн икки мингтacha одам ва икки юз тўп бор эди. Ана шу даҳшатга солувчи кўшин Аҳмадшоҳга қарши юриш бошлайди. Амадшоҳнинг кўшинида эса бор-йўғи қирқ минг аскар ва қирқта тўп бор эди.

Маратхлар Деъли яқинидаги машҳур Панипат майдонига этиб келишади. 1761 йилнинг январида кўшинлар тўқнашади. Аввалида маратхлар замбараклари Аҳмадшоҳ кўшинларини шиддатли ўққа тутади.

Аҳмадшоҳ чекинади, аммо замбарак ўқи остида жуда катта жанг тажрибасини орттирган афғон ҳарбий қисмлари қўйкисдан маратхларга қарши ҳужумга ўтишади. Эсанкираган маратхлар 200 мингга яқин талафот қўриб, мағлубиятга учрайдилар. Тарихчиларнинг ёзиича, маратх лашкарбошилари ўртасида бирлиқ, яқдиллик бўлмаган, уларнинг ичидаги айрим хоинлар ўз ишини қилган. Бунинг устига маратхлар йўлбошчисининг саркардалик салоҳияти паст эди. Шундай қилиб, Шимолий Ҳиндистондаги катта жангда афғонларларнинг қўли баланд келади. Панипат майдонида маратх кўшинларининг аксарияти ҳалок бўлади.

Бу жангда һар бир маратх оиласи ўзининг энг яқин кишиси – эри, ўғли, укаси ёки акасидан жудо бўлди. Маратхлар учун бу миллий фожеа эди. Алам доғига чидай олмаган Балажи Бажи Рао бир неча ойдан сўнг жон таслим қилади.

Бу пайтда бобурий подшоҳ Олам II нинг (1759–1806) ҳукмдор сифатида ћеч ќандай нуфузи ќолмаган эди. Инглизлар унга ойига тўқсон минг рупий маош белгилашиб, эвазига давлатни идора этишни ўз ќўлларига олишди. Шоҳ Олам II 1806 йилда вафот этгандан сўнг, унинг ўрнига ўғли Акбар II (1806–1837) тахтга ўтиради. Энди сулола аввалги шон-шуҳратини йўқотган, ћатто кейинги йилларда сиёсий ћукмронликни ћам ќўлдан бой берган эди.

Акбар II ћам ўз умрининг охиригача инглизлар ќўлида ќўғирчоқ бўлиб, улардан нафаќа олиб яшади. У 1837 йилда вафот этади. Унинг ўрнига ўғли Сирожиддин Зафар Баҳодиршоҳ II тахтга чиқади.

Баҳодиршоҳ II ћам инглизлар нафаќаси ћисобига кун кечиради. Унинг даврида Ҷиндистон бутунлай мустакил ва ярим мустакил хонликларга бўлиниб кетган, уларнинг қўпчилиги инглизлар ќўлига ўтган эди. Ҷатто Баҳодиршоҳ II нинг Деълидаги ўз саройидан ташқарига ћукми ўтмас эди.

Мамлакатнинг майда бўлакларга бўлиниб кетиши ва инглизлар истибоди кучайиши натижасида ижтимоий, иктиносиди ва маданий аћвол янада пасайиб кетади. Оқибатда мамлакатда 1844, 1849, 1850 ва 1852 йилларда ќўзғолонлар бўлиб ўтади. 1857 йилда эса тарихда машҳур сипоћийлар ќўзғолони бошланади.

## **Сипоћийлар ќўзғолони (1857–1859)**

Ќўзғолоннинг асосий ћарбий ядроси армия бўлгани боис уни сипоћий ќўзғолони деб аташади. Унда мамлакатнинг турли табакаларига мансуб аћоли – деъқонлар, ћунарманделар ва феодаллар иштирок этадилар. Инглиз мустамлакачилари Ҷиндистонни забт этгандан кейин маћкам ўрнашиб олиш учун армияга маћаллий аћолини жалб ќила бошлайдилар. Сипоћийлар деб аталмиш ћинд аскарлари ћиндулар, мусулмонлар ва сикхлардан иборат эди. Инглиз босқини натижасида мамлакат иктисади ин-

ќирозга учраган, ќишлоќ ва шаћарларда тирикчилик нићоят даражада оѓирлашган бир пайтда ёшлар армиядан паноћ топгандар. Армия уларни моддий жићатдан нисбатан дурустроќ таъминлаган. Сипоћийлар армиясининг асосий вазифаси мустамлакачиларнинг манфаатларини кўриќлаш, шунингдек халќ ћаракатини бостиришдан иборат бўлган. Сипоћийларга инглиз зобитлари бошчилик ќилганлар. Сипоћийларнинг ћеч ќандай ижтимоий ва сиёсий ћуќуќлари бўлмаган. Мустамлакачиларнинг шафќатсиз зўравонлик буйруќларини бажарган сипоћийларнинг бора-бора кўзи очилиб эркпарварлик туйѓуси уйѓона бошлади. Мустамлакачилар сипоћийлардан кўшни мамлакатлар Эрон, Афғонистон, Бирма (Мянма), Хитойга ќарши юришларда ћам фойдаланар эдилар. Бундай ћарбий юришларда кўп ћинд аскарлари ћалок бўлганидан сипоћийлар жуда норози эдилар. Инглизлар сипоћийларни моддий, маънавий жићатдан камситардилар. Сипоћийнинг маоши инглиз солдатининг маошидан жуда кам эди. Сипоћий бир неча ўн йил давомида ћарбий хизматни ўтаса-да, у рагбатлантирилмасди, унга ћарбий унвон ћам берилмасди. Кўпинча сочига оќ ўраган ћинд сипоћийси энди ћарбий хизматга ќадам кўйган инглиз ўспиринининг буйруғини бажаришга мажбур эди.

Инглиз зобитлари сипоћийларни менсимас, арзимаган баћона билан уларни қаттиќ жазолардилар. Буларнинг барчаси сипоћийларнинг сабр косасини тўлдира бошлади. Маълумки, ћиндулар сигирни муќаддас деб билиб, унинг гўштини истеъмол ќилмас, мусулмонлар учун чўчка ћаромдир. Маълум бўлишича сипоћийлар ишлатадиган милтиќ ўќлари сигир ва чўчка ёғи билан мойланар экан. Бу эса кўзғолон чиќишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Сипоћийларнинг дастлабки чиќиши 1857 йил 10 майда Мирут шаћрида бошланди. Қўзғолонни шаћарнинг барча аћолиси кўллаб-ќувватлади. Қўзғолончилар шаћардаги инглиз гарнizonини тор-мор ќилгач, бобурийлар пойтахти Дећлига ќараб юрдилар. Улар бобурийлар сулоласининг сўнги подшоси Баћодиршоћ II ни кўзғолонга раћбарлик ќилишга чаќирдилар. Баћодиршоћ II Ћиндистон подшоси ћисобланса-да, унинг ћеч ќандай ћуќуќлари йўќ бўлиб, фаќат инглизлар нафаќасига яшарди. У

сипоһийлар талабига күнгач, уни Ҷиндистон императори деб эълон қиладилар ва барча һинд халқини қўзғолонга қўшилишларида даъват этадилар. Инглиз мустамлакачилари га қарши барча мусулмонлар ва һиндулар қўтарилишди. Инглизларнинг улар ўртасида диний адоват қўзғашга уринишлари барбод бўлди. Деғлида Баҳодиршоҳ II һукумати билан бирга сипоһийлар ва шаһарликлардан иборат маъмурӣ Кенгаш – жалса тузилди. Унда мустақиллик учун содик курашчи Бахтхон һам иштирок этди. Баҳодиршоҳ II томонидан Деғли қўшинларига бошчилик қилишга тайинланган шаһзода Мирзо Мўгулни уқувсизлигини кўрган Бахтхон һарбий раҳбарликни ўз қўлига олади. Деғлини қўзғолончилар қўлига ўтгани һақидаги хабар барча вилоят ва шаһарларга етиб борди ва у ерларда һам халқ қўзғолонлари аланга олди. Қўзғолон айниқса Марказий Ҷиндистон һудудларида авжига чиқди. Қўзғолончилар инглизларга тегишли һукумат идораларини тор-мор қилишди, судхўрлар қўлидаги қарзлар һақида тилхатларни йўқ қилишди, қишлоқлардан инглиз гумашталари – заминдорларни һайдашди. Бу курашда Деғлидан ташқари қўзғолоннинг яна икки маркази (Канпур ва Лакхнау) вужудга келди. Канпурдаги қўзғолонга Нана Соҳиб, Ауд вилоятида эса Мавлавий Аҳмадшоҳ раҳбарлик қилди. Аммо Деғли, Канпур ва Лакхнаудаги қўзғолончилар катта қийинчиликларга дуч келдилар: қўшинларга тўланадиган маош етишмай, һарбий анжом-аслаһалар, озиқ-овқат камчил эди. Деғлида умр гузаронлик қилаётган Баҳодиршоҳ II 80 ёшдан ошиб қариб қолган, унинг устига бутун умрини, ярим маҳбусликда ўтказган, хокимият ишларидан анча йироқ эди. У сипоһийлар һаракатига ишонмас ва ўз фойдасини кўзларди. Қўзғолоннинг дастлабки кунлариданоқ у һокимият ишларига яроқсиз эканлигини кўрсатиб қўйган эди. Қўзғолончилар орасидаги баъзи келишмовчиликлар, стратегия ва тактика соҳасидаги хатолар, армиядаги иқтисодий муаммолар сипоһийлар һаракатини сусайтирди. Айрим сипоһий қўшинлари Деғлини тарк эта бошладилар. Мустамлакачилар жуда катта қуролли куч тўплаб, пойтахтга һужум қилдилар ва беш кунлик шиддатли жанглардан сўнг 19 сентябрда Деғлини эгалладилар. Улар асир олинган сипоһийларни һамда тинч аҳолини қирғин қила бошладилар, қўлга тушган

одамларни қамадилар, осдилар, отдилар. Қатл этилган ва отилғанлар орасида бегуноң халқ билан бирга йирик ер эгалари ва қишлоқ ћокимлари ћам бор эди.

Боћодиршоң II ўз оиласи билан инглизларга таслим бўлди, суд ќилиниб, Рангун (Мьянма)га бадарға ќилинди ва 1862 йил сургунда вафот этди. Унинг ўйиллари – Мўғул Мирзо, Тизр Султон Мирзо, невараси Абу Бакр Мирзони Дећлига олиб кетаётган инглиз зобити Хадсон йўлда бирин-кетин отиб ташлайди. Қўзғолоннинг иккинчи маркази Канпурда тузилган ћукуматга Азимуллахон раћнамолик ќилди. Бу ерда бошқариш тизими, ќўшин ва аћолини керакли қурол-анжомлар ва озиқ-овқат билан таъминлаш нисбатан яхши йўлга қўйилди. Аммо қўзғолоннинг уччала маркази ћаракат бошланишидаёк ютуқларни мустаћкамлаб, ћужумкорлик суръатини кучайтириш ўрнига мудофаа тактикасини ќўлладилар. Натижада ћаракатлардаги ташаббус инглиз ќўлига ўтди. Лакхнауга ќарши инглизларнинг юз минг кишилиқ армияси ташланди. Унинг мудофаасига Мавлавий Аћмад шоћ бошчилик ќилади. 1858 йил 19 марта инглизлар шаћарни эгалладилар. Бу ерда ћам мустамлакачилар оммавий ќирғинбарот ўтказадилар. Шундан сўнг сипоћийлар қўзғолони партизанлар ћаракати палласига ўтди. Айниқса, Марказий Ћиндистонда партизанлар ћаракатининг йўлбошчиси Тантия Топи инглизларни ваћимага солиб қўйди. У Жханси хонлигининг ћукмдори бўлмиш Лакшми бай билан ћамкорликда инглиз армиясига бир неча бор кучли зарбалар берди. Лакшми бай ћоким озодлик ва мустаќиллик курашининг тарихида номи ќолган аёлдир. У эркаклар кийимида душман билан мардона олишди. Ватан мустаќиллиги учун жон фидо этди.

1858 йил 1 ноябрда Англия ќироличаси Викториянинг сипоћийлар қўзғолонида ќатнашган феодалларни кечиргани ва уларнинг мол-мулки, ерини ўзларида ќолдириш ћаќида фармон эълон ќилди. Натижада қўзғолонда иштирок этган феодаллар курашни тўхтатдилар. Партизанлар ћаракати ћам катта қуролли куч билан бостирилди. Соткин ћукмдорлар ва феодаллар партизанлар ћаракатини бостиришда инглизларга ёрдам бердилар. Соткинлардан бири Мавлавий Аћмадшоћни 50 минг рупийга

пуллади, иккинчиси эса Тантия Топини мустамлакачиларга тутиб берди. Уларнинг иккаласи ҳам қатл этилди.

Сипоғийлар қўзғолони мағлубиятининг асосий сабаблари қўйидагилардан иборатdir:

1) Қўзғолон қатнашчиларининг тор доирасидаги шахсий манфаатлари барча аҳолини мустаҳкам ягона ташкилотта бирлаштира олмади. Қўзғолончиларнинг аксарияти жамоа деҳқонлари бўлиб, улар солиқлардан озод бўлишни, ўз ерларининг ҳақиқий эгалари бўлишни хоћлардилар. Қўзғолонга қўшилган ҳунармандларнинг ҳам ўз манфаатлари бор эди. Сипоғийлар томонида бўлган феодаллар эса ўз сиёсий-иктисодий мавқеларини мустаҳкамлашни, ўз ер-мулк, бойликларини сақлаб қолишни истардилар.

2) Қўзғолон рађбариятининг аниқ дастури, пишиқ ва пухта ишланган ҳарбий-стратегик режаси йўқ эди. Қўзғолон рађбарияти ичида жасур лашкарбошилар бўлса-да, уларнинг ҳарбий билими, тажрибаси инглизларнидан паст эди. Қўзғолончилар Деҳли, Канпур ва Лакхнауни эгаллаганларидан сўнг бу ютуқдан фойдаланиб, ҳужумни янада кучайтириш ўрнига мудофаа қилишга ўтиб олдилар. Ҳарбий санъат сирларини яхши ўрганган ва сипоғийлар қўзғолонини синчилкаб кузатиб турган Ф. Энгельснинг ёзишича “урушда фаќат мудофаа тактикасини қўллаш ҳалокатга олиб келарди”. Сипоғийларнинг ҳам жанговар тайёргарлиги, ҳарбий маҳорати инглиз аскарларига нисбатан орқада эди. Бундан ташқари инглиз солдатларининг ҳарбий интизоми юқори даражада бўлиб, улар сифатли, замонавий қурол-яроғлар билан қуролланган эдилар.

3) Сипоғийлар рађбарияти ичида ҳаракатга қўшилган ҳукмрон табакалар орасида келишмовчиликлар содир бўлди. Уларнинг маълум қисми сотқинлик қилди. Улар умумхалқ озодлик ҳаракати феодалларини янчидан ташлайди, ҳокимият камбағал қашшоқлар қўлига ўтиб кетади, деб чўчилилар.

4) Қўзғолон кўтарган барча вилоятлар, шаћарлар, округлар ўзаро бирлашмадилар. Сипоғийлар қўзғолонида инглиз мустамлакачиларининг ҳар томонлама қўли баланд келди. Улар иктисодий, сиёсий-ижтимоий ва ҳарбий жиҳатдан ҳинд қўшинларидан устунлиги сабабли қўзғолончилар мағлубиятга учрадилар.

Мана шу билан Ҳиндистонда 332 йил хукм сурган бобурийлар сулоласи тутатилди. Бироқ 1858 йилги қирғин чоғида бобу-

рийлар сулоласининг сўнгти ћукмдори Баћодиршоћ II нинг кенжা ўғли беш ёшли Мирзо Қуёш мўъжиза юз бериб, ќирғиндан омон қолади. Међр-шафқатли кишилар Мирзо Қуёшни ишончли жойга олиб кетиб, инглизлардан яшириб, ћатто номини ћам ўзгартириб тарбиялайдилар. Нићоят, Мирзо Қуёш балоѓатга етгач, уни уйлантирадилар. Мазкур Мирзо Қуёшдан вужудга келган фарзандлар, Бобур Мирзо авлодининг давомчилари бўлиб, ћозирги кунда бу авлоднинг вакиллари Џиндистоннинг Џайдар обод шаћрида яшамоќдалар.

Ҷинд халки озодлик ва мустаќиллик курашини ћеч тўхтатмади, янгича йўллар, янгича усуллар билан курашни давом эттириди ва 1947 йил 15 августда нићоят миллий мустаќилликка эришди.

## Ўрта асрларда Џиндистон маданияти. Диний тафаккур

Ўрта асрлардаги ћиндларнинг дунёкараши, маънавияти уларнинг диний эътиқодларида ћам намоён бўлди. Џиндистонда дин алоћида аћамият касб этди. Мамлакатда буддизм (буддавийлик) динининг мавкеи анча сусайиб, ћиндуизмнинг нуфузи ортди.

Ҷиндистонда жуда кўп мазћаб ва йўналишлар мавжуд. Ҷиндуизм ақидаларига биноан инсон рући ћамиша барћаёт, у ћеч ќачон ўлмайди. Лекин инсон бу оламдан ўтганидан сўнг, унинг рући бошќа одамнинг жисмига ўтади. Агар ўлган инсон тириклик чоѓида яхши амаллар ва фазилатларга эга бўлган бўлса, ке-йинги тугилишида унинг маќоми юкори бўлади ва, аксинча, у одам ћаётлиги пайтидаги хулк-авторида салбий томонлар устунлик ќилган, ёмон ва нопок ишларга кўл урган бўлса, у ќайта тугилганда “хазар ќилингандар” ћолига ва ћатто жирканч ћайвон кўринишига тушиб ќолиши мумкин.

Ҷиндуизмда сигир муќаддас жонзот ћисобланганлиги сабабли ћиндулар унга сиѓинишади. Барча ћиндуларда айrim ћайвонларни ќурбонликка келтириш фарз бўлган. Аћолининг аксарияти хушбўй нарсаларни ва гулларни ўз маъбудлари шарафига хайр-эћсон ќилишган. Ҷиндуларнинг барчаси имкон даражасида эћромларга ва брахманларга назр-ниёзлар келтиришган, диний расм-русумларни адо этишган. Айникса, Вишну ва Шива маъбудларига сиѓиниш кенг тус олган.

VI–X асрларда Ўиндишоннинг соҳил бўйларида, асосан порт шаһарларида жайнизм дини ўз кучини сақлаб қолди ва ривож топди. VII асрда Айхолида жайнларнинг ибодатхонаси қад кўтарди. Ўрта асрларда жайнизмга мансуб кўплаб ибодатхоналар, ҳайкаллар бунёд қилинди.

**Ўинид фалсафаси** диний тасаввурлар билан чамбарчас боғланган эди. Бу даврда фалсафий тафаккур мустақил фан сифатида ривож топди. Ўинид фалсафасининг олтида классик йўналиши тизими шаклланди. Булар – нъяя, вайшешика, санкхая, йога, миманса ва веданта эдилар. VII аср охири – IX аср бошларида Шанкара (788–820) томонидан вужудга келган адванта-веданта йўналиши кенг шуҳрат қозонди. Шанкара фақат файласуфигина бўлиб қолмай, дин ислоҳотчиси ҳам эди. XI асрда яшаган олим Раманужа веданта қоидаларини халқ тушунадиган даражада соддалаштириди ва сайқал берди. Унинг дунёқарашига кўра, худо дунёни модда, вақт ва жондан яратган. Олимнинг фикрича, модда киши онгидан ташқарида ва унга боғлик бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объектив реалликдир. Раманужа таълимотча, худо дунёни яратганда одамлар тақдирига лоқайд бўлмаган, балки ҳар бир инсоннинг истиқболини назарда тутади, ҳар бир одамнинг нола ва илтижоларига эътибор беради, лозим топса уларнинг қисматини яхши томонга ўзгартиради.

Ўрта асрларда Ўиндишонда аниқ фанлар ҳам ривож топди. Шу жумладан, математик, астрономия, тибиёт илмларида катта кашфиётлар қилинди. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига оид билимлар юксалди.

**Адабиёт.** VI–XVIII асрларда Ўиндишоннинг кўплаб ўлкаларида гарчи шоирларнинг аксарияти санскрит тилида ижод қилган бўлсада, маъаллий тилларди ҳам адабиёт равнақ топди. Жумладан, Бенгалия ҳукмдори Рамапала (1077–1199) саройида яшаган Сандхякара Нандинни “Рамачарита” достони санскрит тилида яратилган. Шунингдек, бенгал адиби Жаядева томонидан Кришна билан Радханинг севгисига бағишлиланган “Гитаговинда” асари катта шуҳрат қозонди.

XII–XIII асрларда санскрит тилида асосан назм – шеърий адабиёт билан бирга насрий асарлар ҳам вужудга келди. Чунончи Бонунинг икки севишган ёшнинг муҳаббатини куйловчи

“Кадамбари” асари ва Дандиннинг “Ўнта шаһзодаларнинг саргузаштлари” асрлари ҳамда VII–VIII асрларда Харибхаридра томонидан пракрит тилида ёзилган “Фиригарлар ҳакида қисса” шулар жумласидандир.

Шимолий Ҳиндиистондаги маъалмий тиллар орасида қаҳрамонлар ҳакида “Номалар” сирасига кирадиган янги жанр пайдо бўлди. Масалан, Чанда Бардоининг (1126–1196) ҳинди тилида яратилган “Притхвираж Расо” (“Притхвираж ҳакида баллада”) достонида рожа Притхвираж Чауханнинг истилочаларга қарши кураши мадҳ этилган.

**Меъморчилик.** Мамлакатда санъат, меъморчилик ва ҳайкалтарошлик ривож топди. VI–VIII асрларда Эллора, Элефант, кейинчалик Ажант деб ном олган улкан ғорларда баҳайбат эҳромлар қурилди. Уларнинг ички томони ҳайкаллар ва нақшлар билан безатилган. IX асрга келиб эҳромлар йўнилган тошлардан қурила бошланди.

Шимолий Ҳиндиистонда эҳромлар парабола, узунчоқ ва овал шаклда бунёд этилган бўлса, жанубда тўёри бурчакли пирамида шаклида қурилган. Эҳром деворига “Махабҳарат”, “Рамаяна” достонларининг қаҳрамонлари ёки маъбуллар расми чизилган ва ўйма нақшлар солинган. Айниқса, Жанубий Ҳиндиистонда санъатнинг бу тури анча равнақ топди.

### **Ҳиндиистонга ислом маданиятининг кириб келиши**

Ҳиндиистонда Деъли салтанати таркиб топиши билан бу ўлкага ислом дини, маданияти ва маърифати кириб келди. Ҳинду аћолисининг айрим қатламлари – бир қисми мажбуран, бошқалари маълум бир имтиёзлар эвазига ислом динини қабул қилишди. Айримлари эса жизя солиғидан озод бўлиш умидида, паст касталарга мансуб бўлганлар эса ўзининг аячнчли аћволида халос бўлиш илинжида бу динга эътиқод қила бошладилар. Мусулмон истилочилари билан бирга Ҳиндиистонга уларнинг қавм-қариндошлари, таниш-билишлари кўчиб келдилар, ҳинд сultonлари саройида мусулмон олиму уламолаи, фозилу фузалолари ва шоирлари маскан қурдилар. Натижада ҳинд диёрида мусулмон аћолиси пайдо бўлди, айрим вилоятларда, чунончи, Бенгалияда мусулмонлар аћолининг кўпчилигини ташкил қилган. Шундай

қилиб, Ўиндишонда асосан иккита дин – ислом ва Ўиндуизмга мансуб халқ истиқомат қила бошлади.

Деҳли салтанатининг сўнгги даврида Ўиндишоннинг аксари-ят ҳудудида мусулмонлар ҳукмрон синфни ташкил этдилар. Деҳли қўшинларининг кўплаб ҳарбий бошликлари ва аскарлари, но-иблар, шаһарлардаги амалдорлар мусулмонларни ташкил этган.

Ислом маданияти кириб келган Ўиндишонда қадимий ил-мий китобларни таржима қилиш авж олди. Баёддаги “Дорул Ҳикма”да Сиддхантанинг фалакиёт илмига бағишиланган “Синд-Ҳинд” асари, Браҳмагуптанинг математика соҳасидаги китобла-ри ва Бхаскаранинг “Литвари” ва “Биж Гамита” асарлари ҳамда Чарака ва Сушрута таржималари амалга оширилди. Тарихчи Ҳиндунос Б. Обидов таъкидлаганидек, “Бошқа ислом марказ-ларида тушкунлик юз бераётган бир пайтда Ўиндишон бутун дунё олимларининг диккатини ўзига тортди ва тараққиёт марка-зига айланди”<sup>1</sup>.

Ўиндишонда илм-фаннынг қандай ривожланганлигини сан-скрит, араб, форс тилларида ёзилган ўн мингдан зиёд қўллэзмалардан ҳам билса бўлади<sup>2</sup>. Бу ноёб қўллэзмалар фаннинг турли соҳаларига оид бўлиб, уларнинг ичидаги бир тилдан иккинчи тилга таржима қилинган асарлар ҳам кўп учрайди.

Бошқа томондан олганда, ислом маданиятлар ва динлар ўртасидаги муносабатларга янги шакл ва мазмун олиб кирди, яъни уларнинг синтезини яратди. Бу ҳодиса Ўиндишонда яшовчи халқларнинг турмуш тарзига, анъаналарига ва сўзлашувига таъ-сир қилди. Ислом руҳи инсонпарварлик принципиларини ва раҳм-шафқатни, ислом ахлоқ-одобини ҳаётга татбиқ қилди. Му-сулмонлар адолат, кечиримлилик, содиқлик, сабр-тоақт каби тамойил ва ғояларни сақлаб келдилар<sup>3</sup>.

Ўрта асрларда мусулмонлар орасидаги асосан ўша даврдаги Ўиндишонда мавжуд бўлган фалсафа, маданиятга оид илмий анъаналарни ўрганиб тушуниб олишга интилдилар. Ўз навбати-

<sup>1</sup> Обидов Б. Ўиндишонга ислом маданиятининг кириб келиши тарихидан.// Шарқшунослик. № 9, 1999.

<sup>2</sup> Rahman A. Indian Mulims, p.8.

<sup>3</sup> Обидов Б. Ўиндишонга ислом маданиятининг кириб келиши тарихидан // Шарқшунослик. 1999, №9. -Б.31.

да ислом маданияти таъсирида бўлган жойлардаги фалсафа, маданият шакллари, илм-фан ва технологияни шу ерга олиб киришга ҳаракат қилдилар. XIV асрда Ўиндишон исломни ўрганишнинг асосий марказларидан бирига айланди.

Исломнинг Ўиндишонга кириб келиши, ўз навбатида, мусулмонларга ҳам таъсир этди. Ўинду ғоялари, урф-одатларини мусулмонлар ҳаётга татбиқ қила бошладилар. Ўинд мусулмонлари маъаллий халқнинг каста тузумини, йога амалиётини қабул қилдилар, Ўиндуларнинг байрамларида иштирок эта бошладилар. Иккинчи томондан, мусулмонларнинг биродарлик ғоялари, ислом фалсафаси ҳам Ўиндуларга ўз таъсирини кўрсатди.

Ўиндуизм билан исломни ўзаро яқинлашувида айниқса бхакти таълимоти катта роль ўйнади.

Бхакти Ўиндуизм динининг алоҳида бир йўналиши бўлиб, Ўиндишондаги турли хил маданиятни яқинлаштириш, бирлаштириш вазифасини ўтади. У ўрта аср Ҳинд маданиятининг ёрқин ифодаси ҳисобланади. Бхакти ҳаракати мамлакатнинг жанубида пайдо бўлди. Унинг мөнияти ислоҳотчи файласуф Шанкара Чариянинг ижодида ўз аксини топди. Унинг мақсади бир томондан таназзулга юз тутаётган буддизмнинг ўрнига Ўиндуизмни тиклаш эди. У Ўиндуизмни кўпчилик халқ оммаси тушунадиган содда тилда ифодалашга интилди. Бхакти ҳаракати тахминан 1137 йилда вафот этган вишнуизм таълимотининг машҳур наимояндаси Раманужанинг издоши Рамананда номи билан боғлиқ. Рамананда XIV аср охирги чораги ва XV асрнинг I ярмида яшаб “жанубдаги ва шимолдаги бхакти ҳаракати ўртасида кўприк” ролини ўйнади<sup>1</sup>. Ўша давр диний муаммоларни ҳал этишда мураккаб кастачилик қонун-қоидаларини енгиллаштиришга улкан ҳисса кўшди. Бу жараён, шубҳасиз, мамлакатга кириб келган ислом динининг таъсири остида рўй берди. Бхакти таълимотида халқни, асосан савдогар-ҳунармандларнинг ҳукмрон синфга қарши кайфияти ўз ифодасини топди. Унга кўра, одамларнинг барчаси Худо олдида тенгдир. Табиийки, бхакти ҳаракатида кўпроқ Ўиндулар иштирок қилдилар, аммо бу йўналишни айрим кўзга кўринган намояндалари мусулмонлардан чиққан эди. Энг

<sup>1</sup> Синха Н.К., Банерджи А.Ч.. История Индии. – М., 1954. –С. 208.

мућими, бхакти тарѓиботчилари ўз ваъзларида һам һиндулар, һам мусулмонларга баб-баравар мурожаат қилдилар.

Бхакти һаракатига мусулмон һунарманд-тўқувчиси, шоир Кабир (1380–1414) катта таъсир кўрсатди. У “Худо һар бир одамнинг дилида бўлиб, ғайри динлар (яъни һиндулар – Т.Г.) билан муносабатда ғанимликда эмас, балки яқдилликда бўлиши лозим” деб таъкидлади. XV асрда Махараштранинг Пандхапур шаҳри бхакти һаратининг марказига айланди. Бу ерда келиб чи-киши һинду бўлган тўқувчи Намдев каста тузумини қоралади.

XVI аср бошида Гужорат, Панжоб, Синд вилоятларида кенг тарќалган сатпанатх (тўғри йўл) мазҳаби пайдо бўлди. Унинг тарафдорлари бойликни айблаб, међнатсеварлик ва покликка даъват қилдилар. Улар ижтимоий келиб чи-кишидан қатъи назар хоћлаган одамни ўз қаторларига қабул қиласдилар. Бу һаракатнинг асосчиси һинду Нанак (1469–1539) лођурлик дон сотувчи бўлган. Нанак каста тенгизлизигига қатъян қарши чиёди ва ўз сафдошларидан овқатни биргаликди танаввул қилишни талаб этди. Аскетизм ва тарки дунёчилик ғояларини рад этди, одамларни фаровонлигини ўйлаб, фаол һаётга даъват қилди. Шогирдлари ва ихлосмандлари нанакни “гурӯ”, яъни “устоз” деб эъзозладилар. Ниҳоят, Бенгалияда бхакти тарѓиботчиси Чайтаня (1486–1539) ўз сафига барча кастага мансуб кишиларни, шу жумладан, мусулмонларни һам тортди.

Ҳиндистанда энг таникли мусулмон жамоасидан бири чештия оқимиға мансуб бўлиб, унга кўзга кўринган дин арбоблари Низомиддин Авлиё, Насриддин Чироғ һамда Шайх Салим Чештий рађномалик қилдилар.

Мамлакатдаги эзилган һинду аћолиси учун ислом юқори касталарнинг жабр-зулмидан халос этувчи ва умид бағишловчи куч бўлиб хизмат қилди.

Ислом барчани биродарлик ва ўзаро тенгликка даъват этгани туфайли Ҳиндистанда катта муваффақият қозонди.

Ҳиндистандаги турли тилларнинг ривожланиши ва тараќкий этишига маћаллий һукмдорлар томонидан катта эътибор берилгани тарихий аћамиятга молик һодисадир. XV асрнинг иккинчи ярмида Бенгалияда ижод этган шоир ва ёзувчи Есаражнинг

“Кришна манла” асари ёки XVII асрда ижод қилган Аълоуннинг адабий фаолияти фикримизига далил бўла олади.

Мусулмон ёзувчилари ўзларига ҳиндуча номлар кўя бошладилар. Улар ўз асарларида ҳиндулар ҳаётига доир воќеаларни ёритдилар. Шу билан бирга бу ёзувчилар бенгал адабиётини ислом гојлари ва афсоналари билан бойитдилар. Панжобда маънлий тилни ривожлантиришди Ворис Шоҳ ва Ҷошим Шоҳ каби адилларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Худди шу тарзда Синд вилоятида Сўфи Булһа Шоҳ ва бошқаларнинг ижодлари катта аћекамият касб этди<sup>1</sup>. Шоҳ Абдул Латифнинг “Шоҳду Рисола” асари ўрта аср Бенгалия маданий ҳаётида катта воќеа эди. Кашмирий тилини ва адабиётини ривожлантиришда эса Ҷабба Хотуннинг ўрни айникса салмокли бўлган.

Ўрта асрларда вужудга келган адабиётда санкрит ва форс тилида ёзилган фалсафий, илмий ва диний манбаларнинг таржималари яратилди.

Ўша даврдаги давлат тили бўлмиш форсий билан бирга мамлакатда гужорати, маратхи, панжоби тилида ҳам шеърий асарлар яратилди.

**Деъли салтанатида адабиёт.** Деъли салтанатида форсий тилда поэзия (назм) равнаќ топди. Форс тили шимолий Ҳиндистонда ҳинд грамматикаси ва форс-араб лексикаси устуворлик қилган урду тилининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Ўша даврнинг йирик шоири Амир Хусрав Деълавий (1258–1325) фақат форс тилида эмас, балки ўзи “Ҳинддавий” деб атаган урду тилида ҳам ижод қилди.

Хусрав Деълавий Ҳиндистон, Эрон ва Ўрта Осиё маданиятининг машҳур намояндадаридан биридир. У тилчи, адабиётчи ва тарихчи олим, мусиқий ва бадиий асарлар муаллифидир. Унинг асарларида ўрта аср шарқ халқлари, шу жумладан, ҳинд халқи турли табақаларининг фикру ўйлари, орзу-умидлари инъикос этган. Унинг ижоди ҳинд халқининг миллий ифтихори бўлиши билан бирга, Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқлари маданияти хазинасидан ҳам фахрли ўринлардан бирини эгаллади.

---

<sup>1</sup> Muslims of India, New Delhi, 1992, p.7.

Амир Хусравнинг отаси Кеш (Шаһрисабз)дан Ўиндишонга кўчиб бориб қолган ўзбеклардан эди. Онаси эса һинд қизи бўлган.

Амир Хусрав һаётининг кўп қисми Деълида ўтганлиги учун Деълавий таҳаллусини олган. У деярли барча шеърий жанр ва турларда самарали ижод этган. Амир Хусрав ўз асарларида адолат ғоясини илгари суриб, зулм, разолатни қоралади, сарой һокимларининг шафқатсизлиги ва золимликларини фош қилди, шоҳларни мискин-фақирларнинг жабрловчиси деб билди. Унинг тарихий, лирик ва эпик достонлари машҳур. Амир Хусрав Низомий Ганжавий изидан бориб “Хамса” яратди. Уни Алишер Навоий ўз устозларидан деб билган ва “Ҳинд сеҳргари” (соҳири ҳинд) деб атаган.

**Тарих.** Бу соҳада муђим тарихий солномалардан бири эронлик олим Минћожиддин Жузжоний (1193 йилда туғилган)нинг Деъли султони Насриддин Маћмудга баѓишланган “Табоқати Носирий” асаридир. Муаллиф мўғул истилочиларидан қочиб, Ўиндишонда маскан топган. XIV асрда Зиёвуддин Бараний ва Шамс Сирож Афиғ форс тилида султон Феруз Туѓлоққа баѓишланган “Тарихи Ферузшоҳий” асарини яратди.

Ўша даврнинг ўзига хос анъаналаридан бири лугат ва қомуслар тузиш бўлган. Икки хил анъананинг (һинду ва мусулмон) бир-бирига таъсири һамда турли соҳалардаги билимларнинг тез суръатлар билан ривожланиши натижасида янги сўз ва атамалар пайдо бўлди, лугат, қомуслар яратишга эҳтиёж туғилди. Шундай қомуслардан бири “Жавоћир ул-улум Ҳумоюний” бўлиб, у жуѓрофия, минералогия, табобат, фалакиёт, математика, оптика кимё ва бошқа илмларга оид сўз ва ибораларни ўз ичига олади.

**Меъморчилик.** Деъли салтанати даврида Ўиндишонда мусулмон меъморчилигининг ёдгорликлари – мачит, мадраса, минара ва маќбаралар қурила бошланди. Шулар жумласига Деъли султони Қутбиддин Ойбек шарафига қурилган улкан ва баланд Қутб Минор, бошқа бир Деъли султони Шамсиддинга атаб бунёд этилган Элтутмиш маќбараси киради. Султон Аловуддин Хилжи томонидан вужудга келган Сикри шаһри, бошқа бир султон Мућаммад Туѓлоқ барпо этган Туѓлоқобод шаҳри ўша замонда асос солинган шаҳар ва истићомлар һаќида ёрқин тасаввур беради. Лудийлар даврида, мусулмон меъморчилигига ҳинд

услубининг айрим жићатлари кириб кела бошлади. Ислом мөъморчили декан султонлари – Бидор, Аҳмадобод, Гулбаргагдаги сарой қурилишларида ҳам ўз ифодасини топади.

Мусулмонлар Ўндиштун маданиятининг бошқа соћаларига ҳам улкан һисса қўшганлар. Айниќса, рассомлик, драма ва раќс санъатининг ривожида уларнинг муносаб ўрни бор.

Рассомлик соћасида эришилган асосий ютуқлар миниатюра-чилик технологияси билан боѓлиқдир. Бу соћада портретлар чизиш, жанг манзаралари, ижтимоий ҳаётдаги воќеалар ва қўллэзмаларни безаш каби ишлар айниќса тараќкий топди. Илгари жонзотларнинг расмини солиши таќиқланган бўлса, энди ов пайтидаги қуш ва бошқа парранда ва ҳайвонларни тасвирлаш манзарасига ҳам эътибор берила бошланди.

Ўндиштундаги ўрта асрлар маданияти ҳакида сўз кетганда ўша даврда Ўндиштунда бир неча йиллар давомида истиқомат қилган Ўрта Осиёning машҳур қомусчи олими Абу Райхон Беруний номини тилга олиш жоиздир.

**Берунийнинг “Ўндиштун” асари.** Жаҳон тарихидаги биринчи ҳиндунос олим Абу Райхон Беруний (973–1048) султон Маҳмуд Газнавийнинг Ўндиштун юришида ҳамроҳ бўлди. Ўндиштун ҳакида ўзигача маълум бўлган барча маълумотларни синчиклаб тўплади ва “Ўндиштун” деб номлаган қомусий асар яратди. Беруний бу ноёб ва нодир асарида қадимги ва ўрта аср ҳинди тарихи, фалсафаси, динлари, астрономияси, жўғрофияси, ҳукуки, урф-одатлари ҳакида қимматбаҳо маълумотларни келгуси авлодларга ёзиб қолдирди.

Абу Райхон Берунийнинг бу асарига баҳо берган ҳинд олими Ҷамид Ризо сўзи билан айтсан, ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири ҳинд маданиятининг чигал масалаларини чуќур илмий руҳда тушунишда Абу Райхон Муҳаммад Беруний эришган ютуқлар даражасига ета олмади. Берунийнинг “Ўндиштун” асари муаллифнинг қадимги ҳинд маданияти ва фанига қилган тортиѓидан иборатdir<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Беруний – ўрта асрнинг буюк олими. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1950. – Б. 21.

Калькутта университети профессори С.К. Чаттержининг фикрича, Беруний һинд муаллифлари тилига хос бўлган хусусиятларни шундай яхши билганки, ҳатто бундай кишиларнинг ўша тил эгаси бўлмиш һинд халқи ичидан чиқиши һам камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Милодий 1040 йилларда маданият оламида һинд ва мусулмонларнинг маданий меросини һар томонлама чуқур билган фақатгина бир киши бўлган, у һам бўлса Абу Райён Беруний эди.

Олимнинг фикрича, Беруний һиндшунос олим бўлиши билан бирга барча давр һиндшуносларининг һам энг биринчиси саналади.

Абу Райён Беруний ўн уч-ўн тўрт йил Ҳиндистонда умр кечирган. Муаллиф ўз асарида һинд тафаккурининг турли-туман соҳаларини қамраб олишга ҳаракат қилган. Асарда уларнинг фани, тарихи, диний китоблари ва эътиқодлари, жон, модда, бу дунё, нариги дунё ҳақидаги тушунчалари, ҳатто һинд тили, грамматикаси, ёзуви, фольклори, улардаги ёзма ёдгорликлар, шеърият, фалсафасидаги ранг-баранг тармоқлар ва бошқа кўп масалалар қамраб олинган. Беруний асарида һиндларнинг аниқ фанлари ҳақида һам анча чуқур фикр юритади, ер, осмон, умуман, олам тузилиши ҳақида уларнинг тушунчалари баён этилади. Асарнинг бир қанча боби замон ва вақт, оламнинг пайдо бўлиши масаласи, кун, ой ва йилларнинг бўлаклари, улар ҳақидаги тушунчаларга бағишланган<sup>1</sup>.

Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру Берунийнинг бу асарини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

“Беруний, – дейди Неру, – юонон фалсафасини ўрганиб, һинд фалсафасини мутолаа қымлоқ учун санскрит тилини ўрганади. Беруний һинд ва юонон фалсафасини бир-бирига солишитириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби далилий маълумотларни қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-тарож, оммавий қирғин бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб

---

<sup>1</sup> Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Т., 2000. -Б. 205.

турган пайтларда һам Беруний бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аћволини тушунтиришга һаракат қилди”<sup>1</sup>.

Зотан, Абу Райён Беруний ўз даврида илм оламига Ўиндистонни кашф этган улуғ бир кашшоф бўлган эди. Ўинд маданияти тарихида Берунийдан сўнг яна бир ватандошимиз, улуғ зот Заћириддин Мућаммад Бобур һам ёркин из қолдири.

**Бобурнинг “Бобурнома” асари.** Бобурни дунёга танитган “Бобурнома” асари жаћон шаркшунослари, шу жумладан, Ўиндшуносларнинг диккатини доимо ўзига тортиб туради. Машҳур академик В.В. Бартольд айтганидек: “Бобурнома” фаќат сиёсий курашлар һужжатигина бўлиб қолмасдан, XVI асрдаёк һаќкений равишда туркий мумтоз асари деб танилган ёдгорликдир<sup>2</sup>.

“Бобурнома”ни форс тилидан инглиз тилига ўгирган тарихчи олим Эльфинстон бу асар һаќида шундай ёзади: “Бу мемуарларда буюк турк (ўзбек – Т.Г.) подшосининг һаёти батафсил тасвирланган, унинг услуби оддий ва мардона, шунингдек, жонли ва образли, ўз замондошларнинг таржимаи һоли, уларнинг қиёфаларини, урф-одатларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Бу жићатдан у Осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасиdir. Бобур һар бир одамнинг ташки кўринишини, кийинишини, таъбини ва одатини ифода қиласи һамда мамлакатларни, уларнинг иклимини, пейзажини, хўжалигини, санъат ва һунармандчиллик асарларини тасвирлаб беради. Лекин асарга муаллифнинг ўз характеристери катта жозиба баѓишлайди”<sup>3</sup>.

“Бобурнома” комусий асар бўлиб, унда тарихий воќеалар билан бирга тибиёт, жўѓрофия, топография, адабиётшунослик, тилшунослик, этнография, педагогика ва фаннинг бошқа соћаларига доир жуда қимматли далил ва маълумотлар берилган.

Бобурнинг тарихий мероси шу жићатдан катта аћамият касб этадики, “Бобурнома” бизнинг она тилимиз – ўзбек тилида ёзилган. Шу билан бирга Бобур кенг маънодаги шаркшунос

<sup>1</sup> Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955. – С. 246-247.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Культура мусулманства. – Петербург, 1918. – С. 98.

<sup>3</sup> Синха Н.К., Банерджи А.Ч. История Индии. –М., 1954. –С. 214.

ହисобланади. Жумладан, у биринчи ўзбек афғоншуноси ва Берунийдан кейинги машҳур һиндшуносидир.

“Бобурнома” ўзига хос ёрқин асар. Бобур қаламга олган һамма воқеа ва һодисаларни, турли мамлакатлар табиатига доир хилма-хил ўзига хос фазилатларни, жой номлари тарихи ва манноларини ниҳоятда яхши ўргангани, кўп жойларни ўз кўзи билан кўргани учун уларни ажойиб маҳорат билан шоирона бўёкларда ёрқин тасвирлайди. Унинг зеҳни һам, қалам һам ўткир эди.

Бобур асарларидан һар қандай касб эгаси баъра олиши мумкин. Хусусан, у жўрофия, ботаника, зоология, астрономия, этнография соҳасидаги қимматли ёдгорликдир. Шу билан бирга “Бобурнома”нинг тил, адабиёт, тарих, дипломатия, һарбий санъат, молия соҳаларида жуда катта қимматини һеч ким инкор эта олмайди. Шунинг учун һам “Бобурнома” ўрта асрларнинг шоҳ асари, қомуси деб аталади.

“Бобурнома”ни инглиз тилига ўтирган таржимон Бевериж хоним “Бобурнома” инсоният тарихида яратилган ёзма ёдгорликларнинг энг бебаҳосидир<sup>1</sup> деб таърифлаган эди.

Бобурнинг қонига гўзалликни ва санъат асарларини қадрлаш хусусияти сингтан бўлиб, улар орасида меъморчилик ва боғ яратиш санъати алоҳида ўрин эгаллайди. “У ўз қўли остидаги мамлакатларнинг кўпларида сарой ва қасрлар қурдирди”.

Бобур ўзи забт этган мамлакатларда ободончилик учун сугориш тизимларини бунёд этди, боғ-роғлар яратиш ва бошқа қурилиш ишларига катта аҳамият берди. Бобур маданият, айни́кса меъморчиликнинг ривожланишида һинд халқининг Ўрта Осиё халқлари билан яқиндан алоқаларини мустаҳкамланишига, савдо-сотиқнинг кучайишига салмоқли һисса қўшди. Ҳиндистандаги турли халқларни бирлаштириди, халқ бошига битган оғир солиқларни бекор қилди.

### *Бобурийлар даврида Ҳиндистан маданияти*

**Тарих.** Бобурийлар сулоласи намоёндаларининг аксарияти ўзлари шоир ва тарихчи бўлиши билан бирга олим, мусаввир, мусиқачи, меъмор ва шу кабиларни қўллаб-қувватлаб, тақдир-

---

<sup>1</sup> Қамчибек Кенжа. Ҳинд сориға. – Т., 2000. –Б. 205.

лаб, ћамиша уларга ћомийлик ќилганлар, фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаши, меъморчилик, рассомлик, ќурилиш, иќтисод ва савдо-сотиқнинг юксалишига улкан ћисса ќўшганлар. Хумоюн даврида олтига йирик тарихий асарлар яратилди, шу жумладан, Мирзо Хайдарнинг “Тарихи Рашидий”, Иброҳим бин Жарирнинг “Тарихи Хумоюни”, Меғтор Жавҳарнинг “Тазкират ал-воеоти Ҷумоюни”, Файзи Сирғиндинг “Тарихи Ҷумоюншоҳий”, Гулбадан бегимнинг “Хумоюннома” ва ниҳоят боязид Баётнинг “Тарихи Хумоюн” асарлари иншо қилинди.

Акбаршоҳнинг ярим асрлик ћукмронлиги даврида 25 дан зиёд тарихий асарлар ёзилди. Булар орасида умумий тарих, Ҷиндистон тарихига бағишлиланган Мулла Аҳмад Таттавий раҳбарлигига битилган “Тарихи алфий”, Ориф Қандаҳорийнинг “Тарихи Акбари”, Низомиддин Ҳеравийнинг “Табоқати Акбари”, Абдулқодир Бадаунийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Абулфазл Муборакнинг “Акбарнома” асарлари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жаҳонгиршоҳ даврида 22 та тарихий асар ятилди. Улар орасида Тоҳир Сабзаворийнинг “Равдат ат-Тоҳирий”, Скандар Гужаротийнинг “Миръоти Скандарий”, Хокийи Шерозийнинг “Мунтахаб ат-таворих”, Неъматуллоҳ Ҳеравийнинг “Тарихи Шоҳжоний” асарлари алоҳида ўрин тутади.

Шоҳ Жаҳон ћукмронлиги даврида яратилган илк асарлардан бири Муҳаммад Шариф Деканий қаламига мансуб “Мажолис ас-салотин” бўлиб, у Жаҳонгир пайтида ёза бошланган ва Шоҳ Жаҳон ћукмронлигининг биринчи йили ёзиг тугалланган. “Подшоҳнома” асарининг муаллифи Муҳаммад Амин Қазвиний Шоҳ Жаҳоннинг сарой тарихчиси эди ва у ўз асарини императорнинг фармони билан таълиф этган. Яна бир “Подшоҳнома” асарининг муаллифи Шоҳ Жаҳон давлатининг машҳур расмий тарихчиси Абдулҳамид Лоҳурнийдир. Унинг шогирди Муҳаммад Ворис Лоҳурий “Подшоҳнома”ни якунига етказди.

Бобурнинг ўғли Ҷумоюншоҳ дунёвий илмлардан математика ва фалакиётга қизиқарди. Шунингдек, мусиқага иштиёқманд эди. У саройдаги файласуфлар, мунажжимлар, шоирлар, дин пешволари ва бошқа илм аҳллари билан суҳбатлар ўтказарди. Ҷумоюн Эрондан икки моҳир рассомни Деҳлига таклиф этиб, улардан ўзига ва ўғли Акбарга рассомликдан дарс беришларини

илтимос қилган. Унинг шеъриятга иқтидори кучли бўлиб, туркӣ ва форсий ғазаллар битарди, ғазаллари девон шаклида тартиб топгандир. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Ўмоюннинг укаси Аскарий Мирзо Ҳарбий саоҷиятли, адид ва шоиртабиат киши бўлган, бошқа бир укаси Ўиндол Мирзо Ҳам диловар ва олим инсон эди. Унинг саройида уламолар, шоирлар ва дин аҳллари тарбия топганлар. У Ҳам шеъриятга қизиқарди, ўзи Ҳам туркӣ ва форсий тилларда ғазаллар ёзарди<sup>1</sup>.

Бобурнинг қизи Гулбадан Бегим ўз замонасининг энг ўқимишли, оқила ва донишманд аёлларидан эди. У “Ўмоюннома” номли ажойиб ва қимматли асар ёзди. Асар Бобур билан Ўмоюннинг ҳаёти ва саргузаштларининг муҳтасар тарихи бўлиб, мантиқан “Бобурнома”нинг давомидир.

Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо иқтидорли шоир бўлган, Бобур анъаналарини давом эттириб, ўз атрофига олимлар, шоирлар меморларни тўплаган, боғ-роғлар, каналлар, бинолар бунёд этган.

Бобурнинг холавачаси тошкентлик Мирза Муҳаммад Ҷайдар Ҳам Ўиндистон, Тибет, Қашқар атрофларини кезиб, “Тарихи Рашидий” воқеаномасини ёзиб қолдирган<sup>2</sup>.

Акбаршоҳ даври учун икки асосий маданият мусулмон ва Ҳиндуда маданиятларининг уйғунлиги характерлидир. Чунончи, Фатпур Секри шаҳри қурилишида Ҳиндуда элементлари ўз ифодасини топган, яъни унда бир-бирига уланиб кетган гул шодалари шаклидаги Ҳинчча нақшлар мавжуд. Баъзи бир карнизлар жони-ворларнинг тасвири билан безатилган, сарой хоналарининг биридаги деворда қушлар ва Ҳайвонлар акс эттирилган. Кейинчалик Аврангзебнинг буйруғига биноан деворлардаги бу нақшрасмлар ўчириб ташланган. Маълумки, ислом ақидаларига кўра жонзотларнинг расмини чизиш тақиқланганди. Айрим шоирлар машҳур Ҳинд достонларида мавзуларда Ҳам ижод қилдилар. Акбар давридаги йирик форсийзабон шоирлардан Абул Фазлийнинг укаси Файзийнинг “Нал ва Даман” асари шулар жумла-

<sup>1</sup> Файзиев Т. Заһириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. –Т., 1996. –Б. 41-42.

<sup>2</sup> Мирза Муҳаммад Ҷайдар. Тарих-и Рашидий. –Т., 1996.

сидандир. Абул Фазл ҳам ўзининг “Оини Ақбар” (“Акбарнинг кўрсатмалари”) асарида қадимги Ўиндишоннинг фалсафий таълимоти, Ҳиндуларнинг урф-одатлари ва оғзаки адабиётига алоҳида эътибор берди.

Ақбар Ҳукмронлиги даврида (1556–1605) маҳсус давлат тасвирий санъат корхонаси ва расмлар бўлмаси – наќќошхона таъсис этилган. Наќќошхонада Ўирот рангли нафис суратлар (миниатюра) мактаби намояндаларининг нодир тасвирий асарлари сақланар ва бу ижодий камолот намуналари асосида талабаларга дарс бериларди.

**Адабиёт.** Ақбаршоҳнинг фармонига мувофиқ “Бобурнома”, “Темурнома”, “Чингизнома”, Шарофиддин Али Яздийнинг “Заварнома”, “Калила ва Димна”, Жомийнинг “Баҳористон”, Низомийнинг “Хамса”си, “Маҳабборат”нинг форс тилидаги таржимаси, “Рамаяна” ва бошқа бир қанча асарлар кўлёзмаси рангли нафис суратлар билан безатилди. Бу ажойиб санъат намуналарини ижод этишда Мир Сайид Али ва Хўжа Абдусамад билан биргаликда иқтидорли Ҳинд мусаввирлари Басаван, Даствант, Мадху, Мискин, Лаъл, Кесу ва бошқалар ҳам фаол иштирок этганилар. Жаҳонгир ўзининг бобокалони Бобурга тақлидан ўз таржимаи ҳоли ва ўн етти йиллик Ҳукмронлик даврини қамраб олган “Тузуки Жаҳонгир” (“Жаҳонгир тузуклари”) номли асарини яратган. Мазкур асар “Жаҳонгирнома” номи билан машҳурдир. Жаҳонгиршоҳнинг тил ва адабиёт, тарих соҳасидаги исьтедоди мазкур асаридан ҳам маълум. У туркий эски ўзбек тилини мукаммал билиши билан фаҳрланган. Ниҳоятда назокатли ва нозик таъбга молик бўлган Жаҳонгир айниқса тасвирий санъат билан қизиқкан. Бухоролик Абулҳасан ва Уста Мансур унинг тарбияси ва ҳомийлиги туфайли тасвирий санъатда камолот погоналарига кўтарилганлар. Абулҳасан мўйқаламига мансуб бўлган асарлардан Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳоннинг суратлари бизгача етиб келган. Жаҳонгир ўз саройига олимлар, шоирлар, рассомлар, мусиқачилар ва турли касб-ҳунар эгаларидан етук кишиларни йигиб, уларга ҳомийлик қиласарди. Саройда ғазалхонлик анжуманлари бўлиб турар, Жаҳонгирнинг ўзи ҳам шеър айтарди.

Бобурийлардан тўртинчи подшо Шоҳ Жаҳон форс тилида равон гапиравар, турк ва ћинд тилларини ћам яхши билар эди. У ќиличбозлиқ, ов ќилиш, шеърият, мусиқа ва нафис санъатга жуда ќизиккан.

Бобурий маликалардан Шоҳ Жаҳоннинг ќизи Жаҳонаро Бегим (1614–1681) машҳур шоирлардан эди. Онаси мумтоз Маънал-бегим вафот этганда у 17 ёшда бўлган. Ҷусн-латофатда, ақл-идрокда ва илму одобда беназир бўлган. Жаҳонаро бегим салтанат ишларини бошқариш, ички ва ташки сиёsat ћамда дипломатия масалаларида отасига ўзининг оқилона маслаҳатлари билан ёрдамлашган, меъморлик, ободонлаштириш ишларига рађнамолик қилган. Аграда ќурилган жомеъ масжидининг тархини Жаҳоноро Бегим чизган. Шунингдек, Деъли, Сурат, Амбولا, Беъжал ва Панипат шаъарларида карvonсаройлар ќурдирган. Лођурда катта боѓ, Кашмирда “Пари маъал” (“Парилар саройи”)ни бунёд эттирган. Шоҳжаҳонободда Алимардонхон ариқ ќаздириб, наќшинкор ћовуз ќурдирган. Жаҳоноро бегим ғазаллар битган, илм-фанга бағишлиланган “Рисолай Соҳибия” (“Дўстлик ћаќида рисола”) номли асар ёзган.

Шоҳ Жаҳон даврида ћам маърифат, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига катта эътибор берилган. Йирик шоир ва олимлардан Абдул Ћамид Лођурий “Подшоҳнома”, Амин Қазвиний “Подшоҳнома”, Иноятхон “Шоҳ Жаҳоннома”, Муҳаммад Солиҳ “Амалий Солиҳ” асарларини ёзишган. Уларда бобурийлар салтанати тарихи батафсил ёритилган.

Шоҳ Жаҳон Деълининг марказида Ћиндистандаги энг катта ва салобатли жомеъ масжидини, Агра шаърида эса ќизи Жаҳонаро шарафига катта жомеъ масжидини ќурдиради. Деълида ќизлари Жаҳонаро ва Равшанаро шарафига маќбаралар бино этилган. Кашмирда ниҳоятда гўзал Шалимар ва Нишот номли боѓлар барпо ќилинган.

Шоҳ Жаҳоннинг тўнгич ўғли Доро Шукуҳ бобурийлар салтанатидаги истеъододли олим ва катта маърифатпарвар шахс эди. Бобурийлар хонадони у билан фахрланарди. У араб, форс, санскрит тилларини яхши билган ва шеърлар ёзган. Ћиндшунос тарихчи олим Илёс Ћошимов таъкидлаганидек, Доро Шукуҳ

ହିନ୍ଦ ଖାଲ୍କିନିଙ୍ କୋମୁସି କିଟବଲାରିନି, ତାସବ୍ୟୁଫ ଫଳସଫାସିଗା ଓିଦ ବିର ହାଂଚା କିଟବଲାରି ଫରସ ତିଲିଗ ତର୍ଜିମା କିଲଗା<sup>1</sup>.

ଅବରଙ୍ଗେବ ଦାଵରିଦା ଓଲିମଲାରଦାନ ତୀଫିଖନ “ମୁତାହାବ ଉଲୁବ୍ବବ” ଆସରିନ ହେତି ତୁଗତାଦି. ମିର୍ଜା ମୁହମ୍ମଦ କୋଝିମ “ଓଲାମଗିରନୋମା”, ମୁହମ୍ମଦ ସୋକି “ମାୟସି ଓଲାମଗିରି”, ସୁଜାନ ରାଯ ହାତରି “ଖୁଲୋଟ ଉଲ-ତାଵୋରିଖ”, ବଖେମ୍‌ସେନ “ନୁଶକା ଦିଲକୁଶୋ”, ଇଶଵର ଦାସ “ଫାତୁହୋ ଓଲାମଗିରି” ଆସରଲାରିନ ହେତି ଗନ୍ଧାର. ଉଲରା ଅବରଙ୍ଗେବ ଦାଵର ବିଲା ବୁଦ୍ଧିଲାର ସଲତାନାତି ତାରିଖିଗ ଓିଦ କ୍ଷିକାରି ମାଳୁମତିଲାର ବେରିଲଗା.

ଅବରଙ୍ଗେବନିଙ୍ କ୍ଷିତି ଜେବୁନିସୋ ବେଗିମ ବାବରଦାସ୍ତ ଶୋଇର, ଏତୁ ଓିଲା, ମୋହିର ତାନ୍ବୁରଚି, ବୋନଦା ବା ଗୁଜାଳ ହାତତ ଏଦି. ଆରବ ବା ଫରସ ତିଲାରିନିଙ୍ ବରଫୁ ନାହିଁବିନି (ମର୍ଫୋଲୋଜିଆ ବା ସିନ୍ଟାକସିସ), ଫିକ୍ହ (କୌନୁଶୁନୋସିଲିକ), ମନ୍ତିକ୍, ଫଳସଫା, ତାରିଖ ଫନଲାରିନି ପୁହିତା ଉତ୍ଥାତିରିଗା. ଉ ନାଷାତିଲିକ୍, ନାଚି ବା ଶିକାଷା ହାତଲାରିନି ଝୁରୁତ ବିଲା ହେତି ଗନ୍ଧାର ବେରିଲଗା. ଶୁ ବୋଇସ, କୁର୍ଯ୍ୟାନି କାରିମନି ବିର ନେଚା ମାରୋତା ହୁସିଖାତା କୁଚିରିଗା ବା ହେତି କୋରାତ ବିଲା ହୁକିଗା.

ଜେବୁନିସୋ ବେଗିମ ଚିରୋଲି ଶେରୀର ଦେଵନ ତୁଗାନ. ତାସବ୍ୟୁଫ ଫଳସଫାସିଗା ଓିଦ “ମୁନିସ ଉଲ-ଅର୍ବୋହ” ନାମି ଆସାର ହାମ ହେତି ଗନ୍ଧାର. ତାଫ୍‌ସିର କୋହାରିଦା “ଜେବ ଅତ-ତାଫ୍‌ସିର” (“ଗୁଜାଳ ତାଫ୍‌ସିରଲାର”)ନି ଜରାତି, ଇଲୋହିୟେତା ଓିଦ “ଜେବ ଅନ-ନାଶୋାତ” ନାମି ଆସାର ହେତି, ବୁନି ଝୁରୁତ ଉତ୍ସୋହିତା ବାବିଶଲାଇଦି. ଶୁନିଙ୍ଗଦେକ, ହିନ୍ଦିସ୍ତନ ମୁସ଼ଲିମନାରି ବୋରାଦା ଦାସ୍ତରୁଲାମାଲ ବୁଲିବ କୋରାତ “ଫାତ୍‌ଵୋ ଓଲାମଗିରି” (“ଶାରିଆତ କୌନୁଲାରି”) ମଜମୁାସି ଆସରି ଫରସ ତିଲିଗ ତର୍ଜିମା କିଲିଦିରାଦି. ଜେବୁନିସୋ ଝୁରୁତ ଜମାନାସିନିଙ୍ ଓଲିମଲାରି, ଶୋଇଲାରି ବା କାନ୍ଦାତ ଆହଲାରିଗା ଗାମହୂରିଲାକ ବା ହାମିଯିଲିକ କିଲଗା, ବୁନି ବା ଫନିନି ରିଵୋଜିଗା ମୁନୋସିବ ହିସ୍ସା କୁଶଗା.

ଅଦାବିୟେ ବୋରିଦା ତାଶକାରିଦା ହାମ, କେଂ ଖାଲ୍କ ହୃତାରିଦା ତର୍ଲି ଜାନରଲାର ତାରାକ୍କି ଏତି. ଆଇନିକ୍ସା, ବ୍ରାହ୍ମିକ ପୋଇସିଯା କାତା ଏତିବର କୋଣଦି. ବ୍ରାହ୍ମିକ ଶୋଇଲାରି ବୋରିଦା ତୁଲ୍ସି ଦାସନିଙ୍ (1532–1623) “ରାମାଯାନା” ଆସାର ହିନ୍ଦି ତିଲାରିନି ହାର ହିଲ ଲାହାଲାରିଦା ଜରାତିଲି. XVI ଆରନିଙ୍ ଇକିନ୍ଚି ଯରିମା ରାଜାଟନ୍ଦା ଯଶବ ହୃତାନ ସୁର ଦାସ, ମାହାରାତ୍ରାଲିକ ଶୋଇର ମିରାବା ଇକାନାତି, ଅସମିଲିକ ଶଙ୍କାରାଦେବ ହୃତା ଆସା ହିନ୍ଦ ଅଦାବିୟେ ତାରାକ୍କି ଏତିଗା କାତା ହିସ୍ସା କୁଷଦିଲାର. ବେଂଗାଲିଯିଲିକ ମୁନକୁଡ଼ାରାମା ଚୋକରୋରି ହୃତା ଦାଵର ବେଂ-

<sup>1</sup> ହୋଶିମା ମ. ହିନ୍ଦିସ୍ତନରେ ବୁଦ୍ଧିଲାର ବୁଦ୍ଧିଲାର ସଲତାନାତି. – ତ.: ହୃତିବୁଚ୍ଚି, 1996. –ବ. 94.

галия ҳаёти ҳакида “Чандимангал” (“Маъбуда Чанди томонидан ҳадя қилинган”) номли реалистик ҳикоя ёзди. XVII асрда бхакти ғоялари маратхлар ва сикхлар шеъриятида ҳам ривож топди.

Ўрта аср Ҳиндистон адабиётида урду тилида ижод этган шоирлар ҳам кўзга ташланади. Форсийзабон шоирларнинг ичидага эса энг машҳурлари Файзий ва Бедил (1644–1721) эдилар.

Мирзо Абдулқодир Бедил Бенгалиянинг Азимобод шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. Унинг ота-боболари Шаҳрисабз ўзбекларидан эдилар. Бедилнинг ҳаёти Ҳиндистонда бобурийлар империяси инқирозга юз тутган даврга тўғри келди. У ўзининг 77 йиллик ҳаётида 14 подшони кўрди. Шулардан 9 таси шоир умрининг охирги йилларида ҳукмронлик қилганлар.

Шунинг ўзи ҳам мамлакатда ўзаро низоларининг қай дараҷада кучайганлигини кўрсатади. Шоир ўз даврига бефарқ қарамади, Ҳиндлар ва мусулмонларни мамлакатдаги барча халқларни бирлаштиришга чақириди.

Бедил ўз шеърларида ижод эркинлиги, инсон тафаккурининг ҳурлиги ғоясини илгари суради. Шоирнинг асарлари инсонпарварлик, адолатпарварлик, эзгулик туйғулари билан суғорилган. У кўп миллатли мамлакат Ҳиндистон халқларининг бирлашишини орзу қилди, диний айирмачиликни рад этиб, ҳаммани бир инсон наслидан деб ҳисоблади. Ўз шеърларида тарбия, одоб тўғрисидаги қарашларини кенг баён этди, жамиятдаги жабрзулм, адолатсизлик каби иллатларни қоралади.

Бедил ўз асарларида фалсафа, тарих, тиббиёт, адабиёт ва илоҳиётнинг хилма-хил масалаларига тўхталган. “Нукот” рисоласи борлиқ, материя, заррачалар, жонли мавжудот ва нарсалар табиати ҳакида, наботот олами тўғрисида сўзлайди. Борлиқ, йўқлиқ, фано, бақо сингари фалсафий масалалар ҳакида фикр билдиради. “Комде ва Мудан” достонида дўстлик, муҳаббат, вафодорлик, адолат, илм-маърифат ғояларини акс эттирган. Асарларининг кўпчилиги 16 жилдли “Куллиёт”ига жамланган.

Бобурийлар тарихи ва маданиятини ўрганишда ўша давр сарой тарихчилари Абдулқодир Бадуний, Абулфазл Алломий, Феришта, Абдулҳамид Лоҳурний, Низомиддин Херавий, Муҳаммад Ҷайдар, Рашид Надви, Хондамир, Жавҳар, Муҳаммад Сокий ва бошқаларнинг асарлари муҳим қўлланмадир.

Бобурийлар даврида Ҷиндистонда бир қанча ажойиб тарихий асарлар ёзилган. Ҷожа Низомиддин Аҳмад ибн Мұхаммад ал-Хиравийнинг “Табоқати Акбаршоғий” рисоласи ана шулар жумласидандир. Асар Акбаршоғининг 38 йиллик ћукмронлик даврини қамраб олади.

Сунжон Рай Муншийнинг “Хулосат ат-таворих” асари (1695) Аврангзеб Оламгир давригача Ҷиндистонда бўлиб ўтган тарихий воќеалар һақида һикоя қиласди. Мұхаммад Қосим Ҷиндоғининг “Тарихи фаришта” асари Ҷиндистон тарихини ўрганишда катта аћамиятга эга бўлиб, “Гулшани Иброҳимий” номи билан һам аталган. Абдул Қодир ибн Маликшоғ Бадавонийнинг (1615) “Мунтахаб ат-таворих”, Абул Фазл Муборак Алломийнинг “Акбарнома” ёки “Тарихи Акбаршоғий” (“Оини Акбар”), Мирза Салим Нуриддин Мұхаммад Жаҳонгирнинг “Жаҳонгирнома”, Мұхаммад Шарифнинг “Иқболномаи Жаҳонгирий”, Абдулҳамид Лођуройнинг “Подшоғнома”, Сайд Жамол ибн Миржалолиддин Ҷусайннинг “Тархоннома” каби асарлари Ҷиндистоннинг ўрта асрлар тарихига оид муҳим тарихий ћужжат һисобланади.

Ўрта аср Ҷиндистонида аниқ фанлар соћасида һам катта мувафақиятларга эришилди.

**Астрономия** соћасини олсақ, унда энг асосий ютуқ янги астрономик асбоб-ускуналарнинг ихтиро қилинишидир.

Ўрта аср фалакиёт илмининг энг олий нуќтаси Савай Жой Сингћининг (XVIII аср) “Зижи-жадиди Мұхаммад Шоғий” номли монументал асари бўлди. Бу олим ўрта асрнинг буюк фалакиётчиси Улугбек мактабининг давомчиси эди. Жай Сингх Улугбекдан тахминан 80 йил кейин дунёга келган бўлса һам, уни ўзининг устози деб билган.

Жай Сингхнинг бу асари ислом мамлакатлари маданиятининг һинд жамиятига таъсирини ўзида акс эттирган ва янги даврни бошлиб берган. Унинг “Зижи жадид Мұхаммад Шоғи” асари ислом маданияти ћукм сурган ћудудларда ёзилган зижларнинг давомидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Осиё ва Африканинг турли жойларидан Ҷиндистонга келган илм-фан ва ћунармандчилик вакиллари кўлга киритган ютуқлар һам һинд маданиятига катта

таъсир кўрсатди. Бундай таъсир натижасида тўқимачилик, зардўзлик, металургия, шишасозлик, кулолчилик каби соҳаларнинг сифати ва миёёси анча ўёди. Турли хил механик асбобускуналарнинг ишлаб чиқарилганлиги Ўиндинстонда техника соҳасида ҳам мутахассислар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

**Меъморчилик.** Ўумоюн машҳур обидалар бунёд этмаган бўлса-да, унинг ўзига атаб қурдирган мақбараси ниҳоятда машҳурдир. Деълида жойлашган бу мақбара Ўиндинстонда бобурийлар қурдирган биринчи катта ёдгорлик бўлиб, у чорбог' усулида бунёд этилган. Машҳур мақбарани Ўумоюннинг вафотидан 9 йил кейин унинг Ўожи Бегим номи билан танилган асли Бека Бегим исмли хотини қурдирган.

Салкам яrim аср һукмронлик қилган Акбаршоҳнинг кучкудрати ва салоҳияти у қурдирган обидаларда тўла намоён бўлган. Аgra, Лоҳур ва Оллоҳободдаги қалъалар ҳамда Фатхпур Секрий шаҳри шундай обидалар жумласидандир. Оллоҳобод қалъаси мазкур учта қалья ичидан энг маҳбобатлисиdir. Айтишларича, Акбар шу қалъани кўпроқ ёқтирган экан. Акбаршоҳ бунёд қилган меъморчилик обидалари ичидан энг сараси, шубҳасиз, Фатхпур Секрий шаҳридир. Бу шаҳар Аградан ғарб томонда 38 км масофада жойлашган. Фатхпур Секрий Акбарнинг ўғил кўришини башорат қилган авлиё Салим Чештий шарафиға қурилган. Бутун бошли бу шаҳар ақлбовар қилмас даражада тез, атиги 4 йилда қуриб битказилган. Аммо Фатхпур Секрийга сув чиқариш жуда қийин бўлганлиги сабабли пойтахт бу ерда узоқ турмайди, бир неча йилдан сўнг сарой аҳли бу шаҳарни тарк этади. Аgra шаҳрининг яқинида яна бир маҳбобатли обида қад кўтариб туради. Бу Искандардаги Акбаршоҳ мақбарасидир. Мақбара қурилиши 20 йил давом этиб, 1613 йилда унинг ўғли Жаҳонгир томонидан ниҳоясига етказилади. Бошка машҳур мусулмон мақбарааларидан фарқли ўлароқ, мазкур беш ошёналиқ иншоотда ҳинду, мусулмон, буддавий ва, ҳаттоқи, христиан меъморчилиги услублари уйғуналашиб кетган.

Жаҳонгир даврида бунёд этилган энг катта иншоотлардан Итмодуддавла мақбараси эътиборга сазовор. Оқ мармардан тикланган мақбара деворлари чиройли нақшлар билан безатилган бўлиб, ложувард, ёқут, яшма, зумрад ва билур каби

ќимматбаһо тошлардан фойдаланилган. Маќбара “Итодудавла”, яъни бош хазинабон унвони билан машҳур Акобир Мирзо Гиёсбек шарафига барпо этилган. У Жаћонгирнинг ќайнотаси бўлган. Мирзонинг ћуснда тенгсиз Нур Жаћон суюкли хотини бўлиб, “Итмодудавла” маќбараси унинг лойићаси асосида вужудга келган.

Шоћ Жаћон 1638 йилда салтанат пойтахтини Аградан Дећлига қўчириб, Шоћжаћонобод (ћозирги Эски Дећли ћудуди) шаћрига асос солди. Шоћ Жаћон оламга донѓи кетган “Товус тахт” ини ясаттирди, лекин уни 1739 йилда Дећлига бостириб кирган Эрон шоћи Нодиршоћ олиб кетган. “Товус тахт” 1628 йилда Шоћ Жаћоннинг салтанат тахтига ўтириш шарафига ясалган бўлиб, уни ясашга 7 йил ваќт, 7 млн. рупия сарф бўлган экан.

Шоћ Жаћон давридаги ўлмас санъат ва меъморчилик обидлари жумласиги Дећлидаги “Лаъл ќалъа”, унинг рўпарасидаги Масжиди жомеъ маќбараси ћам киради. Лаъл ќалъанинг деворлари қизил тошлардан терилган. Унинг ичида жуда кўп хоналар бўлиб, улар подшоћга, унинг аёлларига, аъёнларига, аскарларига мўлжалланган. Масжид эса бинокорликнинг ажойиб обидаси ћисобланади. У энг тоза, соф мармардан ќурилган бўлиб, бећи-соб устунлари ва деворлари нићоятда мураккаб наќшлар билан безатилган. Масжиди жомеъ Шоћ Жаћон томонидан ќурилган бўлиб, Ўинди斯顿да энг катта масжид ћисобланади.

Дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлмиш Тож Маћал – Мумтоз Маћал васиятининг ижросигина эмас, балки эрнинг хотинига чексиз мућаббати, садоќати рамзиdir. Шунинг учун ћам уни “Севги достони”, “Мућаббат ва мусибат кошонаси” “Оќ мармар достони” каби номлар билан таърифлайдилар. Дарћаки-кат, ќарийб йигирма йил давомида 22 минг ишчи бўлган бу музаззам маќбара учун Шоћ Жаћон умрининг катта бир ќисмини, бутун дунёсини баѓишлади. Маќбара тархини яратишида Ўинди斯顿, Эрон, Туркия, Ўрта Осиё, Арабистон, айrim Европа давлатларининг меъморлари, уста-ћунармандлари, рассомлари узоќ бош ќотиришади. Диđ-фаросати юксак, санъатни нозик ћис этувчи Шоћ Жаћон тарихларни синчилаб ўрганиб, шулардан ўзига манзур бўлганини танлайди. Тож Маћал учун дунёнинг кўплаб мамлакатларидан энг ќимматбаһо ќурилиш ва безак ашё-

лари топиб келтирилган. Зумрадни олис Россиядан, ћакиќни Баѓоддан, гранитни Нилдан, ёќутни Бадахшондан, ферузани Тибетдан, садафни Шри Ланкадан, марваридни Џинд океанидан олиб келишган. Тож Маћалнинг дастлаб кўзга ташланадиган хусусияти унинг дунёдаги бирон-бир обида бўйлаша олмайдиган салобати, викори эди. У узоќдан тинч уммонда сезилар-сезилмас чайќалиб турган улкан кемага ўхшаб кўринади. Тож Маћал ёруғ кунда ћам, тунда ћам ўзига хос тусга кириб товлана-ди. Шунинг учун бу ажойиб тарихий, бадиий санъат асарини кундуз куни ћам, кечки ойдинда ћам томоша ќилиш мароќли-дир. Џинд тадќиќотчиси Б. Луния “Тож Маћал Бобурйлар санъатининг гўзал гулдастаси, дунёда эр-хотин мућаббати, аћиллиги ва садоќати шаънига бунёд этилган энг гўзал, энг мумтоз обидадир”<sup>1</sup> деб ёзган.

Тож Маћал гојат мукаммал ва гўзал ишланган санъат асарининг олий намунасидир. Маќбара одатдаги мусулмон анъаналалига кўра икки ќаватли ќилиб қурилган. Биринчи, асосий ќаватда саккиз бурчакли катта ва кенг хонади шоћ ва маликанинг сағаналари ёнма-ён ќўйилган. Шоћ Жаћон сағана тоши-нинг ёнларига эса нилуфар гуллар, лола тасвиirlари ўйиб ишланган, уларга зумрад, ёќут каби ќимматбаћо тошлар қадалган. Хона деворларига айланасига турли гуллар тасвири ишланган. Гуллар тагида эса мармар ичида яна бир ќаватда ана шундай тасвир чиройли – гуллар намоён. Таниќли ћинд ёзувчиси Кришна Чандр: “Тож Маћалдай гўзал мўъжизани табиатнинг ўзи яра-та олармикин? Гўё бутун Ћинди斯顿 халќининг мећр мућаббати мужассам бўлгану, ялтироќ оќ мармардан либос кийиб, мана шу заминда ќад кўтарган. Назаримда, Тож Маћал бунёдга келгандан кейингина ер юзининг ћусни мукаммаллик касб этган” деб таъриф беради.

Тож Маћални буюк ћинд адаби Рабиндронат Тагор “Мућаббат кўзларидан томган бир ќатра ёш бўлиб, тушган еридан ќотиб қолган” деган бўлса, бошқалар мармарларда жо бўлган орзу деб таърифлаган. Аgra шаћри аћолиси эса ўзларининг бу гўзал обидаларини “Тошдаги гавћар” деб улуѓлайди.

---

<sup>1</sup> Луния Б.Л. История индийской культуры. – М., 1960. – С. 407.

Аврангзебнинг ўғли Аъзам томонидан онаси Робия Дурроний бегим хотирасига Аврангободда бунёд этилган мақбарани Ўиндишонда “Иккинчи Тож Маҳал” дейишади. Ўақиқатан ҳам бу муаззам ва муҳташам обиданинг ташқи шакли-шамойили Тож Маҳалдан кўчирилган нусхадек. Бу иншоот ўғилнинг онага бўлган садоқати, меҳр-муҳаббати, фарзандлик бурчининг мукаммал ифодасидир.

“Тож Маҳал” қиссаси китобининг муаллифлари Ж. Лешко, М. Жозеф, С. Маркет “1526 йилдан то 1707 йилгача (Бобурдан Баҳодиршоҳ I гача) буюк сулоланинг тождорлари фақат бунёдкорлик билан машғул бўлдилар”<sup>1</sup> деб таъкидлайдилар.

Инглиз олими Вальдеман Хансен: “Ўиндишон ва унинг 8 минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, бобурийлар сулоласининг ўша кўп минг йиллик тарихдаги 332 йиллик даври ана шу товуснинг гултожидир”<sup>2</sup>, - деб ёзади.

Ўиндишонга кириб келган мусулмонлар бу ўлкага ўзлари билан ислом дини, маданияти, илм-фани, адабиёти ва санъатини ҳам олиб келдилар. Бу маданият, санъат ва илм-фан Ўиндишондаги қадимий бой маданият билан уйғунлашиб, мамлакатнинг, халқ онгининг тараққий этишида муҳим роль ўйнади.

### **Ўрта асрларда Ўиндишон ва Марказий Осиё муносабатлари**

Дунёда Ўзбекистон ва Ўиндишон каби тарихан узвий боғланган ва ўтмишда маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқаларни маћкам тутган давлатлар топилмаса керак. Ўиндишоннинг марказий Осиё билан боғлаб турган Буюк Ипак Йўли ўрта асрларда Ўиндишонга ўзбек санъати, меъморчилигининг таъсири, Ўрта осиёлик буюк мутафаккирларнинг меросига кўшни ҳинд халқи онгига сингдирилиши буларнинг барчаси мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожида вақт синовидан ўтган.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Қамчибек Кенжа. Ўинд сариға. –Т., 2002. –Б.203.

<sup>2</sup> Қаранг: Қамчибек Кенжа. Ўинд сариға. – Т., 2000. –Б.203.

Ҷинди斯顿 ва Марказий Осиё халқлари асрлар давомида бир-бирлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни йўлга кўйдилар. Бунинг асосий боиси Марказий Осиёнинг жуда қулай жуғрофий мавқега эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этиди. Ўрта Осиё орқали Шарқ билан Гарб ўртасидаги савдо-сотик, жумладан, Марказий Осиё билан Інди斯顿 ўртасида савдо алоқалари кенг кўламда ривож топди.

Інди斯顿 ярим ороли ва Ўрта Осиёнинг бепоён ҳудуди қадимги маданият марказларидан бўлган. Кўп асрлар давомида бу минтақаларнинг халқларини маънавий яқинлик, маданий, сиёсий, савдо-сотик алоқалари бирлаштириб турагар эди. Қадимшунос олимлар томонидан топилиб, ўрганилган маълумотлар Ўрта Осиё ва Інди斯顿 халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалганлигидан дарак беради.

Милоддан илгариги IV асрда ёк Ўрта Осиё билан Інди斯顿 ўртасида бевосита савдо алоқалари ўрнатилган эди. Милодий I–III асрда Інди斯顿нинг шимолий ўлкалари Ўрта Осиё вилоятлари билан биргаликда яхлит Кушон давлатини ташкил этди. Кушон подшолиги даври учун бу подшоликка кирувчи халқлар бадиий маданиятининг юксак даражада ўсганлиги характерлидир. Ўша даврдан бизгача кўпгина меъморчилик ва ҳайкалтарошлиқ ёдгорликлари етиб келиб, улар гандхара санъати номини олди. Гандхара санъатининг ташкил топишида Шимолий Інди斯顿 ва Ўрта Осиё халқларига хос бадиий анъаналар ҳал қилювчи роль ўйнади. Бу санъат одатда Эллин санъатининг сўнгги Ўрта Осиё–Інди斯顿 варианти, юонон классик шакллари билан маъаллий услубларнинг синтези натижаси деб таърифланади. Ўрта Осиё санъати ҳинд санъатига катта таъсир кўрсатди. Бу санъат учун хос нарса шундаки, бунда маъаллий ҳинд шакллари ва услублари Ўрта Осиё меъморчилигига мос мавзу–оғанглар билан боғланиб кетади. Ҳинд меъморчилиги равоқ, гумбаз, геометрик нақшлар билан бойиди. Минорали маҷитлар, гумбазли мақбаралар пайдо бўлди. Деҳли янги Інди斯顿 мусулмон меъморчилигининг маркази бўлиб қолди.

XII–XIII асрларда бунёд этилган Кутб Минор, Қувватул ислом мачити ва шунга ўхшаш иншоотлар ўша давр ёдгорликла-

ридандир. Ўрта асрларда Ўиндишонда равнақ топган аксар касб-ћунарларнинг (гул тикиш, кашта тикиш, гилам тўкиш, ёрочга ўйиб наќш солиш) у ерда расм бўлишига ўз даврида Ўрта осиёлик ажойиб ћунарманд усталар сабабчи бўлганлар.

Бобурийлар даврининг дастлабки меъморчилик ва тасвирий санъат намуналарида темурийлар сулоласи ћукронлик ќилган давр санъати хос анъаналарни кўриш мумкин.

Ўиндишонда мавжуд бўлган Жантар-Мантар расадхонаси һам Самарқанддаги Улугбек расадхонаси асосида ќурилган деб айтиш мумкин. Чунки уларнинг ўхашаш томонлари жуда кўп.

XVI аср II ярмида Ўрта Осиё ва Ўиндишонда нисбатан кучли марказлашган давлатлар вужудга келди. Бобурий Акбаршоҳ (1556–1605) таҳтга чиқиши билан деярли бир вақтда Бухородаги ћокимият шайбонийлар сулоласининг сўнгги ћукмдори Абдуллахон (1557–1598) кўлига ўтди.

Акбаршоҳ даврида Бобурийлар империяси шимолда Тибет чегараларидан тортиб, жанубда Тодавари дарёси, ғарбда Гужоратдан то шарқда Бентал кўрфазигача ёйилди.

Абдуллахон подшолиги вақтида Бухоро хонлиги һам катта ћудудни – Мовароуннаҳр, Даҳти Қипчоқ ва Хурросонгача бўлган ерларни бирлаштириб, ћарбий-сиёсий жиҳатдан кучли давлатга айланди.

XVIII асрнинг бошлиригача бу улкан давлат социал-иқтисодий ва маданий соћаларда тараќкий этди, унда илм-фан, санъат ва адабиёт кенг ривож топди. Бу мамлакатда ва унинг пойтахти Бухорода ички савдо һам, чет давлатлар билан савдо-сотик муносабатлари һам кенгайди. Хусусан, кўшни Ўиндишон билан савдо алоқалари яхши йўлга кўйилди.

Ўша даврда Ўрта Осиё билан Ўиндишон ўртасидаги савдо йўли Кобул ва Қандаҳор орқали ўтар эди. Бобурнинг ёзишича «Ўиндишон билан Хурросон орасида ћушки йўлдин икки бандардур. Бири Кобул, яна бири Қандаҳор. Кошғар ва Фарғона, Туркистон ва Самарқанд, Бухоро ва Балх, Ўисор ва Бадахшондан карвон Кобулга келур. Хурросондан карвон Қандаҳорга келур. Ўиндишон билан Хурросонда восита бу вилоятдир. Бисёр яхши савдохонадир. Ҷар йили етти-саккиз-ўн минг от Кобулга келур. Қўйи Ўиндишондин ўн-ўн беш-йигирма минг уйлиқ, карвон Кобулга келур. Ўиндишондин қанд, набот, шакар, эко-

ќир келтирурлар... Хуресон, Ироќ, Рум, Чин матойи Кобулда топилур<sup>1</sup>.

Кобулнинг Ўрта Осиё–Ҳиндистон ўртасида катта аћамият қасб этганлигига сабаб икки мамлакатга яќинлигидир. Кобулда Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида алмашинадиган моллар тури хилма-хил бўлган. Айнан шу йўл орқали Ҳиндистондан тури хил зираворлар, дори-дармонларни олиб келишган. Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга эса ћар хил навли меваларни олиб ўтишган.

XVI аср бошида Гарбий Ҳиндистоннинг бир қанча портлари португаллар қўлига ўтиши туфайли бобурийлар империяси денигиз савдосидан маћрум бўлдилар. Натижада Кобул ва Қандаҳор карvon йўлини Ҳиндистон ташки савдоси учун аћамияти янада ошди. XVI асрдаёк мазкур савдо йўллари орқали ћар йили 14 минг юк ортилган туялар ўтарди. Ҳолбуки илгари юк ортилган туялар сони 3 мингдан ошмас эди. Шоћ Акбар даврида (1556–1605) яшаган Ҳинд тарихчиси ва давлат арбоби Абулфазни «Оини Акбар» асарида айтилишича Турон, яъни Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга келтирилган мевалар ќаторида тарвуз, олма, бећи, нок, анор, олхўри, майиз, узум, бодом, писта бўлган.

XVI аср иккинчи ярмида Ўрта Осиёга сафар қилган инглиз сайди Женкинсон Бухорони Ҳиндистон билан савдо алоқалари ћакида гапириб, жумладан шундай ёзганди: «Бухоро шаћрида кўшни мамлакатлар: Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа ўлкалардан катта карvonлар билан келган савдогарларнинг йиғини ўтарди... Мазкур мамлакатлардан келтириладиган асосий моллар ќуйидагилардан иборат эди: бухороликлар бошта ўрайдиган нафис оќ матолар ва кийимлик учун оќ газмоллар, Бухородан эса Ҳиндалар ипак газлама, хом тери, қуллар ва отлар келтиради»<sup>2</sup>. Бухорога келтириб сотиладиган моллар ичida айниќса кашмир шойиси машћур эди. Улар икки хил навли бўларди. Биринчиси, маћамий жундан ишланиб, жуда нозик ва

<sup>1</sup> Бобур З.М. Бобурнома. 1-қисм (нашрга тайёрчилар Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев). – Т., 1948. –С. 153.

<sup>2</sup> Джэнкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 годах. –С.156. См. Английские путешествие в Москве XVII в... –М., 1937. –С. 184-185.

майин, иккинчиси эса ёввойи эчкilarнинг юнгидан тайёрланган ва олдиндан қимматроқ бўлиб, ниҳоятда юмшоқ ва нафис бўларди. Кўпчилик яхши билган тотли ва мазали Самарқанд нони бошқа ҳеч бир жойда етилиб пишмаганидек кашмир шойисини Ўинди斯顿нинг бошқа ўлкаларида тайёрлаш мумкин эмасди. Ўар йили кўплаб Ҳинд карvonлари Кашмирдан Мовароуннағр ўлкасига, Бухоро томонга йўл олиб, қайтишда эса улар мушк, равоч, кўзни даволайдиган ўсимлик илдизини олиб келардилар.

Ҳинди斯顿да 12 йил яшаб, 9 йил бобурийлардан Аврангзеб (1618–1707) саройида табиблик қилган француз сайёни Франсуа Бернье (1625–1688) ўзининг «Буюк Мўғул давлатидаги сўнгги сиёсий тўнтаришлар тарихи» номли ноёб асарида қайд этишича, Деълида катта меваfuрушлик бозори бўлган ва унда Эрон, Балх, Бухоро ва Самарқанддан қуруқ мевалар келтирилган. Бунда данак мағзи, писта, ёнгоқ, майиз, олхўри, туршак харид қилишарди. Киш палласида бу бозорда мазкур мамлакатлардан паҳтага ўраб олиб келинган хилма-хил узумлар, шунингдек нок, олма, ширин қовунлар сотилган<sup>1</sup>. Деъли дўконларида чиройли, нозик, нафис матолар, тилла ва кумуш иплар билан тикилган ипак газламалар, тилла каштали саллалар, кимхоб-зарбоф парчалар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилишган.

Балх ва Самарқанд хонлари Аврангзеб ҳузурига ўз элчиларини юборганда шаҳзода Аврангзеб (ўз отаси Шоҳ Жаҳон ўрнига тахтга чиқиши арафасида) уларни катта ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олади. Аврангзеб ҳар бир элчига сарупо-кимхоб камзул, салла, белбоғ совға қиласи. Шунингдек, у элчи-ларга ложувардан ишланган сархил қутичаларни, бир неча узун юнгли туяларни, чиройли отларни, Мовароуннағрдан келтирилиб, бир неча туяларга ортилган хўл мевалар, жумладан нок, олма, узум, қовун, шунингдек қуруқ мевалар, Бухоро олхўриси, ўриқ, кишиш, майиз совға қиласи. Элчилар 4 ойдан сўнг ватанларига қайтганларида Ўинди斯顿 подшоҳи уларнинг ҳар бирига 8 минг рупия ҳамда ўз хонларига топшириш учун қимматбаҳо парчалар, газмоллар, тилла ва кумуш иплардан ти-

---

<sup>1</sup> Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. Пер. с. фр. – М.Л., 1936. – С. 220.

килган чиройли гиламлар, қимматбаҳо тошлар қадалган ханжарларни һадя қиласи<sup>1</sup>.

Бухоро билан Ҷинди斯顿 үртасида доимий савдо-сотиқ шу ишга мутасадди бўлган маҳсус савдогарлар орқали һам амалга оширилган ва бундай шахсларга жуда катта һукуқ берилган. Чунончи, Ҷинди斯顿 подшоҳи томонидан бухоролик савдогар Охунд Хўжа Аваз ва унинг шерикларига берилган ёрлиқда Шоҳ Жаҳон мазкур савдогарларга ўз муруввати ва марҳаматини кўрсатади ва ћеч кимса уни Ҷинди斯顿га келганида ва кетганида унга жабр-ситам кўрсатмайди ва бирор важдан уларни ушлаб ќолмайди деб айтилганди<sup>2</sup>.

Ҷинди斯顿дан Бухорога хилма-хил буюмлар билан би ќаторда чой, шакар, дори-дармонлар, гул солинган газламалар, шойи рўмол, дока, атторлик моллари, парча, духоба, тилла толали кўйлаклар, чодирлар, тилла наќшли ханжарлар, қиличу ќалконлар, пул, марварид, қимматбаҳо тошлар, тилла ва кумуш ём билар, тилла безаклар келтирилиб сотилган. Бу моллар орасида чой энг асосий ўринни эгалларди. Чой билан савдо қилиш Ҷиндлар учун ниҳоятда фойдали ва улар һақиқаттан һам Бухорода чой савдосини монополия қилиб олган эдилар.

Бухородан Ҷинди斯顿га от, туя, ов қушлари (лочин, бургут), ипак буюмлар, сувсар ва қундуздан тайёрланган пўстинлар, эчки тивити, чарм, хом тери, чинни идишлар, қуруқ ва хўл мева һамда бошқа моллар келтирилган.

Ҷинд савдогарлари учун Бухоро нафақат Ҷинд ћунармандчилик буюмларини сотадиган бозор, балки судхўрлик ишлари натижасида кўлга киритилган сармоя қўйиладиган жой һам ћисобланган. Шунинг учун һам Ҷинд жамоалари Ҷинди斯顿–Ўрта Осиё иктисодий муносабатларини ривожлантириш маќсадида Кобул билан бир ќаторда Бухорода һам маскан қурган эдилар. Ҷиндларнинг Бухородаги тадбиркорлик фао-

---

<sup>1</sup> Там же, с. 129-130.

<sup>2</sup> Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. – Л., 1932. –С. 138-139.

лияти Бухоро амири хазинасига катта даромад келтиришини ўз вақтида тарихчилар қайд этиб ўтган эдилар<sup>1</sup>.

Бухоро хонлиги билан Ўиндиштон ўртасидаги карвон йўлини ривож топиши билан Бухоро шаҳрида алоҳида ҳинд маъаллала-ри ҳам бунёд бўлган. Жумладан, тарихчи Муҳаммад Юсуфнинг ёзишича, Бухорода Ҳиндуларнинг маъалла оқсоқоли ҳам мавжуд бўлган<sup>2</sup>. Бу ергаги Ҳиндулар савдо-сотик фаолияти билан ҳам шуғулланганлар.

Бухородаги Оламхона карвонсаройида асосан Ўиндиштоннинг Шикарпур шаҳридан келган Ҳиндулар жойлашарди.

Манбаларнинг далолат беришича, XVI–XVIII асрларда Бухоро хонлиги билан Бобурийлар империяси ўртасида кенг миқёсда «хон» ёки «шоҳ» савдоси деб ном олган имтиёзли савдо-сотик ҳам мавжуд бўлиб, уни иккала томон Ҳукмрон доиралари ўзларининг ишончли кишилари томонидан амалга оширганлар. Бу имтиёзли савдога пошлина ёки солик солинмаган. Хон ёки шоҳга мансуб икки томоннинг маҳсус соқчилари томонидан муҳофаза қилинарди.

Ҳиндиштондан қимматбаҳо тошлар, марварид, чой, индиго, дока, ипак матолар, заргарлик буюмлари, бўёқ, атторлик моллари ва ҳ.к. олиб келинар эди.

Ўрта Осиёдан эса ипакдан тикилган моллар, мовут, чит, гилемлар, мўйна жўнатилар эди. Жамму ва Кашмирдаги каштачалик, гилам тўкиш, ёғоч ўймакорлиги, газмол ишлаб чиқариш Самарқанд, Кўкон ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан келган ҳунармандлар таъсирида ривожланган.

Савдо алоқаларининг кенгайиб бориши натижасида савдогарлар Ўиндиштондан кўпроқ Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган ва бошқа шаҳарларга кела бошлаганлар. Бу шаҳарларда Ҳиндулар маъаллалари ташкил топди. Улар ўз дўконларига эга бўлганлар ва бу ерларга келиб ойлаб, йиллаб қолиб кетганлар. Уларнинг турадиган маъаллаларини ўзлари сайлаган оқсоқоллар бошқариб туришган. XIX аср бошида Бухорода Шикарпурдан

---

<sup>1</sup> Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию в 1558-1560 годах. –С.156.  
См. Английские путешествие в Москве XVII в... –М., 1937. –С. 184.

<sup>2</sup> Муҳаммад Юсуф Мунши. Муким-ханская история. –Т.: Изд. АН УзССР, 1956. –С. 84-85.

келган 200 нафар һинд Мултондан келган 50 та сикхлар яшар эдилар. Уларнинг айримлари уй-жой, ер, боғ-роғлар, карвонсаройларга эгалик қилишарди.

XVI асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Ҳинди斯顿нинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида Бобур ва бобурийларнинг роли кучайди.

Бобур Ҳинди斯顿га бир олим сифатида ёки йирик давлатнинг элчиси сифатида келди. У ўз сиёсатини барпо қилиш учун Афғонистон, сўнгра Ҳинди斯顿 тупроғига қадам қўйди.

Бобур Ҳинди斯顿даги сиёсий арбобларни ўзига қаратиб олиш йўли билан ва, ниҳоят, ўзининг ўткир сиёсий ва ҳарбий тактикаси орқали 1526 йилда Ҳинди斯顿нинг забт этишга эришиб, бу ўлкада бобурийлар империясига асос солди.

Ҳинди斯顿да бобурийлар империясининг барпо қилиниши кўп жиҳатдан ижобий натижаларга олиб келди, чунончи, у даврага қадар Ҳинди斯顿 майда, тарқоқ хонликлардан иборат бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро низолар маданият иқтисоди ва санъатнинг тараққий этишига тўсқинлик қилган. Халқ яратган кўплаб маданий бойликлар давлатлар ва подшоҳлар ўртасидаги тўхтовсиз курашлар натижасида йўқ бўлиб кетган. Шу жиҳатдан Бобурнинг Ҳинди斯顿да марказлашган кучли давлат империя барпо қилиши феодал тарқоқликка чек қўйди ва натижада Ҳинди斯顿 халқ хўжалигини тараққий қилишида, фан ҳамда адабиёт, санъатнинг юксалишида ижобий роль ўйнади. Ҳинди斯顿да адабиётнинг ривожланишида ўз замонасининг етук шоири ва моҳир насрнависи Бобурнинг лирик ижоди ҳамда «Бобурнома» асари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, Ҳинди斯顿ни Искандар Зулкарнайн, Маҳмуд Газнавий, Аҳмадшоҳ Дурроний, Нодиршоҳ ва бошқалар ҳам босиб олган эдилар. Улар мамлакатни таладилар, унинг олтин-кумушларини ўз юргларига олиб кетдилар. Ўз ватанидан абадий қувилган Бобур эса Ҳинди斯顿да ўз давлатига асос солди, Ҳинди斯顿ни ўзининг иккинчи ватани деб билди. Шунга кўра Бобур давлатининг иқтисодий ва маданий соҳада кучайиши, айни вақтда Ҳинди斯顿нинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожланиши ҳам деб тушунилиши керак.

Бобур империясида сүгериш соңасида катта ишлар қилинди. Бобурнинг кўрсатишича, Агра, Лоҳур, Девопур ва боша кўп шаҳар ва вилоятларнинг сувсиз ўлкаларида қудуқлар қазиб сув чиқарилди ва қуриб-қақшаб ётган ерлар экин майдонларига ҳамда боғларга айлантирилди<sup>1</sup>.

Бобур Ўиндиштонда кўплаб мактаблар, мадрасалар, кўприклар, йўллар, карвонсаройлар, масжидлар, иморатлар қурдирди.

Бобур ва бобурийлар даврида Ўиндиштонда кўп ҳашаматли бинолар меъморчиликнинг «Ҳинд-мусулмон» услубида қурилди ва безатилди. Курилиш ва безатишдаги «Ҳинд-мусулмон» услуби бинокорлик ишида Ҳинд халқи ва Ўрта Осиё халқлари кўлга киригтан ютуқлар асосида такомиллаштирилган услугуб эди.

Олимларнинг таъкидлашича, Тож Маҳал Самарқанддаги Амир Темур маёбараси гўри Амирга тўғридан-тўғри тақлид қилиб солинган. Меъморчиликдаги «Ҳинд-мусулмон» услуби ҳақида Ж. Неру шундай дейди: «Бу Ҳинд-мусулмон санъати жимжимадор безаклар ишлатиш услугуга кўра шимол ва жанубда қурилган ибодатхона ва бошқа бинолардан ўзининг ажойиб меъморий фазилатлари билан ажралиб туради»<sup>2</sup>.

Бобур ва бобурийлар даврида Ўиндиштон фани, адабиёти ва санъатининг юксалишида Бобур билан бирга Ўрта Осиёдан Ўиндиштонга келган ҳамда Хусайн Байқаро вафотидан сўнг Ўиротдан Деълига келган кўп олим, шоир, фан ва санъат арбобларининг роли катта бўлган эди. Булардан машҳур тарихчи Хондамир, замонасининг тажрибали табиблари Мавлоно Юсуф, Хўжа Низомиддин Али, Абулбақо, адаб ва уламолардан Шайх Зайн Садр, Шайх Абдул Воҳид Фориғий, Навоийнинг суҳбатдоши бўлган Султон Муҳаммад ва бошқаларни кўрсатиб ўтиши мумкин.

Тарихчи-Ҳиндшунос Б. Обидов ёзганидек, Ўиндиштон – Марказий Осиё алоқалари айнан бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда ўз чўккисига етди. Чунки ҳудди шу даврга келиб икки минтақа ўртасидаги маданий яқинлашув жараёни тезлашди ва ҳар жиҳатдан бу ўзаро қўшилув янгича изжобий синтезни вужудга келтирди. Марказий Осиё халқларининг ўзига хос маданияти,

<sup>1</sup> Бобур З.М. Бобирнома. 2-қисм. – Т., 1949. –Б. 103-104.

<sup>2</sup> Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955. – С. 278-279.

миллий анъаналари, санъати, адабиёти һам икки ўлка халқлари алоқалари жараённада бир-бирига таъсир қилиб, бир-бирини бойитди<sup>1</sup>.

Бобур асос соглан империя унинг авлодлари даврида Ўиндиштоннинг аксарият ерларини бирлаштирган кучли марказлашган давлатга айланди.

Ўрта Осиё билан Ўиндиштон ўртасидаги сиёсий алоқалар XV–XVII асрлардан эътиборан дипломатик муносабатларга асосланади.

Ўрта Осиё ва Ўиндиштон халқлари ўртасидаги сиёсий, маданий ва дипломатик алоқаларнинг ривожланишида Абдураззоқ Самарқандийнинг Ўиндиштонга қилган сафари катта аҳамият қасб этади.

Атоқли тарихчи ва ўз замонасининг буюк давлат арбоби Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурнинг ўғли Эрон ва Турон һокими, Шоҳруҳ саройига яқин кишилардан бўлиб, кўпинча элчилик вазифасини ўтган.

У 1442 йилда Ўиндиштонга элчи қилиб юборилади. У икки жилдан иборат «Матлаи саъдайн ва мажмаи-Бахрайн («Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг кўшилиши») номли асарининг иккинчи жилдida Ўиндиштонга қилган сафари һақида һикоя қиласи. У Ўиротдан Эрон шаҳарлари ва Уммон (Араб денгизи) орқали Ўиндиштоннинг Каликут шаҳрига келади. Элчилар бир неча вақт Каликутда туриб, сўнгра у ердан Бижонагарга боради.

Абдураззоқ Самарқандий бошлиқ элчилар 1443 йилнинг ноъабрь ойида Бижонагар подшоҳи томонидан Шоҳруҳ давлатига тайин қилинган һинд элчилари билан бирга йўлга чиққанлар ва Мангалор, Хурмуз орқали 1445 йилнинг январида Ўиротга етиб келганлар.

Беруний каби Абдураззоқ Самарқандий һам ўз асарида Ўиндиштоннинг ижтимоий һаёти, һиндаларнинг урф-одатларига оид қимматли маълумотларни келтирган. Муаллиф һиндаларни

---

<sup>1</sup> Обидов Б. Бобурийлар даврида Ўиндиштон ва Туркистон алоқалари (XVI–XVII асрлар). «Ўзбек дипломатияси тарихидан». – Т., 2003. –Б. 104-105.

зўр эҳтиросли санъаткор, мусиқа ва рақсларни маҳорат билан ижро этувчи халқ деб тасвирлайди.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ўиндиштон сафарномасида келтирилган нодир тарихий маълумотлар Ўрта Осиё билан Ўиндиштон халқлари ўртасида қадим замонлардан бошлаб олиб борилган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар XV асрда ҳам мавжуд эканлигидан далолат беради. Сафарнома жанубий Ўиндиштон халқларининг ўрта асрларда эришган иқтисодий ва маданий даражалари, давлат тузуми, савдо муносабатлари хақида тарихий манбаларда ҳам учрайдиган муҳим далилий маълумотларга бойлиги билан ҳам тарих фани учун жуда катта аҳамиятга эгадир<sup>1</sup>.

«Бобурнома»нинг мантиқий давоми Мирза Муҳаммад Ҷайдарнинг Тарихи Рашидий асаридир. У 1499 йили Тошкентда туғилган, онаси Хуб Нигорхоним – Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг синглиси. Улар иккенинг ҳам тошкентлик Юнусхоннинг қизлари эди. Шундай қилиб, Мирза Ҷайдар Бобурга холовачча бўлади. Отаси Ҷусайн Кўрагон Тошкент ва Ўратепа ҳокими бўлиб, 1508 йилда дўстлари уни Кобулга элтиб, Бобурга топширганлар. Мирза Ҷайдар аввало Бобур ёнида, сўнг Қашқар, Ёркент, Оқсув Мўгулистон, Тибет, Ўиндиштон, Кашмирда турли вазифаларда ишлади. Бобурнинг далолат беришича, Мирза Ҷайдар ўқимишли, ўткир қаламли, ширин забон ва серғайрат инсон бўлган. Мирза Муҳаммад Ҷайдар «Тарихи Рашидий» асарининг муаллифи бўлиб, уни Қашқар ва Ёркент ҳокими Абдурашидхонга (Абдурашид бин Султон Сайдхон бин Юнусхон) бағишлаган. У ўз асарини 1541–1547 йилларда ёзиб тамомлаган.

Мазкур ноёб ва нодир асар икки қисм, 117 бобдан иборат бўлиб, унда Қозоғистон, Шарқий Туркистон (Хитойнинг Синжон вилояти), Афғонистон, Тибет ва Ўиндиштон халқлари этнографияси, жўғрофияси, ижтимоий-сиёсий тузуми ва тарихига оид қимматли маълумотлар мавжуд. 1533 йилда Мирза Муҳаммад Ҷайдар Лоҳурда Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо саройида маскан топди. 1539 йилда эса Ҷумоюнга ёрдам бериб, Кашмирни

<sup>1</sup> Қаранг: Абдураззоқ Самарқандийнинг Ўиндиштон сафарномаси. Форсчадан А. Ўринбоев таржимаси. –Т., 1960.

эгаллайди ва у ерда Бобурийлар номидан, амалда мустақил һо-  
ким сифатида һукм суради. 1551 йили Мирза Җайдар төглик  
қабилалар билан түкнашувда һалок бўлади. Тибет ва  
Ҳиндистонга һарбий юришлар қилган Мирза Муҳаммад Җайдар  
бу ўлкалар һакида фойдали маълумотлар ёзиг қолдирган.  
Айникса, унинг Кашмир табиати, иёклими, урф-одатлари,  
иқтисоди, тарихига оид һамда Бобур ва бобурийларга тегишли  
қарашлари диккатга сазовордир. Мирза Җайдарнинг «Тарихи  
Рашидий» китоби Заһриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурно-  
ма» мемуар асари сингари шахсан муаллифнинг қўрганлари ва  
кузатувлари замирида яратилган<sup>1</sup>.

Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий алоқалар  
XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларидан эътиборан мунтазам  
дипломатик муносабатларга асосланади. Бу даврда Ҳиндистонда  
Акбар (1556–1605), Ўрта Осиёда Абдуллахон һукмдорлик  
қиласди. Ўз замонасининг анча кучли давлатларидан саналган  
Абдуллахон салтанати Мовароуннаһр, Хурросоннинг бир қисми  
ва Бадахшон ўлкасини ўз ичига оларди, бобурийлар империяси-  
нинг һарбий туманлари Кобул ва Бадахшон ўлкаларигача ҷузил-  
ган эди. Шундай қилиб, XVI аср ва XVII аср бошларида  
Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда ташкил топган давлатлар бир-  
бирлари билан қўшни эдилар. Бу даврда Эронда давлат бошида  
сафавийлардан бўлган шоҳ Аббос (1587–1628) туради. Эрон  
шоҳ Аббос замонида кучли мамлакатга айланган эди. Ўша замонда  
шоҳ Аббос, бир томондан Бобурийлар империясига ва  
иккинчи томондан Абдуллахон давлатига қарши курашा�ётган  
эди. Бу һол һар икки қўшни давлатни сафавийларга қарши ку-  
рашда бирлашиш ва иттифоқ тузишни такозо этган эди. Бунинг  
натижасида һар икки давлат ўртасида мунтазам дипломатик му-  
носабатлар ўрнатилди. 1572 йили Бухоро хонлигининг Хўжа  
Алтамиш бошлиқ элчилари Акбар саройига етиб келди ва Бухо-  
ро хони Абдуллахоннинг икки мамлакат ўртасидаги дўстлик  
алоқаларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги хабарини Ҳиндистон  
һукмдорига етказди. Бундан мақсад бошқа қўшни давлатлар

---

<sup>1</sup> Мирза Мухаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. Введение, пер. с перс.  
А. Урунбаева, Р. П. Джаловой, Л.П. Епифановой. –Т., 1996.

ћужуми хавфига ќарши иттифоќ тузиш бўлган эди. Акбар Бухорга жавобан ўз элчисини юборишга шошилмади.

Шунга ќарамай, 1577 йили Абдулахон Акбар саройига Абдурәим бошлиќ иккинчи элчисини юборди. Акбар бунга жавобан Мирзо Пўлат бошлиќ элчисини Бухорога жўнатди. Бу элчиларнинг вазифалари бутунлай сиёсий масалаларга ќаратилган бўлиб, бобурийлар Эрондаги Ҷандаҳорни, Бухоро хони эса Бадахшонни ўз давлати таркибиға ќўшиб олишни режалаштирган эдилар. Акбар эса Бадахшонни Абдулахон тасарруфига ўтишидан норози эди.

Бадахшонни Абдулахон томонидан забт этилиши Кобул ћокими Муҳаммад Ҷакимни саросимага солиб ќўйди. Вазият жиддийлигини сезган Акбар Кобулга машҳур лашкарбошиси Ман Сингхни юборди. У тезда шаҳарда тартиб ўрнатди.

Шу аснода Бухоро хони Ҷиндишонга обрўли амалдорлардан Мир Курайш рађбарлигига элчилар жўнатди. У ўзи билан совѓа сифатида бир ќанча нафис моллар олиб борган эди. Элчиларнинг асосий вазифаси Бадахшон Бухорога ќўшиб олингандан сўнг Акбарни Бухоро хонлигига муносабатини билиш бўлган. Акбар Мир Курайш элчиларни узоќ вақт ќабул ќилмайди, туррихчиларнинг таърифлашларича, Акбар Каширни ўз давлатига ќўшиб олгандан сўнг элчиларни ќабул ќилмоќчи эди. Шундай ќилиб, Акбар Бухоро элчиларини 1586 йили 14 марта ќабул ќиласди. Акбар ћукмронлигининг 30 йиллиги (яъни 1586 йил)да Ҷиндишоннинг Ўрта Осиёдаги расмий кишиси Муҳаммад Ҷаким Ҷиндишонга Мирзо Шоҳруҳ ва Мирзо Сулаймон бошлиќ элчиларни юборади. 1587 йилда эса Ўрта Осиёдан Акбар саройига Мир Курайш бошлиќ расмий элчилар юборилади. Элчилар Ҷиндишон чегарасига етиб келганларида чегара маъмурлари уларни самимий кутиб олади. У ердан элчилар ћинд ќуролли ќисмлари ћимоясида Деълига етиб келдилар. Дўстлик сафари билан Ҷиндишонга келган Ўрта осиёлик элчилар Деълида бир ќанча ой туриб, Акбар томонидан Абдулахон саройига тайинланган Ҷаким бошлиќ ћинд элчилари билан ўз ватанларига ќайтадилар. Ҷинд элчилари Акбарнинг Абдулахон номига ёзган хатини ва бир лакх (юз минг) рупий танга ва бошқа ќимматбаҳо зебу зийнатлардан иборат тућфаларни олиб келди-

лар. Акбар Абдуллахонга ёзган хатида Эрон шоҳи Аббосга қарши бирга курашиш кераклиги, ўз мамлакатлари орасида дўстлик муносабатларини ўрнатиш зарурлиги тўғриида ёзади. Ўнинг элчиларини Абдуллахон ҳинд одати бўйича қабул қиласиди. Элчилар Ўрта Осиёда икки йилга яқин бўладилар, сўнгра катта туғфа ва тортиқлар билан Ўндинистонга қайтиб кетадилар.

1590 йили Мавлоно Ўсайн бошлиқ Абдуллахоннинг янги элчиси ҳам Акбар ҳузурига етиб келади.

1596 йили Хожи Ашраф Нақшбанд ва Султон Ўсайн Лакхнав бошлиқ Акбаршоҳ элчилари Бухоро томон йўлга чиқадилар. Элчилар Абдуллахонга Акбаршоҳнинг катта совға-саломлари билан ўзаро дўстликни мустаҳкамлашни таъкидловчи мактуб ҳам олиб келган эди. Акбаршоҳ элчилари 1597 йил 9 сентябрда Бухорога етиб келадилар. Абдуллахон уларни катта иззат-икром билан кутиб олади. Акбардан кейинги император Жаҳонгирни (1605–1627) таҳтга ўтиргани билан табриклиш учун Имомкулихон (1611–1642) Жаҳонгир саройига элчи юборади. Бунга жавобан Ўндинистондан Ўрта Осиёга замонасининг атоқли олими Ўаким Ўозик бошлиқ элчилар келади. Элчилар ўзлари билан қимматли совғалар қўшиб жўнатиладилар. Совғалар орасида қимматбаҳо тошлар қадалган чодир кишининг диккатини ўзига тортар эди. Айтишларича, бу чодир унга қадалган олтин ва қимматбаҳо тошларнинг нархи бутун Ўндинистондан йиғилган бир йиллик хирож солигига баробар эди<sup>1</sup>.

Ўаким Ўозикдан аввал Бухорога Бирка номли элчи келган. Унга жавобан Бухоро ҳам Хўжа Абдураҳим бошлиқ ўз элчисини Ўндинистонга юборган. У қимматбаҳо совға-саломлар, яни тулки терисидан тикилган пўстинлар, чопқир отлар ва туялар, гўзал муқовали китоблар олиб сафарга чиқади. Элчилар чегарадан ўтиши биланоқ Ўндинистон ҳукуматининг эътиборига, илтифотига мусассар бўладилар. Уларнинг бу элдаги кундалик сарф-харажатлари учун кунига минг рупий инъом этадилар. Жаҳонгиршоҳ элчиларни тантанали қабул қиласиди. Элчига эллик минг рупий инъом этилиб, ҳар куни катта зиёфат берилади.

---

<sup>1</sup> Муҳаммад Юсуф Мунший. Тарихи Муқимхони (русчага А.А. Семенов таржима қилган). – Т., 1956. –Б. 89.

Акбаршоһ (1556–1605), Жаһонгиршоһ (1605–1627) ва Шоһ Жаһон (1628–1659) даврида Җиндистон билан Ўрта Осиё ўртасида ўрнатилган сиёсий муносабатлар Аврангзеб (1659–1705) даврида һам давом этди. 1661 йил декабрда Аврангзеб Бухордан ташриф буюрган элчи Хўжа Аҳмад ал-Ҳусайнӣ Накшбандийни қабул қиласи. Элчи һинд подшоһига Бухоро хони Абдулазизнинг (1645–1680) мактубини топширади һамда унга отлар, туялар, қимматбаҳо буюмлар совға қиласи. Совғаларнинг ичидаги 24 минг рупий қимматга эга бўлган лаъл һам бор эди. Қабул куни элчига тўн, қимматбаҳо ханжар ва 24 минг рупий һадя қилинади. Элчилар таркибида Хушхолхон, Жавҳархон, Мирзабек, Миршакар, Латифбек Мироҳур ва бошқалар бўлиб, уларга һам совғалар инъом қилинган. Абдулазизхон Хўжа Аҳмад орқали юборган мактубида Аврангзебни тахтга чиқиши муносабати билан табриклайди һамда икки ўртадаги дўстона муносабатлар давом этишига ишонч билдиради.

1665 йилнинг 13 июлида Җиндистондан Бухорога Мустафохон Хофий бошчилигидаги элчилар Абдулазизхонга Аврангзебнинг жавоб мактубини етказадилар.

Шунингдек, бобурий подшоҳ Абдулазизхонга бир лакх (юз минг рупий), 50 минг рупий миқдорида совға һадя қиласи. Мустафохон бошчилигидаги элчилар 1666–1667 йилларда Җиндистонга қайтиб келадилар. Мустафохон юқори мансабга муносиб қўрилиб, Бакхара һокими этиб тайинланади.

1669 йил 11 майда Җиндистонга Бухоронинг элчиси Рустамбий, сўнг Балх һокимининг элчиси Хушбек келадилар. Рустамбийга бобурий подшоҳ Аврангзеб турли хил совғалар һамда икки лакх рупий, Хушбекка эса 50 минг рупий һадя қиласи. Рустамбий билан бирга Бухорога һинд элчиси Яккатаҳон жўнайди ва Абдулазиз учун икки лакх рупийга тўғри келадиган қимматбаҳо буюмлар ва тўққизта от олиб борилади.

1671 йил Җиндистонга Бухоро элчиси Муҳаммад Шариф ташриф буюради ва у Аврангзеб қабулида бўлиб 5 минг рупий, тўн ва эгари тилла тақинчоқлар билан безатилган отга муносиб қўрилади. Бухорода 6 йил истиқомат қилган Яккатаҳон эса 1675–1676 йилларда Бухоро элчиси Мулла Муҳаммад Тоҳир билан Җиндистонга қайтади. Элчини Җиндистонда катта

Ҳурмат-эҳтиром билан кутиб оладилар. Аврангзебни биринчи бора қабулида 4 минг рупий, тахтиравон, гилам, у билан бирга келган сафдошларини эса ҳар бирини 2 минг рупий билан тақдирлайди. Мамлакатдан жўнаётган пайтда элчи фил, 10 минг рупий ҳамда қимматбаҳо тошлар қадалган ҳассага мушарраф бўлади. Бухоро элчисига тахтиравонни ҳадя қилиниши унга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилганидан далолат беради.

Бухоро хони Субхонқулихон (1680–1702) ҳам Ҳинди斯顿га элчи Мир Абдураҳмон Хўжа Садирни юборади. У Аврангзеб номига ёзилган мактубида «Сон-саноқсиз ва машъум душманлар Бухоро ҳудудига ҳужум қилиб, жаннатмакон Самарқандни топтадилар, аммо тез орада исёңчиларнинг қилмишлари барбод бўлди ва улар пок ўлқадан илдизи билан юлиб ташланди, шу боис ушбу хушхабарни Сизга етказмоқ ниятида Ҳинди斯顿га элчи Мир Абдураҳмон Хўжа Садр юборилди» деб битилган эди<sup>1</sup>. Машъум душман Хоразм хони Анушаҳон бўлиб, у 1684 йили У Самарқандга ҳужум қиласиди ва уни вақтингчалик егаллади. Бу элчининг мақсади Бухоро билан Ҳинди斯顿 ўргасидаги тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган эди.

1684 йил 12 апрелда «Забардастхон» унвонига сазовор бўлган Вафодорхон Аврангзеб томонидан Бухорога элчи этиб тайинлади ва у мактубда ёзилганидек, «улугъ шарафга лойик энг покиза хонадоннинг вакили бўлмиш Субхонқулихон»га 15 минг рупий қийматига эга битта фил ва хилма-хил қимматбаҳо буюмларни топширади. Забардастхон орқали Бухорога юборилга мактубда ҳинд ҳукмдори ўзининг Декандага ғалабалари ҳакида мусфассал баён қиласиди<sup>2</sup>.

Маълумки, Аврангзебнинг Dekандаги урушлари шиддатли тус олиб, узоқ давом этган. Подшоҳнинг ғалабага эришиши мамлакат чегарасига яқин бўлган кўшни ўлкаларда ҳам осойишталик ҳукм суришини тақозо қиласиди. Шу боис, Забардастхоннинг мақсади Бухоро билан дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашдан иборат эди. Элчи Бухородан жўнаб кетганидан сўнг Субхонқулихон «ҳинд элчиси Забардастхон билан туз-

<sup>1</sup> Низомиддинов И. «Маасир-а Аламгири» как источник по внешнеторгическим отношениям Индии. «Индия». – Т.: изд. «Фан» Уз ССР, 1973. –Стр. 101.

<sup>2</sup> Муҳаммад Юсуф, Муким-ханская история. – Т. 1956 стр. 140-145.

ган шартнома»га биноан Эронга қарши юриш бошлаган эди. Субхонқулихон элчи Надирбий орқали 1688–1699 йилларда Ҷиндистонга юборган мактубида «биз иттифоқ ва бирлик асосида машъум шиаларга қарши олижаноб режани амалга оширишга киришдик» деб таъкидлаган эди. Мактубда Бухоро қўшинлари 20 та Эрон қалъари билан бирга Болои Мурғоб вилоятини забт этгани ҳақида ҳам хабар қилинган эди. Ҷинд подшоси Надирбийга тўн, қимматбаҳо тошлар, отлар, филлар ва катта миқдорда пул ҳадя қиласи. Шахсан Бухоро хонига етказиш учун элчи орқали кўплаб қимматли, нодир буюмлар ва матолар юборилади.

Субхонқулихон Надирбийдан сўнг Ҷинд ўлкасига яна бир бошқа элчи Шоҳбекбийни жўнатади. Хон мактубида ўзининг эронийлар устидан қозонган ғалабаси тўғрисида Ҷиндистон подшосини хабардор қиласи ҳамда Бухоро билан Ҷиндистонни ўзаро бир-бирларига ёрдам беришга ва ҳамкорликка даъват этади.

1698 йил май ойида подшо Аврангзеб Бухоро элчиси Қутбиддинни қабул қиласи. Унга тўн, 10 минг рупий, 200 моҳр (1 моҳр – 15 рупийга тенг тилла танга) ҳамда элчини ватанига қайтаётганида унга фил ва 15 минг рупий билан сийлайди. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Ҷиндистонга яна икки элчи – 1704 йил январида Хўжа Зоҳид, 1705 йилда Мухтор Муборак юборилади. Қабул маросимида иккаласи ҳам қимматбаҳо буюмлар, турли хил ашёлар ва пул билан эъзозланади.

Ҷиндистоннинг Хоразм билан ўзаро муносабатлари ҳам диққатга сазовордир. Ташабbus кўпинча Ҷиндистон томонидан кўрсатилар эди. 1670 йил сентябрда Ҷиндистондан Урганчга Баҳодир исмли элчи юборилади. Ўз навбатида, 1680 йилда Урганч элчиси Хон Мирза Ҷиндистонга етиб боради. Қабул вақтида унга тўн ва ханжар, ватанига қайтиш олдидан эса жиға (саллага тақиладиган тилла безак), 5 минг рупий, 50 моҳр, Урганч хони Анушахон учун 2 минг рупий қўйматига тенг бўлган қилич ҳадя қилинади.

Аврангзеб давридан кейин бобурийлар салтанати емирилиш жараёнини бошидан кечираётганилигига қарамай Ҷиндистоннинг Бухоро ва Хоразм хонлиги ўртасидаги анъанавий алоқалари озми-кўпми давом этди. Чунончи, Бухоро хони Абулфайзхон (1711–1747) Ҷиндистон шоҳи Фарруҳ Сиёрга 1714–1715 йил-

ларда мактуб йўллаган ва уни Султонбой бошлиқ элчилар олиб борган. Шундан сўнг бобурийлар давлатининг шоҳи Фарруҳ Сиёр ҳам ўз элчисини Бухорага йўллаган.

Абулфайзхон Ўиндишонга Убайдулла исмли элчи юбориб, унга Ўиндишон шоҳи учун маҳсус мактуб ҳам топширган. XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳам Ўиндишон-Бухоро хонлиги ўртасида элчилар алмашиниб турилган ва уларнинг вазифасига асосан иктиносидай алоқаларни ривожлантириш кирган. Шундай қилиб, бобурийлар Ўрта Осиё хонликлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга ва мустаҳкамлашга интилгандар.

Тарихчи олим В.М. Масон таъкидлаганидек, Ўрта Осиё билан Ўиндишон қадими Шарқ цивилизациясининг икки қудратли ўчоғи ҳисобланиб, уларнинг бир-бирига таъсири, хусусан маданият соҳасида айниқса баркали бўлди<sup>1</sup>.

Ўзининг гўзал, муқаддас анъаналарини сақлаб келаётган ҳинд маданияти қўп миллатли бўлиб, уларни ўзига хос маъалий ва миллий санъати халқ ижодида яшариб ривожланди. Ўинд рассомчилик ва меъморчилик санъати ўзининг узоқ йиллик тарихида қўшни халқлар, айниқса, Мовароуннаҳр халқлари ижодига самарали таъсир кўрсатиб келди ва, ўз навбатида, бошқа халқларни ҳам қўп санъат дурданалари, услугуб ва намуналарини қабул қилиб, уни сайқаллади. Натижада ҳинд маданияти янада бойиди, нафислашди, кишилар қалбини ўзига мафтун қилди. Деҳли султонлиги ва бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда бунёд этилган бинолар, ёдгорликлар, турли рангдаги қимматбаҳо тошлардан, мармарлардан сайқал топган ва шинамлиги, нафислиги, маъобат, салоҳият билан бошқа мусулмон мамлакатларидаги обида ва ёдгорликлардан катта фарқ қиласди.

Ватанимиз халқлари жуда қадим замонлардан бери Ўиндишон мамлакати тарихи, маданияти, юксак санъати ҳамда фани билан қизиқиб келганлар. Асрлар давомида Ўрта Осиёдан Ўиндишонга минглаб атоқли кишилар боргандар. «Мен

<sup>1</sup> Масон В.М. Средняя Азия и Индия: 5000 лет культурных связей и творческого взаимодействия. India and central Azia (The-Islamic period). Индия и Центральная Азия (доисламский период) Ташкент 2000, р. 113.

Ҷиндистон тарихини ўқиб чиқдим – деб ёзган эди Ҷиндистоннинг биринчи Бош вазири Ж. Неру. – Мен қадимги вақтларда Ҷиндистонда бўлган ва саёҳатларини ёзиб қолдирган Хитой ва Ўрта осиёлик сайёҳлар билан бирга Ҷиндистон бўйлаб кездим».

Ҷиндистон тарихи, хусусан, унинг ўрта аср даври тарихини ўрганишда Ўрта осиёлик муаллифларнинг ёзиб қолдирган асарлари катта аћамиятга эга.

Юқорида зикр қилганимиздек, буюк ўзбек қомусчи алломаси Абу Райхон Беруний бир неча марта Ҷиндистонга саёҳат қилиб унинг шађарларида кўп йиллар яшади. Баъзи бир олимлар Беруний Ҷиндистонга уни босиб олиш учун келган Маҳмуд Газнавий ва унинг қўшинлари билан борган деб кўрсатадилар. Бу фикр бутунлай нотўғридир. Беруний Ҷиндистон жўғрофияси, тарихи ва фани билан яқиндан танишиш маќсадида бу мамлакатга бир неча бор ташриф буюрган.

У ҳиндуларнинг дунёкараши, илми, маданиятини ўрганди. Ҷиндуларнинг муқаддас «Бхагавагита» китоби унинг севимли асари бўлиб қолди. Берунийнинг бу ўлка бўйлаб қилган саёҳатлари ҳакида ёзган асари бизгача етиб келган қадимий йирик ёдгорликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Дарҳакиқат, барча таникли олимлар томонидан юксак баҳоланганд 『Ҷиндистон』 асари муаллифнинг Ҷиндистонни нақадар чуқур ва ҳар томонлама ўрганганлигидан далолат беради. Беруний асарида олимнинг улуғ ҳинд халқи маданиятига бўлган чуқур эҳтиром руҳи сезилиб туради.

Ўрта Осиё ва Ҷиндистон халқлари ўртасидаги маданий алоқани кучайтиришда машҳур шоир ва мутафаккир Амир Хусравнинг (XIV аср) ўрни катта бўлган. Унинг отаси Сайфиддин асли кешлик (ҳозирги Шађрисабз) бўлиб, ҳаётининг сўнгги йилларини Ҷиндистонда ўтказган. Хусрав ана шу даврда Ҷиндистонда туғилган. Бинобарин, ҳинд халқининг буюк шоири Хусравнинг она Ватани ҳам Ўрта Осиё, ҳам Ҷиндистондир.

Хусрав Деёлавий атоқли мусиқачи ҳам бўлган, у мусиқага оид кўп асарлар ёзган. Ҷиндистонда бобурийлар империясининг ташкил топиши ҳинд халқлари тараќқиётида янги саћифа очди. Ҷиндистонда эътиборли бўлган тилларидан бири, миллионларча

кишиларни бирлаштирувчи тил – урду тили һам бобурийлар даврида һинд, турк (ўзбек) тиллари ва тожик-форс тилининг бир-бирига кўрсатган таъсири натижасида ривожланган эди. Шеъриятдаги «Сабки һинди» услуби Ҳиндистонга бориб яшаган, форс-тожик шоирларига һинд табиати ва ижтимоий һаётининг таъсири натижасида пайдо бўлди. Бу услубда ёзилган асарлар асосан дидактик тарбиявий тарздаги қадимий һинд афсоналари бўлиб, улар форс-тожик адабиётида баён қилинган фалсафий дунёкараш руҳи билан сұғорилган «Сабки һинди» мактабининг кўзга кўринган намояндалари Урфий, Назирий, Калим, Толиби Омули, Бедил ва бошқалар Мовароуннаҳр шоирларига катта таъсир кўрсатдилар. «Сабки һинди» Ўрта Осиёда «Бедилхонлик ва бедилшунослик» номи билан машҳур бўлди.

XVI асрнинг охири ва XVII аср давомида Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги һамкорлик ва маданий алоқалар кучая борди. Султон Саид Жавонмардалихон ва Абдуллахонлар саройининг машҳур шоирларидан бўлган тожик шоири Мушфиқий Ҳиндистонга икки марта саёҳат қилган. Шоир Ҳиндис-тонга қилган иккинчи сафаридан Эрон орқали Самарқандга келди ва бу ерда император Акбарга атаб қасида ёzáди. Бу қасидани у Ҳиндистонга юборади. Мушфиқий 1588 йилда Бухорода вафот қилди. Ҳиндистонга фақат сарой шоирларидан Жалол Китобдор Дастури Насафий, Хўжа Самеи Саодат, Губор Мулло Муқанди Балхий, Мунъими Бухороий, Насим Маҳрам, Нашъва, Ломен Насафий ва Мир Саид Жамол каби 15 дан ортиқ киши кетиб қолганди. Тарих фанлари доктори И. Низомиддинов ўзининг «Маданий һамкорлигимиз сађифаларидан» (1987) рисоласида Бобур ва бобурийлар даврида Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга бориб яшаган ва ижод қилган бир қанча олим-фузалолар, шоиру шуаролар, адиллар, тарихчилар, рассомлар, саркардалар, һакиму табиблар һақида маълумотлар келтирган.

Манбаларга қараганда кўпгина олим ва шоирлар Туркистондан Ҳиндистонга келганлар ва бу ерда ижодини давом эттириб, иккала ўлка халқлари ўртасидаги маданий дўстлик муносабатлари ривожига катта һисса қўшганлар. Ана шундай алломалардан бири машҳур Ҳофиз Куйки Тошкандий бўлиб, у тарих,

араб тили, мантиқ фанларини мукаммал ўзлаштирган ва бу фанлар бўйича қатор илмий асарлар яратган. У Бобур даврида, сўнгра унинг набираси Ақбаршоҳ даврида Ўинди斯顿да бўлган.

Мовароуннаҳрдан Ўинди斯顿га бориб, у ерда ижод этган ва яшаган шоирлар, олимлар, жумладан, Мулла Гурбатий, Бухорий, Мавлоно Мирак, Муҳаммад Содик Охунд, Мутрибий Ўинди斯顿да бир неча вақт яшаб ижод қилиб, сўнг ўз ватанларига қайтиб келганлар. Мовароуннаҳр ва Ўинди斯顿 ўртасидаги маданий алоқалар, олим ва шоирларнинг ўзаро борди-келдилари Ақбаршоҳ ва Аврангзеб даврида жуда ривожланди. Чунки бу даврда иккита минтақадаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт анча тинч ва барқарор эди. Бухородан ташқари, Самарқанд, Термиз, Балх шаҳарлари ҳам илм-фан, адабиёт марказларига айланган эди. Шу сабабли ҳам баъзи Ҳинд мусулмон олимлари ва шоирлари Мовароуннаҳрдаги бундай муқаддас шаҳарларга сафар қилганлар. Масалан, Ўинди斯顿да туғилиб унган истеъоддли шоир Рамзий асли номи Мирза Масъум Бухорога ташриф буюриб, бу шаҳарда узоқ вақт қолиб кетади ва яна ватанига қайтади.

Ўша даврда Ўинди斯顿 мусулмонлари Туркистонни, энг аввало, диний илмлар маркази сифатида ҳурмат қилганлар, айниқса Бухоро мадрасаларининг довруғи Ҳинд мусулмонлари орасида кенг ёйилган. Шу сабабдан бир қанча Ҳинд мусулмонлари Бухорода таҳсил олганлари маълум<sup>1</sup>.

Ақбаршоҳ даврида Мовароуннаҳр олимларидан Хўжа Иброҳим Самарқандий, Шайх Ҷусайн Мулла Миром Сулаймон, шоирлардан Фахмий Самарқандий, Фирузи Самарқандий, Ноҳиди Самарқандий, Қайсари, Ваҳмий, Кали Чиғатой ва бошқалар Ўинди斯顿га ташриф буюрадилар. Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳ Жаҳон Ҳукмдорлик қилган даврда Ўрта осиёлик машҳур хаттот Хожи Собир Ўинди斯顿да 20 йил шоҳ саройида котиб бўлиб ишлаган, яна бир таникли хаттот Саидо ҳам Шоҳ Жаҳон даврида саройда хизмат қилган.

Мовароуннаҳрлик Маҳмуд Ибн Вали 1625–1628 йилларда Ўинди斯顿нинг бир неча вилоятларида бўлиб, у ердаги

---

<sup>1</sup> Обидов Б. Бобурийлар даврида Ўинди斯顿 ва Туркистон алоқалари тарихидан XVI–XVIII асрлар // Шарқшунослик, №10. 2000. – Т.: Фан. – Б.120.

қадриятлар, тарихий обидаларга тасаннолар айтиб, очик чеңрали, меңмондўст һинд халқини катта һурмат ва эһтиром билан эслайди. Унинг бизгача етиб келган «Бахо ул-асрор» асарида жүгрофия, тарих, минералогия, табиатга оид қўп маълумотлар бор. Бу қомусий асар етти жилдан иборат бўлиб, уларда асосан умумий тарих, шу жумладан, Ҳиндистоннинг XVII аср биринчи чорагигача тарихи батафсил ёзилган. Муаллиф Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр халқлари ўртасидаги илм-фан ривожига муҳим һисса қўшган сиймодир.

Машҳур шоир, адабиётшунос, рассом ва созанда Мутрибийнинг (1559 йилда Самарқандда туғилган) «Нусхайи зибои Жаҳонгир» (Жаҳонгирнинг латиф китоби) ва «Хотироти Мутриби» асарлари Акбаршоҳ ва Жаҳонгиршоҳ давридаги Шимолий Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр халқлари ўртасидаги адабий-илмий муносабатларни ўрганишда муҳим манба һисобланади. У 1625–1627 Самарқандга қайтиб кетади.

Ҳиндшунос тарихчи И. Хошимов ёзишича, Мутрибий Жаҳонгиршоҳ билан учрашади ва унинг расмини чизади. Мутрибий «Нусхайи зибои Жаҳонгир» асарида Мовароуннаҳр, Бадахшон, Ҳиндистон ва Эронда XVI аср охири XVII аср бошларида яшаб ижод қилган 292 шоир һакида маълумот берган. Асар хотимасида Жаҳонгиршоҳ ва унинг даргоҳида кўрган-билгандарни баён қилинади.

Бобурийлар давридаги сарой тарихчилари Абдулқодир Бадауний, Абулфазл Алломий, Феришта, Абдулҳамид Лоҳурӣ, Низомиддин Ієравий, Рашид Недви, Хондамир, Жавҳар, Муҳаммад Соқий ва бошқалар Бобур, Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аврангзебларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида катта-катта асарлар ёзил қолдирганлар. Шундай қилиб, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий-дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўз даври талабига мувофиқ ўзига хос шакл ва мазмunda ривожланган.

Бинобарин, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда ўрта асрларда вужудга келган иқтисодий-савдо муносабатлари икки томоннинг сиёсий ва маданий алоқаларида ҳам ривож топишига катта имконият яратди. Бу ҳамкорлик икки ўлканинг ижтимоий-маънавий ва

дипломатик муносабатларнинг тараққий этишига ћам самарали таъсир кўрсатди.

## **Адабиёт**

1. Антонова К.А., Бонгард–Левин Г.А., Котовский Г.Г. История Индии. –М., 1979.
2. Синха Н.К., Банерджи А.Ч. История Индии. – М., 1954.
3. История Индии в среднее века. Отв. редакторы: Л.Б. Алаев, К.А. Антонова, К.З. Ашрафян. – М., 1968.
4. Ашрафян К.З. Феодализм в Индии. – М.: Наука, 1977.
5. Алаев Л.Б. Южная Индия. Социально-экономическая история XIV–XVII веков. – М., 1964.
6. Азимджанова С.А. Государство Бобура в Кабуле и в Индии. – М.: Наука, 1977.
7. Антонова К.А. Очерки общественных отношений в политического строя Монгольской Индии времен Акбара (1556-1605). –М., Изд. АНССР, 1952.
8. Франсуа Берье. История последних политических переворотов в государстве Великого Могола. – М., 1936.
9. Бобур З.М. Бобурнома. 1-2 кисм. – Т.: Ўздавнашр, 1949.
10. Из истории культурных связей народов средней Азии с Индией. – Т.: Фан, 1986.
11. Луния Б.Л. История индийской культуры. – М., 1960.
12. Қамчибек кенжә. Ҷинд кориға. – Т., 2000.
13. Джавахарлал Неру. Открытие Индии. – М., 1955.
14. Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю. Том 1-2. – М.: Прогресс, 1975.
15. Низомиддинов И. XVII–XVIII асрларда Ўрга Осиё–Ҷиндистон муносабатлари. – Т.: Фан, 1966.
16. Нуритдинов М. Бобурийлар сулоласи. – Т.: Фан, 1994.
17. Хайриддин Султонов. Бобурийнома. Маърифий роман. – Т.: Шарқ, 1997.
18. Файзиев Т. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. – Т., 1996.
19. Уильям Эрскин. Бобур Ҷиндистонда. – Т., 1995.
20. Ўзбек дипломатияси тарихидан. – Т., 2003.
21. Гўёсов Т.Г. Ҷиндистоннинг янги тарихи. – Т., 1999.
22. И. Ҷошимов. Ҷиндистонда бобурийлар сулоласи салтанати. – Т., 1996.
23. История стран Азии и Африки в средние века. Часть 1. –М.: Изд. Московского университета, 1987.
24. История стран Азии и Африки в средние века. Часть 2. Изд. Московского университета, 1987.
25. Basham A. L. Studies in Indian History and Culture. – Calcutta, 1964.
26. Rowell – Priece y.C. The History of India. – London, 1955.
27. Sharma S.P. Moghal Government and Administration. – Bombay, 1951.
28. Tripty R.P. Rise and Fall of the Moghal Empire. – Allahabad, 1956.
29. Ali K. A new History of Indo – Pakistan (up to 1526). – Karachi, 1993.
30. Rahman A. Indian Muslims. A Historical Perspectives / Muslims of India. – New Dehli, 1992.

31. Short History of Pakistan. Books to the Four. – Karachi, 1992.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
Тиндистонда феодал муносабатларнинг вужудга келиши .....	5
Тиндистонда VI–XII феодал муносабатларнинг ривожланиши.....	10
VI–XII асрларда Тиндистоннинг сиёсий тарихи .....	12
Деҳли султонлиги даврида Тиндистон (XIII – XVI асрнинг биринчи чораги).....	17
Деҳли султонлигининг сиёсий тарихи .....	17
Деҳли султонлигига ижтимоий-иктисодий тараққиёт .....	23
Жанубий ва Гарбий Тиндистон (XIV–XVI аср ўртаси) .....	27
Бижонагар давлати .....	32
Бобурийлар империясининг вужудга келиши .....	35
Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1526–1530).....	35
Тумоюншоҳ (1530–1540, 1555–1556).....	40
Тиндистонда Шерхон давлати (1540–1555).....	42
Шершоҳнинг ер-солиқ, молия ва маъмурий ислоҳотлари .....	43
АКБАРШОҲ (1556–1605) .....	51
ЖАҲОНГИРШОҲ (1605–1627).....	58
ШОҲ ЖАҲОН (1628–1659).....	61
АВРАНГЗЕБ (1658–1707) .....	63
Бобурийлар салтанатининг таназзули.....	68
Сипоҳийлар қўзғолони (1857–1859).....	74
Ўрта асрларда Тиндистон маданияти. Диний тафаккур .....	79
Тиндистонга ислом маданиятининг кириб келиши .....	81
Бобурийлар даврида Тиндистон маданияти .....	90
Ўрта асрларда Тиндистон ва Марказий Осиё муносабатлари	101
Адабиёт .....	124

Муђаррир:                    ф.ф.н. ***О. АБДУЛЛАЕВ***  
Таќризчи:                    т.ф.д., проф. ***А.М. ҚОСИМОВ***,  
                                  т.ф.д., проф. ***А.А. ҒАСАНОВ***  
Тех. муђаррир:              ***С. ЮСУПОВА***  
Комп.версткаси:            ***А. ЮНУСОВ***  
Тех. ходим:                 ***И. ОДИЛОВА***

2004 йил 26 июнда Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиуми 43-сонли мажлис баёни билан тегишли Олий ўқув юртлари учун ўқув кўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Ушбу ўқув кўлланма ТошДШИ Ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (№ 2 баённома, 04.03.2004).

Босишига рухсат этилди 22.12.2004.

Бичими 60x84 1/16 Шартли 8,0 б.т. 200 нусхада босилди. Буюртма №  
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг кичик босмахонаси.  
Тошкент, Шаһрисабз кўчаси, 25.